Калит сўзлар: мулк, мулккий ҳуқуқ, товламачилик, оғирлаштирувчи ҳолат, етказилган зарар, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда, жавобгарликни дифференциация қилиш.

Эргашев Илёс Урол угли,
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: ergashevilyos7676@mail.ru

ПОНЯТИЕ ВЫМОГАТЕЛЬСТВА И ЕГО УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ ПРИЗНАКИ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены некоторые размышления о понятии, признаках, элементах состава данного преступления, в том числе об объекте и объективной стороне вымогательства автором чужого имущества путем вымогательства. Также автор отмечает, что одной из основных функций уголовного права является обеспечение неприкосновенности имущественных прав. Можно сказать, что большинство преступлений будет направлено на получение дохода, легкое приобретение имущества или прав на имущество. К таким преступлениям относятся в основном преступления в экономической сфере, среди которых наиболее распространенными являются преступления, связанные с воровством и мошенничеством. Однако среди этих видов преступлений преступление вымогательства отличается от обоих наиболее часто упоминаемых преступлений тем фактом, что оно наносит жертве не только материальный, но и значительный моральный ущерб. Он также не информирует правоохранительные органы о том, что жертве угрожают применением насилия в отношении себя или своих близких, повреждением имущества или уничтожением имущества или разглашением информации, которая должна храниться в секрете для жертвы в ходе совершения преступления. Это увеличивает латентность этих видов преступлений и побуждает лицо, совершившее преступление, совершить еще одно преступление в будущем. Автором также разработано предложение о необходимости уточнения понятия «близкий человек» в норме, предусматривающей уголовную ответственность за вымогательство.

Ключевые слова: имущество, имущественные права, вымогательство, отягчающее обстоятельство, причиненный ущерб, группой лиц, в крупном размере, в особо крупном размере, дифференциация ответственности.

Ergashev Ilyos Urol ugli,
Independent researcher
of Tashkent State University of Law
E-mail: ergashevilyos7676@mail.ru

THE CONCEPT OF EXTORTION AND ITS CRIMINAL-LEGAL FEATURES

ANNOTATION

The article presents some reflections on the concept, signs, elements of the criminal composition of this crime, including the object and objective side of extortion by the author of someone else's property by extortion. The author also notes that one of the main functions of criminal law is to ensure the inviolability of property rights. It can be said that most crimes will be aimed at generating income, easy acquisition of property or property rights. Such crimes mainly include crimes in the economic sphere, among which the most common are crimes related to theft and fraud. However, among these types of crimes, the crime of extortion differs from both of the most frequently mentioned crimes by the fact that it causes the victim not only material, but also significant moral damage. He also does not inform law enforcement agencies that the victim is threatened with violence against himself or his loved ones, damage to property or destruction of property, or disclosure of information that should be kept secret for the victim during the commission of the crime. This increases the latency of these types of crimes and encourages the person who committed the crime to commit another crime in the future. The author also developed a proposal on the need to clarify the concept of "close person" in the norm providing for criminal liability for extortion.

Keywords: property, property rights, extortion, aggravating circumstance, damage caused, by a group of persons, on a large scale, on a particularly large scale, differentiation of liability.

Жиноят қонунининг вазифалари сифатида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш белгиланган. Бугунги кунда инсон қадрини

улуғлаш, уни юксакка кўтариш замирида олиб борилаётган жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш жараёни мамлакатимиз жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг устувор вазифалардан ҳисобланади. Қайд этиш керакки, юртимизда мулк ҳуқуқини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилиш самарадор инструментлардан саналади.

Шу жиҳатдан 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “... янги турдаги жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш [1] устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари шахснинг мулкӣ муносабатларини бузилишига, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини поймол этилишига сабаб бўлади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга ҳилоф деб ҳисобланади [2].

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши олиб борилаётган давлат сиёсати қамровида талон-торож қилиш жиноятлари, жумладан товламачилик билан талон-торож қилиш ҳам долзарб муаммо сифатида кўрилади. Шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг тажовузлардан халос этиш жиноятчиликка қарши курашсиз бўлмайди. Шахснинг конституциявий ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш учун жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш, мурасиз бўлиш билан эришиш мумкин.

Мулк – мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича мулк эгаси ва жамиятнинг бошқа аъзолари (мулкдор бўлмаганлар) ўртасида юзага келадиган ҳуқуқӣ муносабатдир [3]. Фуқаролик кодексининг 167-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжуд.

Талон-торож қилиш жиноятлари таркибида товламачилик ғаразли мақсадда мулкка қарши содир этиладиган жиноятлардан бири бўлиб, у мулк ҳуқуқини бузишдан ташқари, шахснинг шаъни, кадр-қиммати, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлигини хавф остида қолдирадиган тажовуз ҳисобланади.

Мутахассислар товламачиликнинг ижтимоӣ хавфлилик хусусиятини уни нафақат мулкка, балки мулкчилик манфаатларининг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа (жумладан, мажбурият юқловчи, мерос бўлиб ўтувчи, уй-жой каби) мулкӣ муносабатларга ҳам тажовуз қилишидан иборат эканлигини таъкидлашади [4].

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари орасида товламачилик алоҳида ажралиб туради. Бунинг сабаби шуки, аксарият ҳолларда мазкур жиноят латент, яъни яширинлигича қолиб кетади. Негаки, жиноят қонунчилигига кўра шахснинг сир сақланиши лозим бўлган маълумотларини ошкор қилиш билан кўрқитиб, шахсдан мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни беришни талаб қилиш ёки шахсни мулкка бўлган ҳуқуқни беришга мажбур қиладиган шароитга солиб кўйишда ифодаланади. Одатда, жабрланувчилар, сир сақланиши лозим бўлган маълумотлар ошкор бўлишидан кўрқиб товламачига муайян моддий қимматликлар ёки маблағни беради ва бу ҳақида ҳеч кимга хабар бермайди. Охирги пайтларда бундай жиноятлар ўзганинг уятсиз фото ва видеосуратларини тарқатиш, интим муносабатларини оммага ошкор қилиш каби ҳолатларда содир этилмоқда.

Яна бир жиҳат шуки, товламачилик жинояти таъмагирлик мотиви билан содир қилинади. Товламачиликда мулк зўрлик ишлатилиб тортиб олинмайди, балки унинг эгаси томонидан ўз ихтиёри билан берилади. Қолаверса, товламачиликда жабрланувчига нисбатан қўлланиладиган дўқ-пўписа, агар жабрланувчи товламачининг талабини бажармаса, кейинчалик амалга оширилиши назарда тутилади.

Ушбу жиноятнинг объектини ўзга шахсларнинг мулки ва мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоӣ муносабатлар ҳисобланса, унинг предметини ўзганинг мулки ёки мулкӣ ҳуқуқи ташкил қиладди.

Товламачилик йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг предмети кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин. Кенгроқ олиб қаралганда кўчмас мулк фақат товламачилик ва фирибгарлик жиноятларининг предмети бўлса, бошқа талон-торож қилиш жиноятлари – босқинчилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ва ўғрилиқнинг предметлари кўчар мулклар бўлади. Шунингдек, кўчмас мулкнинг айрим қисмлари (эшиги, деразаси ва ҳоказо) ҳам товламачилик жиноятининг предмети бўлиши мумкин. Бошқа жиноят таркибларидан фарқли равишда мулкдорнинг эгалигига, жамғармасига келиб тушиши керак бўлган, лекин келиб тушмаган мулклар ҳам товламачилик йўли билан талон-торож қилишнинг предмети бўлиши мумкин.

Товламачиликда жиноят содир этаётган шахс томонидан қуйидаги талаблар қўйилади:

- мулкни топшириш;
- мулккий ҳуқуқ (акция, вексель)ни топшириш;
- мулккий манфаат (шартнома, тилхат) бериш;
- мулккий йўсиндаги ҳаракатлар (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) содир этиш.

Объектив томондан товламачилик айбдорнинг мулкдордан била туриб, ғайриқонуний равишда ўзига ёки у кўрсатган шахсларга муайян мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд улар фойдасига муайян мулккий йўсиндаги ҳаракатлар қилишни кўрқитиш йўли билан талаб этишда шунингдек, жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйишда ифодаланади.

Товламачилик учун жиноий жавобгарликка тортишга, айбдорнинг зўрлик ишлатиш тўғрисидаги таҳдидини амалга оширган бўлиши шарт бўлмай, бундай талаб қўйилишининг ўзи етарлидир [5].

Демак, объектив томондан товламачилик иккита асосий элементдан иборат:

- 1) товламачилик йўл билан кўрқитиш;
- 2) товламачилик йўли билан талаб қилиш.

Мана шу 2 та элементнинг мавжудлиги жиноятни тамом бўлган, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, товламачилик қуйидаги ҳаракатлар орқали амалга оширилади:

– зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш – бунда зўрлик ишлатишнинг хусусияти шундаки, ЖК 165-моддаси 1-қисми бўйича кўрқитиш ўз ичига жабрланувчини ёки унинг яқин кишиларини ўлдириш, баданига шикаст етказиш, номусига тегиш ва бошқа турдаги ҳаракатларни содир этиш билан кўрқитишни қамраб олади. Товламачиликни содир этиш ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитишни ҳам ўз ичига қамраб олади ва ЖК 112-моддаси (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш) бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди;

– мулкка шикаст етказиш ёки уни nobуд қилиш билан кўрқитишда мулк, мулккий ҳуқуқ ёки бошқа ҳуқуқлар жабрланувчига ёхуд унинг яқин кишиларига тегишли бўлиши мумкин. Мулкка шикаст етказиш ёки уни nobуд қилиш усули қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди. Агар айбдор ўз таҳдидини амалга ошириш пайтида ўзганинг мулкни nobуд қилган ёки унга шикаст етказган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 173-моддаси (мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш) билан ҳам квалификация қилиниши керак;

– маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш – бунда ушбу маълумотларни жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари сир сақлашни хоҳлайдилар. Объектив томоннинг ушбу белгиси бўйича квалификация қилишда жабрланувчи ёки унинг яқинлари мазкур маълумотларни сир сақлашга ҳаракат қиладиганликлари, уни ошкор этиш билан кўрқитиш эса, айбдор томонидан бирон-бир мулкни эгаллаш учун фойдаланаётганлигини аниқлаш муҳим. Агар товламачи ўз таҳдидини амалга оширишда олдиндан била туриб жабрланувчи ва унинг яқинлари шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи ёлғон маълумотларни тарқатган

бўлса, унинг ҳаракатлари қўшимча равишда ЖК 139-моддаси (тухмат) бўйича ҳам квалификация қилиниши керак;

– жабрланувчини мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароит яратиш [6].

Товламачилик жиноятида зўрлик ишлатиш объектив томон белгисининг асосий категорияси ҳисобланади ҳамда уни бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашга хизмат қилади. Шу ўринда “зўрлик”, “зўрлик ишлатиш” тушунчаларига тўхталиб ўтиш лозим.

Адабиётларда зўрлик ишлатиш ижтимоий-ҳуқуқий тушунча сифатида келтирилади [7]. Шу сабабли, унга таъриф беришда унинг ижтимоий белгиларига тўхталмай ўтиш мумкин эмас. Мазкур белгилар зўрликнинг ҳар доим киши ёхуд кишилар гуруҳига нисбатан қонунга ҳилоф равишда таъсир этишида, жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, айбнинг қасд шаклида содир этилишида, шахс соғлиғи ёки ижтимоий манфаатларга зарар етказиши ёки зарар етказиши мумкинлигида намоён бўлади [8].

Маълумки, “зўрламоқ” тушунчасига зўрлик билан бирор ишга ундамоқ, мажбур қилмоқ, “хоҳишидан ташқари иш қилдирмоқ”, деб изоҳ берилади [9]. Зўрлик кенг мазмунли тушунча бўлиб, мазкур атама юриспруденция илмининг кўплаб тармоқларида қўлланилади. Жумладан, давлат бошқарувида мазкур атама билан алоқадор алоҳида назария – “зўрлик назарияси” ишлаб чиқилган. Унга кўра, зўрлик назарияси жамиятни итоатда сақлаб туриш ёки куч билан ўзгартириш фаолиятини амалга оширувчи ишни изоҳлайдиган сиёсий таълимотлардан бири, давлатнинг вужудга келиши ва амал қилиши тўғрисидаги қарашлар, фикр ва мулоҳазаларга асосланган назария ҳисобланади [10].

Маълумки, меҳнат қонунчилигида мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Бироқ, ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида [11], Ҳаққулдда ҳолат юз берган шароитларда [12], суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан [13], қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Лекин, “зўрлик” тушунчаси жиноят-ҳуқуқий соҳанинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Зўрлик бир неча жиноятларни ўз ичига қамраб олувчи серкирра тушунча бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси ЖКда унинг изоҳи ва мазмуни акс эттирилмаган. Шу юзасидан олимлар ва соҳа мутахассислари ушбу тушунчани турлича талқин қилишади. Адабиётларда “зўрлик – бу ўзбошимчалик билан содир этиладиган хўрловчи, азобловчи, қонунга ҳилоф ҳаракатлардир”, деб таъриф берилади [14]. Юридик энциклопедияда зўрлик деганда, бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши тушунилиши қайд этилган [15]. Ўз навбатида, зўрлик инсоннинг дахлсизлигини бузиш, жисмоний ва руҳий азоб бериш шаклида ҳам намоён бўлади [16].

Қатор халқаро ҳужжатларда ҳам зўрлик тушунчаси аёлларга нисбатан содир этилиши таъкидлаб ўтилган. Масалан, БМТнинг 1993 йилги “Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида”ги Декларациясида аёлларга нисбатан зўравонлик деганда, аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётидан маҳрум этишга қаратилган ҳар қандай зўравонликдан иборат ҳаракат тушунилан.

А.Ивашенко ва А.Марцев “зўрлик” тушунчасини тушуниш юзасидан “зўрлик бир томоннинг хулқи иккинчи томоннинг хоҳишига қарши йўналтирилган эркин инсонлар ўртасидаги муайян ўзаро муносабатларни акс эттиради, деб қайд этишади [17]. Бу борада Р.Шарапов “зўрлик сифатида бир шахснинг бошқа бир шахс хоҳиш-иродасига қарши ҳолда содир этилган ҳаракатлари тушунилан ва тушунилмақда”, деб таъкидлайди [18]. Аммо, шу ўринда зўрликни жиноят сифатида баҳолашда унинг қонунга зид хатти-ҳаракат эканлигига эътибор қаратиш лозим.

С.Ниёзова ҳам зўрликнинг ҳуқуққа ҳилоф эканлигини алоҳида қайд этади. Жумладан, С.Ниёзова зўрлик тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф қилади: “зўрлик – бу жабрланувчи

хавфсизлигига қасддан, қонунга хилоф равишда жиноий тажовуз қилиш, унинг организмига (органлари, тўқималари ва уларнинг физиологик функциялари) иродасига қарши (ёки ундан ташқари) жисмоний (энергетик) ёки руҳий (информацион) таъсир этиш йўли билан жисмоний ёки руҳий зарар етказиш” [19].

Шуни қайд этиш жоизки, ЖКда ҳам мазкур масала ўз ечимини топмаган. Жумладан, ЖКда 40 та ҳолатда зўрлик тушунчаси қўлланилган бўлса, шундан 2 та ҳолатда (98 ва 106-моддаларда) “ғайриқонуний зўрлик” атамасидан фойдаланилган. А.Отажоновнинг қайд этишича, ғайриқонуний зўрлик – уриш, дўппослаш, баданга шикаст етказиш, жисмоний куч ишлатиш, номусга тегиш ва кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа шу каби ҳаракатларда ифодаланиши мумкин [20]. Шунингдек, Б.Тугельбаева ҳам зўрликни қонуний ва жиноий турларга ажратишни таклиф қилган [21].

Жиноят таркиби элементларига кўра товламачилик бошқа турдаги талон-торож қилиш жиноятларига ўхшаб кетади. Жумладан, товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажақда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда қўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим [22].

Товламачиликни содир этиш пайтида жабрланувчи қасддан ўлдирилган бўлса, қилмиш барча ҳолларда жиноятлар жами бўйича ЖКнинг 165-моддаси ва ЖК 97-моддаси 2-қисми “и” банди билан квалификация қилиниши керак. Бироқ, агар одам ўлдириш товламачилик фактини яшириш мақсадида содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 165-моддаси тегишли қисми ва ЖК 97-моддаси 2-қисми “о” банди бўйича квалификация қилиниши лозим [23].

Товламачилик нафақат фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўпол бузувчи, балки иқтисодиётга ҳам катта зарар етказувчи жиноят бўлиб, ижтимоий хавфи жиддий ҳисобланади. ЖКнинг 165-моддасига кўра, товламачилик ўзганинг мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишни, мулкрий манфаатлар беришни ёхуд мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни тақозо қилишини судлар эътиборга олишлари керак. Шу сабабли, қарздордан ўзи берган қарзни талаб қилиш ЖК 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖК 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши мумкин. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади [24].

Товламачиликни асосий белгиларидан бири бу айбдор томонидан ўзганинг мулки талаб қилинишидир, агар шахс ўзига тегишли мулкни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб содир этса, унинг ҳаракатлари товламачилик сифатида эмас, бошқа жиноят таркиби, жумладан ЖК 229-моддаси (ўзбошимчалик) билан квалификация қилиниши мумкин.

Товламачилик кесик таркибли жиноят бўлиб, ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини топшириш, мулкрий манфаатлар бериш ёки мулкрий йўсиндаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилинган (қўрқитган) ёхуд жабрланувчи ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйилган пайтдан эътиборан тамом бўлган ҳисобланади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, ЖКнинг 165-моддаси биринчи қисми диспозициясидаги “яқин киши” тушунчаси жиноят қонуни Махсус қисмида фақат икки ўринда учрайди:

- ЖК 106-моддасининг биринчи қисми;
- ЖК 165-моддасининг биринчи қисми;

Лекин, мазкур тушунча жиноят қонунида қўлланилган “яқин қариндош” тушунчасидан ўзаро фарқ қилади. Яъни, ЖКнинг Атамаларнинг ҳуқуқи маъносига бағишланган Саккизинчи бўлимида берилган тушунчага кўра яқин қариндошлар деганда қариндош ёки куда томондан

қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар тушунилади.

Мазкур ҳолатда эса, ЖКнинг 165-моддаси биринчи қисми диспозициясидаги “яқин киши” тушунчаси қариндош ёки қандайдан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингилларни ҳам қамраб олади. Шунингдек, назаримизда қонунни қўлловчида “яқин киши” тушунчасини аниқлаштириш билан боғлиқ муаммо келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-банднинг тўртинчи хатбошисида ушбу тушунчага тўхталиб, тушунтириш бериб ўтилган. Унда айтилишича, жабрланувчининг яқин кишилари қаторига, унинг яқин қариндошларидан ташқари, жабрланувчи билан алоҳида шахсий дўстона муносабатда бўлган шахслар ҳам кириши мумкин [25].


Шу жиҳатдан қаралганда, ЖКнинг 106-моддаси ва 165-моддасининг биринчи қисми диспозициясидаги “яқин киши” жумласига аниқлик киритиш, бу тушунчага ЖКнинг Атамаларнинг ҳукуки маъносига бағишланган Саккизинчи бўлимида бунга алоҳида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan ‘On the development strategy of New Uzbekistan for 2022 – 2026’. <https://lex.uz/docs/5841063>)
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596> (Constitution Of The Republic Of Uzbekistan. <https://lex.uz/docs/20596>)
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуки курси. – Тошкент: “Илм Зиё”, 2011. – Б. 13. (Rustambayev M.H. Course on criminal law of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: "ILM Zia", 2011. – p. 13.)
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: Adolat, 2016. – Б. 249. (Rustambayev M.X. Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Special part. - T.: Adolat, 2016. – p. 249.)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. – Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. Б. 51. (Collection of decisions of the plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. 1991-2006. 2 volumes. - T.: Justice, 2006. Volume one. p. 51.)
6. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2006. – Б. 251-255. (Rustambayev M.X. Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Special part. - T.: ILM ZIYO, 2006. – pp. 251-255.)
7. Шестаков Д.А. Семейная криминология: Криминофамилистика. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 175.; Алауханов Е.Х. Криминология: Учебник. – СПб.: Юридический центр пресс, 2013. – С. 236. (Shestakov D.A. Family criminology: Criminofamilistics. – St. Petersburg: Law Center Press, 2003. – p. 175.; Alaukhanov E.H. Criminology: Textbook. – St. Petersburg: Law Center Press, 2013. – p. 236.)
8. Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (жиноят-ҳукукий ва криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Т.: ТДЮИ, 2012. – Б. 64. (Salaev N.S. Violation of the charter rules for interaction between non-subordinate military personnel (criminal-legal and criminological aspects). Phd dissertation... - T.: TDYUI, 2012. – p. 64.)

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Т.2. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 167-168. (Explanatory Dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. T.2. / A. Under the editorship of Madvaliev. - T.: State Scientific Publishing House" National Encyclopedia of Uzbekistan", 2008. – pp. 167-168.)
10. Фалсафа: қомусий луғат. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 137. (Philosophy: encyclopedic dictionary. / Responsible editor: q.Nazarov. - T.: East, 2004. – p. 137.)
11. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan ‘On general military duty and military service’. Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2002., Issue 12, Article 217.)
12. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасининг олтинчи хатбоши. // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда. (Sixth paragraph of Article 16 of the law of the Republic of Uzbekistan ‘On protection of population and territories from emergency situations of natural and man-made nature’. // "Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1999., Issue 9, Article 221.)
13. Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 26, 42, 88, 93-моддалари тартибида. (in the order of Articles 26, 42, 88, 93 of the Criminal executive Law of the Republic of Uzbekistan.)
14. Словарь по уголовному праву. / Отв. ред.: проф. А.В.Наумов. – М., 1997. – С. 245. (Dictionary of Criminal Law. / Ed.: prof. A.V.Naumov. – М., 1997. – p. 245.)
15. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Нашр учун масъул: Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2011. – Б. 199. (Legal Encyclopedia of Uzbekistan. / Responsible for publication: N.Toychiev. - T.: Justice, 2011. – p. 199.)
16. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2013. – Б. 208. (Abdurasulova Q.R. Criminology: educational and methodical manual. - T.: TDYOU, 2013. – p. 208.)
17. Иващенко А.В., Марцев А.И. Методология правового исследования насилия. // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием. – Омск, 1996. – С.4. (Ivashchenko A.V., Martsev A.I. Methodology of legal research of violence. // Socio-legal problems of combating violence. – Omsk, 1996. – p.4.)
18. Шарапов Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический пресс-центр, 2001. – С.20. (Sharapov R.D. Physical violence in criminal law. – St. Petersburg: Legal Press Center, 2001. – p.20.)
19. Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик назарияси (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 22. (Niyazova S.S. Victimological theory (monograph) of crimes committed using coercion against an individual. - T.: TDYUI, 2011. – p. 22.)
20. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, М.Рустамбаев, А.Отажонов ва бошқалар. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 50. (Criminal law. Special part: textbook. / R.Kabulov, M.Rustambaev, A.Otajonov and others. / Responsible editor: Sh.Ikramov. - T.: MIA Academy of the Republic of Uzbekistan, 2016. – p. 50.)
21. Тугельбаева Б.Г. Проблемы предупреждения преступного насилия в отношении женщин: Монография. – Бишкек, 2003. – С. 19. (Tugelbaeva B.G. Problems of prevention of criminal violence against women: Monograph. – Bishkek, 2003. – p. 19.)
22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2 жилдли. – Т.: Адолат, 2006. Биринчи жилд. Б. 221-222. (Collection of decisions of the plenum of the

- Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. 1991-2006. 2 volumes. - Т.: Justice, 2006. Volume one. pp. 221-222.)
23. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – Б. 254. (Rustambaev M.X. Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Special part. - Т.: ILM ZIYO, 2006. – p. 254.)
24. Komil K. EXCEEDING THE LIMITS OF THE NECESSARY MEASURES TO DETAIN A PERSON WHO HAS COMMITTED A SOCIALLY DANGEROUS ACT //Thematics Journal of Law. – 2022. – Т. 6. – №. 1.
25. Комил Хакимов. КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРАВОНАРУШИТЕЛЯ, СОВЕРШИВШЕГО ПРЕСТУПЛЕНИЕ В СОСТОЯНИИ АФФЕКТА (СИЛЬНОГО ДУШЕВНОГО ВОЗБУЖДЕНИЯ) // Review of law sciences. 2020. №3. (Komil Khakimov CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE OFFENDER WHO COMMITTED A CRIME IN THE STATE OF AFFECT (STRONG MENTAL EXCITATION) // Review of law sciences.)



Ibragimov Murodjon Jumanazarovich,
Toshkent davlat yuridik universiteti
Ixtisoslashtirilgan filiali
Jinoyat-huquqiy fanlar kafedrası o'qıtuvchisi,
E-mail: shahzodahilola2226@gmail.com

JINOYAT HUQUQIDA QUROLNI QONUNGA XILOF MUOMALASINING OBYEKTIGA DOIR FIKR-MULOHAZALAR

For citation: Ibragimov Murodjon Jumanazarovich. RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE LEGAL REGULATION OF THE RESTRICTION OF INDIVIDUAL RIGHTS IN THE PRELIMINARY INVESTIGATION. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Maqolada jinoyat huquqi sohasida qurolni qonunga xilof muomalasining ob'ektiga doir fikr va mulohazalar tahlili amalga oshirilgan. Demokratik tamoyillarga asoslangan jinoyat huquqiga oid adabiyotlarda, qurol, o'q-dorilar, portlovchi moddalar yoki portlatish qurilmalarining g'ayriqonuniy muomalasining obyektiv tomoni bo'yicha turli hil fikr va mulohazalar yuritilgan bo'lib, jinoyat huquqi va boshqa huquq fanlarida olimlar tomonidan ilgari surilgan g'oya va qarashlar, xulosalar va taklif-tavsiyalarini chuqur o'rganish yuzasidan alohida tadqiqotni amalga oshirish zarurati mavjudligini ko'rishimiz mumkin bo'ladi va keyingi tadqiqotlarda mazkur masala yuzasidan izlanishlarni davom ettirish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Kalit so'zlar: Qurol, o'q-dorilar, portlovchi moddalar yoki portlashish qurilmalari, jinoyat obekti, inson, shaxs, jamiyat.

Ибрагимов Муроджон Жуманазарович,
Преподаватель кафедры уголовно-правовых
дисциплин Специализированного филиала
Ташкентского государственного юридического университета,
E-mail: shahzodahilola2226@gmail.com

НЕЗАКОННОЕ ОРУЖИЕ В УГОЛОВНОМ ПРАВЕ МНЕНИЯ ПО ОБЪЕКТУ ЛЕЧЕНИЯ

АННОТАЦИЯ:

В статье проведен анализ мнений и комментариев по объекту незаконного обращения с оружием в сфере уголовного права. В уголовно-правовой литературе, основанной на демократических принципах, существуют различные мнения и соображения по поводу объективной стороны незаконного обращения с оружием, боеприпасами, взрывчатыми веществами или взрывными устройствами, которые выдвигаются учеными в области

уголовного права и других юридических наук. быть в состоянии увидеть, что существует необходимость проведения отдельного исследования в отношении углубленного изучения идей и взглядов, выводов и предложений, и мы считаем целесообразным продолжить исследования по этому вопросу в дальнейших исследованиях.

Ключевые слова: Оружие, боеприпасы, взрывчатые вещества или детонационные устройства, преступный объект, лицо, общество.

Ibragimov Murodjon Jumanazarovich,
Lecturer of the Department of Criminal
and Legal Sciences of the Specialized Branch
of Tashkent State University of Law,
E-mail: shahzodahilola2226@gmail.com

RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE LEGAL REGULATION OF THE RESTRICTION OF INDIVIDUAL RIGHTS IN THE PRELIMINARY INVESTIGATION

ANNOTATION

In the article, the analysis of opinions and comments on the object of illegal handling of weapons in the field of criminal law was carried out. In the criminal law literature based on democratic principles, there are various opinions and considerations on the objective aspect of the illegal handling of weapons, ammunition, explosives or explosive devices, which are put forward by scholars in criminal law and other legal sciences. we will be able to see that there is a need to conduct a separate study regarding the in-depth study of ideas and views, conclusions and suggestions, and we believe that it is appropriate to continue research on this issue in further studies.

Keywords: Weapons, ammunition, explosives or detonation devices, criminal object, person, person, society.

Demokratik tamoyillarga asoslangan jinoyat huquqiga oid adabiyotlarda jinoyat obykti tushunchasi haqidagi masala yuzasidan turli nuqtai nazarlar mavjuddir. Bir guruh mualliflar (ular ko'pchilikni tashkil etadilar) jinoyat obyektini ijtimoiy munosabatlar sifatida an'anaviy tushunishdan kelib chiqsalar [1, –C.78–79], Ikkinchi guruh olimlari esa ijtimoiy munosabatlar qatorida jinoyat obyektiga xos boshqa sifatlarni, xususiyatlar (yuridik qadriyat yoki manfaatlar)ni ham kiritadilar [2, –C.118]. Uchin shilari esa jinoyat obykti nazariyasining ijtimoiy munosabatlar sifatida majmuaviyligi (universal)ni inkor etib, faqat huquqiy qadriyatlarni tushunish lozimligini uqtirib o'tadila [3, –C.104]. Olimlar tomonidan bildirilgan fikr-mulohazalar yoki g'oyalarning tahlili shuni ko'rsatmoqdaki, Ikkinchi guruh olimlarning yondashuvi e'tiborga molik bo'lsa-da, uchin shi guruhdagilarning jinoyat obykti tushunchasiga bo'lgan qarashlari fanda hali to'liq o'rganilinmagan desak xato qilmangan bo'lamiz. Hattoki mazkur yondashuv vakilaridan biri A.E. Jalinskiyning ta'kidlashisha «huquqiy qadriyatlar jinoyat obyektining yangi nazariyasida hali to'liq o'zini ifoda eta olmagan» [4, –C.97]. Fikrimizcha, jinoyat obykti – jinoyat qonuni hujjatlari bilan muhofaza etiladigan ijtimoiy munosabatlar yig'indisidan iboratdir.

Qurol, o'q-dorilar, rortlovshi moddalar yoki rortlatish qurilmalarining g'ayriqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoyatlarning umumiy obykti, boshqa jinoyatlar kabi jinoyat qonuni bilan qo'riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarning umumiy yig'indisidan iborat bo'ladi. Chunki, ijtimoiy munosabatlarning barcha guruhlari bir-biri bilan o'zaro bog'liq bo'lganligi sababli, ularning bir guruhiga yetkazilgan zarar boshqa guruhlarga bevosita ziyon yetkazmasada, umumiy jihatdan baholaganda barcha ijtimoiy munosabatlarning majmuiga ziyon yetkazadi [5, –B.101].

Mazkur ijtimoiy munosabatlarning yig'indisini O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi (keyingi o'rinlarda O'z.R JK deb yuritiladi)ning 2-moddasi birinchi qismida aks ettirilgan jinoyat to'g'risidagi qonun hujjatlarining vazifalarini belgilashda inobatga olingan. Ular jumlasiga: shaxs, uning huquq va erkinliklari, jamiyat va davlat manfaatlar, mulk, tabiiy muhit, tinshlik va insoniyat xavfsizligini ta'minlaydigan ijtimoiy munosabatlarning yig'indisi kiritilgan.

Jinoyatning umumiy obyektini aniqlash bilan bog'liq masalani tadqiq etayotganda, muhim bir jihatga e'tibor qaratmaslikning iloji yo'q. Ta'kidlash o'rinliki, amaldagi O'z.R JK va jinoyat huquqi bilan bog'liq ilmiy-nazariy manbalarda, shuningdek, jinoyat qonun hujjatlari orqali muhofaza qilinishi zarur bo'lgan jinoyatlarning umumiy obyektiga oid to'plangan ilmiy xulosalar va amaliy tajribalarni umumlashtirgan holda ularni qayta tasniflash haqidagi takliflarni shakllantirish uchun yetarli asoslar va obyektiv zarurat rishib yetilgan. Bu haqdagi izohlarimiz quyidagicha. Ya'ni:

Avvalambor, O'z.R JKning 2-moddasi birinchi qismida jinoiy-huquqiy muhofaza ostiga olingan eng muhim, qimmatli yuqori bo'lgan va davlat muhofazasiga muhtoj ijtimoiy munosabatlar [6, –B.140] ro'yxatidan ushbu Kodeks Maxsus qism ichki tuzilishi bilan qiyosiy-huquqiy jihatdan taqqoslaganda Kodeks qabul qilinganidan keyin o'tgan yigirma besh yildan ortiq vaqt mobaynida JKga kiritilgan yangi-yangi bo'lim yoki boblarda aksini torgan jinoyat huquqiy munosabatlar, jumladan «tadbirkorlik faoliyati tartibi, axborot texnologiyalari sohasidagi, harbiy xizmatni o'tash tartibini belgilovchi, qolaversa yangi tashqi iqtisodiy aloqalarning tartibini» belgilab beruvchi ijtimoiy munosabatlar vazifalar qatorida kiritilmagan;

ikkinchidan, yangi O'zbekiston deb atalgan hozirgi kunda tub islohotlar amalga oshirilib shiddat bilan tizimli rivojlantirish ko'lamini kengayotgan jamiyatimizda, qolaversa «Inson qadri» g'oyasi ustuvorlik kasb etayotgan bir paytda jinoyat huquqi asosida jinoyat qonun hujjatlari orqali muhofaza qilinishi zarur bo'lgan obyektlar doirasi tobora kengayib bormoqda. Ayniqsa, inson yoki shaxs yoxud fuqarolarning huquqlari va erkinliklari, jamiyat va davlat manfaatlarini amalda va ishonshli himoya qilishni kafolatlari yil sayin yangi bosqichga ko'tarilayotgani bois, jumladan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagi PQ-3723-son qarori bilan tasdiqlangan «O'zbekiston Respublikasi ning Jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligini takomillashtirish Konsepsiyasi» [7] ni ijrosi bilan bog'liq yigirmadan ortiq ustuvor vazifalarni ro'yobga chiqarishdagi yakuniy bosqishiga erishish uchun yangi JKni tayyorlashda mazkur normativ-huquqiy hujjatning vazifalarini yanada mukammal va aniq belgilab olish zarur;

uchinchidan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son farmoni bilan tasdiqlangan «2022-2026 yillarga mo'ljallangan «Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot Strategiyasi» [8] ning Ikkinchi ustuvor yo'nalishidagi (14-maqсадning 4-xatboshida) – Jinoyat, jinoyat-protsessual va jinoyat ijroiya qonunchiligini takomillashtirish siyosatini izchil davom ettirish, jinoiy jazolar va ularni ijro etish tizimiga insonparvarlik tamoyilini yanada keng joriy etish vazifasi ko'ndalang turganini hisobga olgan holda amaldagi Jinoyat qonun hujjatlarining Maxsus qismidagi bo'lim va boblar tuzilish jihatdan jinoyatlarning umumiy obyektini hisobga olgan holda «Inson, jamiyat va davlat» tamoyiliga to'liq mos ravishda ketma-ketlikda, ya'ni qat'iy tarzda tizimli tartibda shakllantirilishi shart.

Aynan shu o'rinda O'zbekistonda jinoyat huquqi fanining yetuk olimlaridan biri bo'lgan M.X. Rustambayevning «amaldagi jinoyat qonun-hujjatlari bilan muhofaza qilinadigan obyektlar deb e'lon qilingan ijtimoiy munosabatlar o'zida jamiyatda yuzaga kelgan qimmatli mezonlarni tasvirlab, muhofaza obyektlarining qanchalik mustahkam qo'riqlanishiga qarab, jamiyatdagi eng muhim ijtimoiy munosabatlarni muhofaza qiluvchi normalar ketma-ketligiga ham bog'liq» [6, –B.140] degan qimmatli fikri yuqoridagi xulosalarni bayon qilishimizga turtki bo'ldi. Shu nuqtai nazardan boshqa qonun hujjatlaridagi kabi jinoyat qonun hujjatlaridagi uzviy bog'liqlik va aloqadorlik nuqtai nazardan qaraganda Jinoyat kodeksining vazifalari Maxsus qismi bilan hamohang tarzda (bo'lim nomlari asosida) tuzilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Fikrlarimizni davom ettirib, A.V. Naumovning quyidagi xulosasini eslashni joiz deb hisoblaymiz. Ya'ni, «demokratik ta'moyillarga ko'ra, jinoyat qonuni bilan qo'riqlanadigan obyektlar ierarxik ketma-ketlikda: shaxs, jamiyat va davlat manfaatlaridan kelib chiqib tuzilishi kerak. Shu boisdan shaxs manfaatlari jinoyat-huquqiy himoyaning asosi bo'lishi kerak. Aynan shu manfaatlarning ishonshli va samarali himoya qilinishi, ayni paytda jamiyat va davlat manfaatlarini samarali himoya qilishga xizmat qiladi. Jinoyat-huquqiy himoya obyektlarini qonunchilik bilan belgilash sohasidagi bunday ustuvorliklar rivojlangan demokratik davlatlarning jinoyat kodeksida ushbu muammoning qonuniy yechimiga mos keladi» [9, –C.150].

Yoinki, O'zbekiston davlati rahbarining ta'biri aytganda «... konstitutsiyaviy islohotlarning zaruratidan kelib chiqib, ilgari amal qilib kelgan davlat – jamiyat – inson tamoyilini inson – jamiyat – davlat deb o'zgartirish, uni milliy qonunchiligimiz va huquqiy amaliyotimizda mustahkamlash zarur» [10].

Prezident Sh. Mirziyoyevning ushbu bildirgan purma'no so'zlariga, ya'ni ularni konstitutsiyaviy poydevor sifatida tan olib, unga tayangan holda jinoyat huquqi ta'limotida shu kunga qadar jinoyat huquqiy muhofaza qilingan va JKning 2-moddasi, birinchi qismida nazarda tutilgan «shaxs» atamasi o'rniga «inson» atamasini qo'llash zarurati yuzaga kelmoqda. Buning boisi, quyidagilar bilan izohlanadi:

birinchidan, tadqiqot ishimizning metodologik asosini tashkil etuvchi Prezidentning jamiyat hayotimizning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy jabhalari va sud-huquq tizimini isloh qilishga oid ulug'vor g'oyalarida, ayniqsa Yuqorida ta'kidlaganimizdek «konstitutsiyaviy islohotlarning zaruratidan kelib chiqib, ilgari amal qilib kelgan davlat – jamiyat – inson tamoyilini inson – jamiyat – davlat deb o'zgartirish, uni milliy qonunchiligimiz va huquqiy amaliyotimizda mustahkamlash zarur»ligidir;

ikkinchidan, O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy prinsiplaridan biri sifatida «O'zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko'ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmat va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblani»ching tan olinishi, shuningdek 2-bo'limda «Inson va fuqarolarning shaxsiy huquq va erkinliklari» o'rin egalashi bilan birga 24-moddada «Yashash huquqi har bir insonning uzviy huquqidir. Inson hayotiga suiqasd qilish eng og'ir jinoyatdir» deb belgilanishi [11], aynan «inson» konstitutsiyaviy muhofaza qilish obyekti sifatida qat'iy belgilanganligi, uni boshqa qonun hujjatlar, jumladan Jinoyat qonun hujjatlari bilan «Inson, uning huquq va erkinliklari» muhofaza qilinishi lozim;

uchinchidan, fanda ilmiy-nazariy va metodologik qarashlarning mavjudligi asosida «inson», «shaxs», «fuqaro», «odam», «indivud» atamalari orasida «inson» atamasi sanab o'tilganlarga nisbatan borliqda ko'proq qo'llanilishi masalaga oydinlik kiritishga ko'l keladi. Shu o'rinda «inson» va «shaxs» atamalarining mazmun-mohiyatini tahlil qilishga urinib ko'ramiz:

Chunonchi, Q. Nazarovning fikrishga, «inson (arab. unutmok) – olamdagi boshqa biologik mavjudotlardan ajralib turadigan muhim xususiyatlarga, ya'ni aql, ma'naviyat, madaniyat, axloq, tafakkur, til va boshqa jihatlarga ega bo'lgan ijtimoiy vujud, odam zotini anglatuvshi tushunchadir» [12, –B.487], «shaxs – ijtimoiy-ma'naviy, axloqiy mohiyati o'zida mujassamlashtirilgan odamni anglatuvshi tushunchadir» [13, –B.519]. Faylasuf olimning fikridan inson atamasining mohiyati shaxs atamasiga qaraganda ansha keng ma'noni anglatadi degan xulosaga kelishimiz mumkin. Uning bu ta'rifi falsafa fanining nuqtai nazarini ifodalaydi.

A.A. Mavlyanov «inson va shaxs» atamalari tushunchalariga oid falsafiy fikrida quyidagilarni bayon qilgan: Ya'ni «inson – yer yuzida mavjud tirik organizmlarning eng Yuqori darajasi bo'lib, o'zida biosotsial butunlikni mujassamlashtiruvshi ijtimoiy tarixiy faoliyat va madaniyat subyektidir», «shaxs esa – o'zida ijtimoiy ahamiyatli sifatlarini shakllantirgan konkret-tarixiy butunlikka ega bo'lgan insondir» [14, –B.6-12, 47-62].

R.I. Novgorodsev «shaxs» tushunchasi borasida shunday deydi «shaxs bu ijtimoiy ideal, ushbu ideallikning tomiri tirik inson shaxsida mujassam bo'ladi» [15, –C.67]. «Inson» tushunchasi haqida Gobbs [16, –C.95] ning fikri bo'yicha «inson nafaqat tabiiy va jismoniy, balki axloqiy va madaniy mavjudot» ekanligi bilan ta'riflanadi.

Shunday qilib, «inson» tushunchasi biologik va sotsial (axloqiy va madaniy) omillarning yaxlitligida namoyon bo'lsa, «shaxs» tushunchasida esa insonning faqat ijtimoiylashuvi haqida so'z yuritiladi.

Ushbu ikkita atama o'rtasidagi nomutanosiblikni tahlil qilishimizdan maqsad, biosotsial yaxlitlikka ega bo'lgan insonni yoki ijtimoiylashuvga erishgan, o'zini bilish darajasiga yetgan inson (shaxs)ni amaldagi jinoyat qonun hujjatlar bilan muhofaza qilinadigan obyekti sifatida tushunish lozimligini aniqlashdan iborat edi. Chunki amaldagi jinoyat qonun hujjatlarida belgilangan maxsus qism normalarini tahlil qilganimizda, qonun chiqaruvchi «shaxsga qarshi jinoyatlar» deb nomlangan bo'limda nazarda tutilgan normalar bilan nafaqat inson (shaxs)ni ijtimoiylashuvga ega bo'lgan

holati, balqi biosotsial mavjudligi bilan bog'liq ijtimoiy munosabatlarni jinoyat-huquqiy nuqtai nazardan qo'riqlashni amalga oshiradi. Misol uchun O'zR. JKning 99-moddasida «onaning o'z chaqalog'ini tug'ish vaqtida yoki tug'ilishi hamon qasddan o'ldirilishi» [17, –B.67] uchun jinoiy javobgarlik belgilangan norma bilan biosotsiologik omillarga ega bo'lgan inson (chaqaloq) hayoti muhofaza ostiga olinganligiga guvoh bo'lamiz.

Demak, tahlillar asosida ta'kidlash joizki, Jinoyat huquqi ta'limotida ijobiy ijtimoiy munosabatlarda «inson» atamasini tushuncha nizoli ijtimoiy munosabatlarda esa, endi jinoyat subyekti sifatida «inson» iborasi emas, balki «shaxs» tushunchasini qo'llash lozim bo'ladi. Chunki, insonning ijtimoiylashganligi uni ruhiyat olamida o'zini bilish va boshqarish xususiyatiga ega bo'lishidan darak beradi [18, –C.96].

Shu o'rinda «inson» va «shaxs» tushunchalari mohiyatiga huquqiy (yuridik) nuqtai nazardan e'tibor qaratadigan bo'lsak, biroz Boshqacha xulosaga kelamiz. Zero, avval aytganimizdek, jinoyatning obyekti bu jinoyat qonuni bilan qo'riqlanadigan ijtimoiy munosabatlardir. «Ijtimoiy munosabatlar» huquqiy jihatdan yuridik fanlar va qonunchilikning predmetini ham tashkil etishini unutmasligimiz lozim. X.T. Odilqoriyev ta'kidlaganidek, «huquqning ijtimoiy munosabatlarga ta'sir etishi va ularni tartibga solishi yuridik (davlat va huquq nazariyasi) fani uchun muhim metodologik ahamiyat kasb etadi» [19, –B.290]. Jamiyatda turli xil ijtimoiy munosabatlar mavjud bo'ladi, biroq ijtimoiy munosabatlarning muayyan qismi huquq normalari bilan tartibga solinib, ularga barqarorlik, izchil lik, maqsad sari yo'naltirganlik xususiyatini baxsh etadi.

Darvoqe, Jinoyat huquqi fanida ijtimoiy munosabatlar ikki xil tushunchada qo'llanilishini ta'kidlash joiz. Chunonchi, A.R. Kozlov jinoyat huquqining ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishini ta'kidlab, birinchisi jinoyat-huquqiy tartibga solish predmeti sifatida – ijobiy ijtimoiy munosabatlar qo'riqlanadigan bo'lsa, Ikkinchisi, esa nizoli ijtimoiy munosabatlardir [20, –C.229]. Zero, har ikkala turdagi (ijobiy yoki nizoli) ijtimoiy munosabatlar ham jinoyat huquq fani uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

X.T. Odilqoriyev huquqiy munosabat tushunchasiga ta'rif berib quyidagilarni ifoda etadi, ya'ni «huquqiy munosabat – o'zaro subyektiv huquq va majburiyatlar bilan bog'liq shaxslar (fuqarolar va yuridik shaxslar) o'rtasidagi huquq normalari va muayyan yuridik faktlar asosidagi aloqalardir» [19, –B.290]. Binobarin, bunday munosabatlarga kiruvshi subyektiv huquq va majburiyatlarga ega bo'lganlar – shaxslar deb tushuniladi. Demak, har qanday huquqiy normalar, jumladan jinoyat-huquqiy normalar bilan tartibga solinadigan xoh ijobiy bo'lsin, xoh nizoli ijtimoiy munosabatlar bo'lsin, ularning subyektlari yuridik nuqtai nazardan «shaxs»deb ifodalashni talab etadi.

Qolaversa, Z.M. Islomovning «jamiyat–ijtimoiy taraqqiyot va ijtimoiy munosabatlar maxsuli. Uni bunday tahlil etish ijtimoiy munosabatlar subyektlarini (shaxs, oila millat, sinflar, davlat va boshqalar)ning nomlarini ta'kidlash imkonini beradi» [21, –B.60] degan fikri yuridik fanlar nuqtai nazaridan inson emas shaxs tushunchasiga bizni yetaklaydi.

Shu boisdan ham amaldagi Jinoyat kodeksida «shaxs», «inson» va «odam» atamalarini qancha qo'llanilganini tahlil qilganimizda «shaxs» – 660 marotaba, «inson» – 15 marotaba va «odam» atamasi 104 marotaba qo'llanilganiga guvoh bo'ldik. Zotan, yuridik fan va qonunchilikda ijtimoiy munosabatlar subyekti sifatida aksariyat hollarda «inson» atamasidan ko'ra «shaxs» atamasidan foydalanish avfzal ko'ringan.

Shunday qilib, yuqoridagilarga asoslanib, O'z.R JKning vazifalarda o'ta muhim, qiymati yuqori bo'lgan va davlat muhofazasiga jinoyat-huquqiy nuqtai nazardan muhtoj ijtimoiy munosabatlarning ketma-ketligini ta'minlagan holda, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 2-moddasi birinchi qismi quyidagi yangi mazmunda: ya'ni

«Jinoyat kodeksining vazifalari shaxs huquq va erkinliklari, jamiyat va davlatning eng muhim manfaatlarini jinoiy tajovuzlardan qo'riqlash, shuningdek jinoyatlarning oldini olish, fuqarolarni respublika Konstitutsiyasi va qonunlariga rioya qilish ruhida tarbiyalashdan iboratdir» deb o'zgartirish taklifini ilgari suramiz.

Ushbu taklif qilinayotgan qoidada, JK Maxsus qismi bilan muhofaza qilinadigan jinoyat obyektlarini birma-bir sanab o'tishdan tiyildik. Zero, ijtimoiy hayot shiddat bilan rivojlanib

borayotgan bir paytda, uning muayyan bosqishida ayrim bir qilmishlarni jinoyat deb belgilanishi (kriminalizasiya) yoki jinoyat emas deb kodeksdan chiqarish (dekriminalizasiya) zarurati yuzaga kelganida jinoyatning vaziyatdan kelib chiqib umumiy obyekt doirasining kengayishiga yoki toraytirishga to'g'ri kelishini inobatga olib, mazkur norma matniga u yoki bu tuzatishlar kiritilmasligi tarafdorimiz.

Yuqoridagi fikr-mulohazalar va taklifga e'tibor bergan holda yana Jinoyat kodeksi Maxsus qismi ichki tuzilishidagi bo'limlarni quyidagi tartibda nomlash taklifini bildiramiz.

Birinchi bo'lim. Shaxsning huquq va erkinliklariga qarshi jinoyatlar;

Ikkinchi bo'lim. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar;

Uchinchi bo'lim. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar;

To'rtinchi bo'lim. Jamoat xavfsizligi va jamoat tartibiga qarshi jinoyatlar;

Bechinchi bo'lim. Jamoat birlashmalari, hokimiyat va boqaruv organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar;

Oltinchi bo'lim. Tinchlik va xavfsizlikka qarshi jinoyatlar;

Yettinchi bo'lim. Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar.


Xulosa o'rnida aytish lozimki, Yuqorida bayon etilganlardan ma'lum bo'lishisha «inson», «shaxs», «indivud», «odam» atamaları o'zbek tilida turdosh ma'nolarni anglatib biri ikkinchisini yanada mukammal anglashga to'ldiruvchi o'rnini bosadi. Tadqiqot obyekti va hajmini inobatga olgan holda yuqorida ko'rsatilgan atamalarning yuridik mohiyatini yanada chuqur anglash uchun va Jinoyat kodeksida mazkur atamalardan qay birini, ya'ni «inson» yoki «shaxs» deb ifodalash yuzasidan uzil-kesil ilmiy to'xtamga kelish uchun tadqiqotni yanada chuqurlashtirish, bu haqdagi jinoyat huquqi va boshqa huquq fanlarida olimlarning mavjud fikr-mulohazalari, ilgari surilgan g'oya va qarashlari, xulosalari va taklif-tavsiyalarini chuqur o'rganish yuzasidan alohida tadqiqotni amalga oshirish zarurati ko'rinadi. Shu bois keyingi tadqiqotlarda mazkur masala yuzasidan izlanishlarni davom ettirish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Ачилов И. Понятие объекта преступления и его место в составе преступления//Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили–Uzbek law review–Обзор законодательства Узбекистана. – 2018. – № 3. – С.78–79. (Akhilov I. The concept of the object of the crime and its place in the composition of the crime. Uzbek law review – 2018. – № 3. – P.78–79).
2. Пикуров Н.И. Объект преступления // Уголовное право России. Общая часть / Под ред. Сенцова А.С. Волгоград, 2001. – С.118; Соломенко И.Г. Объект преступления // Современное уголовное право. Общая и Особенная части / Под ред. Наумова А.В. М., 2007. – С. 70. (Pikurov N.I. Object of the crime // Criminal law of Russia. General part / Ed. Sentsova A.S. . Volgograd, 2001. - P. 118; Solomenko I.G. Object of the crime // Modern criminal law. General and Special parts / Ed. Naumova A.V. M., 2007. - P.70).
3. Жалинский А.Э. Объект преступления // Уголовное право Росси. В 2-х томах. Общая часть / Под ред. Игнатова А.Н. , Красикова Ю.А. М., 1999. – С. 104; Пашковская А.В. Объект преступления // Курс уголовного права. Общая часть. Т.1. Учение о преступлении / Под ред. Кузнецовой Н.Ф. , Тяжковой И.М. – М., 1999. – С. 202; Наумов А. В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – М.: Издательство БЕК, 1996. — С. 150. (Zhalinsky A.E. Object of the crime // Criminal Law of Russia. In 2 volumes. General part / Ed. Ignatova A.N. , Krasikova Yu.A. M., 1999. - P.104; Pashkovskaya A.V. Object of the crime // Course of criminal law. General part. T.1. The doctrine of crime / Ed. Kuznetsova N.F. , Tyazhkovoy I.M. - M., 1999. - P.202; Naumov A. V. Russian criminal law. General part. Lecture course. - M.: Publishing house BEK, 1996. - P.150).
4. Жалинский А.Э. Объект преступления // Уголовное право России. В 2-х томах. Общая часть / Под ред. Игнатова А.Н. , Красикова Ю.А. – М., – 1999. – С. 97. (Zhalinsky A.E.

- Object of the crime // Criminal law of Russia. In 2 volumes. General part / Ed. Ignatova A.N. , Krasikova Yu.A. - M., - 1999. - P.97).
5. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – B. 101. (Criminal law. General part: Textbook (Completed and revised second edition) / R. Kabulov, A.A. Atajonov et al. - T.: MIA Academy of the Republic of Uzbekistan, 2021. - B.101).
6. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. / I tom. Umumiy qism. Jinoyat to'g'risidagi ta'limot. Oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. – T.: «ILM ZIYO». 2010. – B. 140. (Rustambayev M.Kh. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. / I roof. General part. Doctrine of crime. Textbook for higher education institutions. - T.: "SCIENCE INTELLIGENCE". 2010. - B.140).
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagi «O'zbekiston Respublikasining Jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligini tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3723-son Qarori. (Resolution No. PQ-3723 of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 14, 2018 "On measures to fundamentally improve the system of criminal and criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan").
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi «2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi PF-60-son Farmoni. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. PF-60 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026").
9. Наумов А. В. Российское уголовное право. Общая част. Курс лекций. – М.: Издательство БЕК, 1996. – С. 150. (Naumov A. V. Russian criminal law. General part. Lecture course. - M.: BEK Publishing House, 1996. - P.150).
10. Mirziyoev Sh. Konstitutsiya qabulqilinganining 29 yilligi munosabati bilan xalqqa yo'llagan tabrigi. (Mirziyoev Sh. His greetings to the people on the occasion of the 29th anniversary of the adoption of the Constitution).
11. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. [Elektron manbaa] // <https://lex.uz/docs/20596> (Murojaat qilish vaqti: 10.05 2022.). (Constitution of the Republic of Uzbekistan. [Electronic resource] // <https://lex.uz/docs/20596> (Application deadline: 10.05 2022.)).
12. Nazarov Q. Jahon falsafasi qomusi. 1-kitob / muallif: Q. Nazarov. Tahrir hay'ati: O.U. Salimov, H.O. Shayxova va boshq. – T.: «Ma'naviyat» nashriyoti, 2019. – B. 487. (Nazarov Q. Encyclopaedia of World Philosophy. Book 1 / author: Q. Nazarov. Editorial board: O.U. Salimov, H.O. Shaikhova et al. - T.: "Ma'naviyat" publishing house, 2019. - P.487).
13. Nazarov Q. Jahon falsafasi qomusi. 2-kitob / muallif: Q. Nazarov. Tahrir hay'ati: O.U. Salimov, H.O. Shayxova va boshq. – T.: «Ma'naviyat» nashriyoti, 2019. – B. 519. (Nazarov Q. Encyclopaedia of World Philosophy. Book 1 / author: Q. Nazarov. Editorial board: O.U. Salimov, H.O. Shaikhova et al. - T.: "Ma'naviyat" publishing house, 2019. - P.519).
14. Мавлянов А.А. Фалсафада инсон борлиғи муаммоси: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – Б. 6–12, 47–62. (Mavlyanov A.A. The Problem of Human Being in Philosophy: A Study Guide. - T.: Ministry of Internal Affairs Academy of the Republic of Uzbekistan, 2001. - B. 6–12, 47–62.).
15. Навгородцев П.И. "Об общественном идеале". – М., – 1991. – С. 67. (Navgorodtsev P.I. "On the Social Ideal". - M., - 1991. - P.67).
16. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. – С. 95. (Alekseev P.V., Panin A.V. Philosophy: Textbook. - 3rd ed., revised. and additional - M.: TK Velby, Publishing House Prospekt, 2003. - P.95).
17. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi [2020 yil 1 iyulgacha bo'lgan o'zgartish va qo'shimchalar bilan] –T.: «Yuridik adabiyotlar publish», – 2020. – B. 67. (The Criminal Code of the Republic of Uzbekistan [with changes and additions until July 1, 2020] - T.: "Legal literature publish", - 2020. - P.67).

18. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. – С. 96. (Alekseev P.V., Panin A.V. Philosophy: Textbook. - 3rd ed., revised. and additional - М.: ТК Velby, Publishing house Prospekt, 2003. - P.96).
19. Odilqoriev X. T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik.– Т.: «Adolat», 2021. – В. 290. (Odilkoriev H. T. Theory of state and law. Textbook. - Т.: "Adolat", 2021. - P.290).
20. Козлов А.П. Понятие преступления – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2004. – С. 229. (Kozlov A.P. The concept of crime - St. Petersburg: Publishing house "Legal Center Press", 2004. - P.229).
21. Islomov Z.M. Davlat va huquq nazariyasi. – Т.: 2007, – В. 60. (Islamov Z.M. Theory of state and law. - Т.: 2007, - P.60).



Murodullayeva Gulinur Xikmatullo qizi,
O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi
huzuridagi Sudyalar oliy maktabi doktoranti
ORCID: 0000-0002-4879-073X
E-mail: murodullaevaguli@gmail.com

KORRUPSIYANING XAVFLI KO'RINISHI SIFATIDA – FAVORITIZM VA NEPOTIZM

For citation: Murodullayeva Gulinur Xikmatullo qizi. AS A DANGEROUS FORM OF CORRUPTION - FAVORITISM AND NEPOTISM. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

ANNOTATSIYA

Dunyoda korrupsiyaning oldini olish, favoritizm, nepotizm hamda manfaatlar to'qnashuvini oldini olish bo'yicha amaliy harakatlarni kuchaytirish va ularni tartibga solishning samarali mexanizmini yaratish dolzarb vazifaga aylanib bormoqda. Milliy olimlarimiz tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlarida favoritizm va nepotizm tashkiliy hodisa sifatida to'liq tahlil qilinmagan. Shu jihatdan, mazkur maqolada nepotizm va favoritizm muammosi davlat xizmati faoliyatining asosiy muammosi sifatida ko'rib chiqilgan. Korrupsiya shakllari sifatida nepotizm, favoritizm tushunchalari tahlil qilingan, shuningdek, ushbu hodisalarning manfaatlar to'qnashuvi kontekstida tarqalishi va ularni belgilovchi omillar o'rtasidagi munosabatlari aniqlangan. O'rganish natijasida favoritizm va nepotizm ko'lamiga qarab oilaviy rishtalar va do'stona munosabatlardan foydalanishning ijobiy va salbiy tomonlari aniqlangan. Ushbu hodisalarning davlat xizmatida manfaatlar to'qnashuvining tarqalishi bilan bog'liqligi ko'rib chiqilgan. Muallif tomonidan Yevropa mamlakatlarining nepotizm, favoritizm, manfaatlar to'qnashuvi sohasidagi normativ-huquqiy hujjatlari, normalari va qoidalari atroflicha tahlil qilingan. Korrupsiyaning bir shakli sifatida nepotizm va favoritizmni xolis aniqlash va tekshirishning huquqiy va institutsional jihatlari ko'rib chiqilgan. Shuningdek, favoritizm va nepotizmni oldini olishga oid takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: korrupsiya, manfaatlar to'qnashuvi, nepotizm, favoritizm, lobbizm, patronaj, pantuflyaj, klientelizm, kronizm, favoritizm, traybalizm, odob-axloq qoidalari.

Муродуллаева Гулинур Хикматулло қизи,
Докторант Высшей школы судей при Высшем
судейском совете Республики Узбекистан
ORCID: 0000-0002-4879-073X
E-mail: murodullaevaguli@gmail.com

КАК ОПАСНАЯ ФОРМА КОРРУПЦИИ - ФАВОРИТИЗМ И НЕПОТИЗМ

АННОТАЦИЯ

Усиление практических мер по предотвращению коррупции, фаворитизма, nepотизма и конфликта интересов и создание эффективного механизма их регулирования становится актуальной задачей в мире. В исследованиях, проведенных отечественными учеными, фаворитизм и nepотизм как организационные явления до конца не проанализированы. В связи с этим в данной статье проблема nepотизма и фаворитизма рассматривается как основная проблема государственной службы. Проанализированы понятия nepотизма и фаворитизма как формы коррупции, а также определено распространение этих явлений в условиях конфликта интересов и взаимосвязь между определяющими их факторами. В результате исследования были определены положительные и отрицательные стороны использования родственных связей и дружеских отношений в зависимости от масштабов фаворитизма и nepотизма. Рассмотрена связь этих событий с распространенностью конфликта интересов в государственной службе. Автор тщательно проанализировал правовые документы, нормы и правила европейских стран в сфере nepотизма, фаворитизма, конфликта интересов. Рассмотрены правовые и институциональные аспекты беспристрастного выявления и расследования nepотизма и фаворитизма как формы коррупции. Также разработаны предложения по предотвращению фаворитизма и nepотизма.

Ключевые слова: коррупция, конфликт интересов, nepотизм, фаворитизм, лоббизм, патронаж, пантуфляж, клиентелизм, кронизм, фаворитизм, трибализм, этикет.

Murodullayeva Gulnura Xikmatullo qizi,

Doctoral student of Supreme School of Judges under Supreme
Council of Judges of the Republic of Uzbekistan

ORCID: 0000-0002-4879-073X

E-mail: murodullaevaguli@gmail.com

AS A DANGEROUS FORM OF CORRUPTION - FAVORITISM AND NEPOTISM

ANNOTATION

Strengthening practical efforts to prevent corruption, favoritism, nepotism and conflicts of interest and creating an effective mechanism for their regulation is becoming an urgent task in the world. In studies conducted by national scientists, favoritism and nepotism as organizational phenomena have not been fully analyzed. In this regard, this article discusses the problem of nepotism and favoritism as the main problem of public service. The concepts of nepotism and favoritism as forms of corruption are analyzed, the spread of these phenomena in the conditions of a conflict of interests and the relationship between their determining factors are determined. As a result of the study, positive and negative aspects of the use of family ties and friendships were identified, depending on the extent of favoritism and nepotism. The connection of these events with the prevalence of conflicts of interest in the public service is considered. The author carefully analyzed the legal documents, norms and rules of European countries in the field of nepotism, favoritism, conflicts of interest. The legal and institutional aspects of impartial detection and investigation of nepotism and favoritism as a form of corruption are considered. Proposals have also been developed to prevent favoritism and nepotism.

Keywords: corruption, conflict of interest, nepotism, favoritism, lobbyism, patronage, pantouflage, clientelism, kronism, favoritism, tribalism, etiquette.

Kirish

Nepotizm va favoritizm kabi norasmiy turlar orqali namoyon bo'ladigan manfaatlar to'qnashuvi bugungi kunda korrupsiyaning bir ko'rinish sifatida namoyon bo'lmoqda. Korrupsiya bilan bog'liq hodisa sifatida manfaatlar to'qnashuvi korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarning rivojlanishiga yordam beradigan zaruriy shartdir. Manfaatlar to'qnashuvining paydo bo'lishi oilaviy yaqin munosabatlar yoki biznes manfaatlari bilan bog'liq potentsial korrupsiya xavfiga ega bo'lgan

yoki bo'lishi mumkin bo'lgan munosabatlardan oldin sodir bo'ladi. Qoida tariqasida, bu davlat hokimiyati va mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlari manfaatlarini bevosita ifodalovchi, shu bilan birga jamiyat manfaatlariga zid bo'lgan shaxsiy manfaatlariga ega bo'lgan mansabdor shaxslarga taalluqlidir. Biz nepotizm va favoritizmni shaxsiy manfaatlar asosidagi manfaatlar to'qnashuvining zaruriy sharti deb bilamiz. Demak, manfaatlar to'qnashuvi kengroq va chuqurroq korrupsiya hodisasi bo'lib, u nafaqat mumkin bo'lgan manfaatlar to'qnashuvi mavjudligini, manfaatlar to'qnashuvi doirasida qarorlar qabul qilishni, balki davlat mexanizmi doirasida korrupsion aloqalarni yuzaga keltirishni, bunday hodisalarning tarqalishini ham qamrab oladi ya'ni yaqin qarindoshlarni tayinlash, do'stlarga imtiyozlar berish va hokazo. Manfaatlar to'qnashuvi ko'p yillar davomida qarorlar qabul qilishda shaxsiy noto'g'ri qarashlar kontekstida yashirin tahdid bo'lib kelgan. Bu masalalar asosan shaxsiy yoki oilaviy munosabatlar, davlat mansabdor shaxslariga taqdim etiladigan sovg'alar yoki mehmondo'stlik kabi an'anaviy ta'sir manbalariga qaratilgan.

Mamlakatimizda manfaatlar to'qnashuviga oid tadqiqot ishlari B.Axrarov [1], B.Ismoilov [2], N.Said-gaziyeva [3], E.Xojiyev [4], F.Maxmudov [5] va boshqa olimlar tomonidan olib borilgan.

Nepotizm va favoritizm ko'plab xalqaro olimlar tomonidan o'rganilgan. Xususan, G. Abramo, S.A.Danjelo va F.Rosati [6] akademik sohalarda qarindoshlik hodisalarini o'rganishgan. Ular korrupsiya darajasi yuqori bo'lgan va universitetlar o'rtasida raqobat kuchli bo'lmagan yoki past bo'lgan oliy ta'lim tizimida odatda professor-o'qituvchilarni ishga qabul qilishda nepotizm hodisalariga ko'proq duchor bo'ladi degan xulosaga kelishgan. Nepotizmning ayrim shakllari M. Padgett va K.Morris [7], D. M. Safina [8], A. Siegert [9], G. Kerse va M. Babadag' M. [10] tomonidan o'rganilgan. Nepotizmning ijtimoiy buzg'unchi hodisa sifatidagi masalalari D. Zaykov [11], Yu. Matsievskiy [12] va boshqa tadqiqotchilar tomonidan, favoritizm tushunchasi N. Komliev [13], A.Kopystyra [14], D.Kreimer [15] tomonidan o'rganilgan.

Material va metodlar

Tadqiqot jarayonida umumiy va maxsus ilmiy usullardan foydalanildi. Maqolaning maqsadini inobatga olgan holda, tizimli tahlil usuli yordamida favoritizm va nepotizm korrupsiya shakllari sifatidagi bog'liqliklari aniqlandi. Mantiqiy usul bilan bir qatorda qiyosiy-huquqiy usul ham favoritizm va nepotizm tushunchalarini tahlil qilishga yordam berdi. Bu tushunchalar ham qiyosiy-huquqiy usul tufayli umumlashtirilib, tizimlashtirildi. Induksiya va deduksiya usuli favoritizm va nepotizmning asosiy belgilarini ajratish imkonini berdi. Germenevtika usuli yuqoridagi tushunchalarni korrupsiya xususiyatlari prizmasi orqali izohlash imkonini berdi. Tizimli usul manfaatlar to'qnashuvi bilan favoritizm, nepotizmning namoyon bo'lishi o'rtasida mantiqiy bog'lanishni amalga oshirishga imkon berdi. Huquqiy modellashirish usuli tadqiqot xulosalarini chiqarishda yordam berdi.

Butun dunyoda korrupsiyaga qarshi qonunchilikni takomillashtirish, shu jumladan davlat boshqaruv tizimida, davlat xizmatida, davlat kompaniyalari va davlat korporatsiyalarida manfaatlar to'qnashuvining oldini olish va hal qilish, davlat xaridlari sohasidagi korrupsiyaga qarshi kurashish, davlat budjetni amalga oshirishda korrupsiya xavfini minimallashtirish, davlat ishtirokidagi yirik loyihalarni amalga oshirishni monitoring qilish, xalqaro tijorat operatsiyalarida korrupsiyaga qarshi kurashish, korrupsiya jinoyati to'g'risida xabar bergan shaxslarni himoya qilish masalalari, normativ-huquqiy hujjatlarning korrupsiyaga qarshi ekspertizasi, korrupsiyaga qarshi ta'lim, qarindosh-urug'chilikka qarshi kurash va ishga qabul qilishning xolis tartib-qoidalarini ta'minlash zarurati hech qachon bu qadar muhim bo'lmagan. Yevropa Kengashining mahalliy va mintaqaviy hokimiyatlar Kongressi tomonidan ushbu mavzu bo'yicha qabul qilingan hisobot korrupsiyaga qarshi kurash bo'yicha keng qamrovli strategiyaning bir qismidir. Mahalliy va xududiy darajada jamoatchilik etikasini targ'ib qilish mahalliy siyosatning asosiy maqsadlaridan biriga aylanmoqda.

Jamoatchilikning davlat muassasalariga bo'lgan ishonch darajasi ko'pincha xodimlarning ish sifati va samaradorligi bilan bog'liq bo'lganligi sababli, davlat boshqaruv organlari va tashkilotlari eng munosib, malakali va motivatsiyaga ega bo'lgan kadrlarni yollashni ta'minlash uchun inson resurslarini boshqarishning to'g'ri usullarini joriy qilish kerak.

O'zbekiston Respublikasining "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonuniga ko'ra, korrupsiya - shaxsning o'z mansab yoki xizmat mavqeidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o'zga

shaxslarning manfaatlarini ko'zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etish deb aks ettirilgan.

Korrupsiya - bu jamiyatni turli yo'llar bilan iskanjaga oladigan dahshatli illatdir. Mazkur illat demokratiya va huquq ustuvorligi asoslariga putur yetkazadi, inson huquqlari buzilishiga olib keladi, bozorlar faoliyatiga to'sqinlik qiladi, hayot sifatini yomonlashtiradi va odamlar xavfsizligiga tahdid soladigan uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va boshqa hodisalar ildiz otib, gullashi uchun sharoit yaratib beradi [16].

“Manfaatlar to'qnashuvining oldini olish to'g'risida”gi qonun loyihasida manfaatlar to'qnashuvi davlat tashkiloti xodimining, uning yaqin qarindoshlarining va unga aloqador shaxslarning shaxsiy manfaatlari bilan fuqarolarning, tashkilotning yoki davlatning huquqlari va qonuniy manfaatlari o'rtasida qarama-qarshilik yuzaga kelgan va kelayotgan yoxud yuzaga kelishi mumkin bo'lgan vaziyat, deya ta'rif berilmoqda.

Korrupsiya shakllari turlicha bo'lib, ular pora olish, tovlamachilik, elektron korrupsiya, nepotizm (qarindoshlik bilan bog'liq odamlarning o'zaro birlashuvi), lobbizm (mansabdor shaxs va norasmiy odamlar bilan uchrashuvlar orqali rasmiy qarorlarni qabul qilishga siyosiy ta'sirning o'ziga xos turi) patronaj (davlat xizmatidagi ayrim toifadagi shaxslarga ustunlik berish va ularni asossiz himoya qilish.), pantuflyaj (yuqori lavozimdagi mansabdor shaxslarning nazorat qilinadigan tashkilotlarga o'tish yoki davlat sektoridan xususiy sektorga o'tish) [17], kliyentelizm (inglizcha clientelism, lotincha clientēla so'zidan olingan bo'lib, ikki ishtirokchi (odatda homiy va mijoz) o'rtasidagi iyerarxik munosabatlar tizimi bo'lib, iqtisodiy manfaatlardan foydalanish, siyosiy lavozimlarga tayinlash yoki qo'llab-quvvatlash evaziga, shu jumladan saylovlarda ko'tarilishni nazarda tutadi), kronizm (do'stlar yoki ishonchli odamlarga hokimiyat ustunliklarini berish amaliyoti, hamfikrlilik, tarafdorlikning bir turi) [18], favoritizm (ayrim xodimlarni yaqin olish va qo'llab-quvvatlash), hokimiyatparastlik, traybalizm (qarindosh-urug'chilik), homiylik, mulkni o'g'irlash, qaytarib olish, nopok ittifoq, uyushgan jinoyatchilikka aloqadorlik va boshqalarni o'z ichiga oladi. Biroq bu bilan korrupsiya shallari to'liq keltirib o'tilmadi, ushbu ro'yxatni hali uzoq davom ettirish mumkin. Turli xil demokratik tizimlarda korrupsiyaning turlari ham har xil bo'ladi, shunga ko'ra uning turli shakllari va darajalariga duch kelishimiz mumkin.

Tadqiqot natijalari

Mahalliy va hududiy darajadagi qarindosh-urug'chilik va tarafdorlik davlat xizmatlarini ko'rsatish samaradorligi to'sqinlik qiladi, aholining ishonchini pasaytiradi va mahalliy va hududiy davlat hokimiyati organlarining o'z saylovchilari manfaatlariga xizmat qilishi haqidagi tasavvurga putur yetkazadi.

K.Petrini va L.Rivalar manfaatlar to'qnashuvining asosini– qarindoshlik va o'zaro aloqa munosabatlari tashkil etishini qayd etib, har bir sohada yuz beradigan manfaatlar to'qnashuvi, avvalo, o'zaro qarindoshlarga imkoniyat va afzalliklar yaratish natijasida sodir bo'ladigan ijtimoiy hodisa ekanligini e'tirof etadilar[19].

Ba'zi o'zbek huquqshunos olimlari korrupsiyaning bugungi kunda keng tarqalgan “maishiy ya'ni tanish-bilish, qarindoshlik, o'zaro yon bosish, yordam berish, ish yuzasidan esa davlat hokimiyati va biznes vakillari o'rtasidagi, shuningdek yuqori hokimiyat organlari tomonidan sodir etiladigan korrupsiya oliy mansabdor shaxslar tomonidan shaxsiy manfaat yo'lida sodir etiladigan turlarini” qayd etib o'tadilar[20].

Nodavlat notijorat tashkilotlari amaldagi qonunchilik, shuningdek siyosat bilan tartibga solinmagan hamda qon-qonga singib ketgan norasmiy munosabatlar, an'anaviy amaliyotlar yordamida boshqarilib kelinayotgan xulq-atvor, harakat yoki udumlarni o'zgartirish zarur. Ma'lumki, bu jarayon sovg'a-salomlar, oldi-berdilar, manfaatlar to'qnashuvi kabi shubhali xatti-harakatlar orqali namoyon bo'ladi. Nepotizm ana shunday amaliyotlardan biri hisoblanadi. Bunda obyektiv qarash emas, balki shaxsga qandaydir afzalliklar berish ko'zda tutiladi.

Nepotizm - bu lotincha nepos - urug', zot, sulola va ikkinchi nepotis - nabira, jiyan so'zlaridan kelib chiqqan bo'lib, cherkov iyerarxlarini tomonidan eng yaqin qarindoshlarga imtiyozlar, lavozimlar, yer egaliklari, yuqori martabalar va unvonlar berish bilan bog'liq suiiste'mollik ko'rinishida XV-

XVI-asrlarda mavjud bo'lgan[21]. Nepotizm - qarindosh-urug' va oshna-og'aynichilik aloqalarini birinchi o'ringa qo'yib, kamchiliklari va boshqa xislatlariga e'tibor bermay siyosatda yoki tadbirkorlikda ularga maxsus sharoit yaratib berish, qo'llab-quvvatlash, kasbida va ishida ko'tarilib boylik orttirishda yordam berish.

Nepotizm - bu davlatlarning asosiy tarkibiy qismlariga tahdid soladigan korrupsiya shakli, chunki u adolat va tenglik me'yorlarining yo'qligi sababli jamiyatdagi ijtimoiy, madaniy va iqtisodiy xavfsizlik barqarorligiga real tahdid soladigan hodisadir[22].

Favoritizm va nepotizm - bu davlat xizmati tamoyillariga rioya qilish nuqtai nazaridan salbiy, lekin ko'pincha kam baholanadigan va e'tiborga olinmaydigan hodisalar[23].

Favoritizm va nepotizm barcha ko'rinishdagi korrupsion xulq-atvor turlari bo'lib, ular davlatning to'g'ri faoliyat yuritishiga va davlat hokimiyati organlarining jamiyat manfaatiga xizmat qilish qobiliyatiga putur yetkazishi mumkin[24]. Mahalliy va mintaqaviy darajada ular mahalliy davlat xizmatlarini ko'rsatish samaradorligiga to'sqinlik qiladi, aholining ishonchini pasaytiradi va davlat hokimiyati organlari o'z saylovchilari manfaatlariga xizmat qiladi degan tushunchaga ham putur yetkazadi.

Nepotizm – qarindoshlik, rahbarning o'z qarindoshlari va yaqin odamlariga ma'naviy homiyligi bo'lib, bunda yangi xodimlarni ko'rsatish va tayinlash diniy, tabaqaviy, qabilaviy mansublik, shuningdek, rahbarga shaxsiy sadoqat asosida amalga oshiriladi.

Nepotizm - bu favoritizmning yanada tor shakli bo'lib, u oila a'zolariga nisbatan moyillikni o'z ichiga oladi. Siyosiy partiyalar davlat lavozimlariga nomzodlarni jalb qilganda qarindosh-urug'chilik ham, qarindoshchilik ham ko'p uchraydi. Jamoatchilik sohasida ham manfaatparastlik, qarindosh-urug'chilik, qarindosh-urug'chilik umumiy manfaatlarga putur yetkazadi[25]. Agar biror kishi eng yaxshi ma'lumotlar va tajribaga ega bo'lgani uchun emas, balki aloqalari tufayli lavozimga ega bo'lsa, u kishining jamoatchilikka ko'rsatadigan xizmati past bo'lishi mumkin.

Misol sifatida ko'rsatadigan bo'lsak, joriy yilning sentyabr oyida lavozimidan ozod qilingan Muzrabot tumanining sobiq hokimi A.E.ga nisbatan DXX Surxondaryo viloyati bo'yicha boshqarmasi tomonidan Jinoyat kodeksining 167, 205 va 209-moddalari bilan jinoyat ishi qo'zg'atilgan. Dastlabki tergov harakatlari davomida ma'lum bo'lishicha, u mazkur tumandagi umumiy qiymati 1,7 mlrd. so'm bo'lgan 4,2 gektar yer maydonini aukcion savdolarisiz o'zining yaqin qarindoshlariga rasmiylashtirib bergan.

Shuningdek, tumandagi banklar uning yaqin qarindoshlari nomlariga turli maqsadlarda 166 mlrd. so'm miqdorida imtiyozli kredit mablag'lari ajratgan bo'lib, ularning katta qismi muammoli kreditga aylangan. Hozirda bank muassasalari tomonidan o'z vaqtida to'lovlari amalga oshirilmagan 121 mlrd. 406 mln. so'mlik kredit mablag'larini undirish yuzasidan tegishli ishlar olib borilmoqda. Bundan tashqari, "Surxondaryodonmahsulotlari" AJda olib borilayotgan taftish davomida aniqlanishicha, A.E. ishtirokida qiymati 35 mlrd. so'mlik 9,6 ming tonna don talon-toroj qilingan. Ta'kidlash lozimki, A.E. 2010-2017 yillarda ushbu Jamiyat rahbari lavozimida faoliyat olib borgan[26]. Ushbu holatlarda hokim xalq manfaatlarini emas, balki shaxsiy manfaatlarini ko'zlab, o'zining yaqin qarindoshlariga imtiyozlar yaratib berganligini ko'rish mumkin.

Bundan tashqari, tarafdorlik ko'pincha yashirin bo'lganligi sababli bu amaliyot hukumatning ishga olish va shartnoma tuzish jarayonlarining bir qismi bo'lishi kerak bo'lgan shaffoflikni buzadi. Ehtimol, favoritizm tomonidan taqdim etilgan eng katta dilemma shundaki, boshqa turli nomlar ostida kam odam buni muammo sifatida ko'radi[27]. Aloqalar, tarmoq, oila deyarli har bir kishi xususiy sohada ish qidirishda ushbu yordam manbalaridan foydalanadi. Ishga qabul qilish tartib-taomillarida qarindosh-urug'chilik va boshqa manfaatparastlik ko'rinishlarining oldini olish korrupsiyadan xoli, samarali mahalliy boshqaruvni ta'minlashning asosiy shartidir.

Umuman olganda, nepotizmning ikki turi mavjud: o'zaro qarindoshlik va huquqli qarindoshlik. Ularning ikkalasi ham adolatsiz bo'lsada, turli maqsadlarga xizmat qiladi va ularning ortidagi maqsadlar biroz boshqacha[28].

Darhaqiqat, o'zaro nepotizm - bu oila a'zosi moliyaviy nuqtai nazarlar, oilaviy munosabatlarni yaxshilash istagi yoki madaniy me'yorlar tufayli lavozimni qabul qilishidir.

Huquqli nepotizm - kimdir oila a'zosi kompaniyada ishlagani uchungina ma'lum bir ish yoki lavozimga ko'tarilish huquqini his qilishidir. Bu ko'pincha oilaviy korxonalarda sodir bo'ladi[29].

Tadqiqot natijalari tahlili

Bizningcha, nepotizm malakali, g'ayratli va layoqatli nomzodlarni ma'lum lavozimlarga ariza berishdan to'xtatib qo'yishi, natijada malakasiz xodimlarning ishga olinishiga olib kelishi va natijada shaxsiy manfaatlarning davlat manfaatlaridan ustun bo'lishiga yo'l qo'yib, davlat organlarining to'g'ri ishlashiga to'sqinlik qilishi mumkin.

Favoritizm - bu favoritlar mavqega va ta'sirga ega bo'lgan munosabatlar tizimi, qarindoshlik – tanish bilishchilik rishtalari bilan bog'liq bo'lgan, yaqin, umumiy, har doim ham halol bo'lmagan manfaatlarga ega bo'lgan odamlarni o'zaro qo'llab-quvvatlash va qarindosh-urug'chilik - o'z mavqeini favoritizm orqali suiiste'mol qilish; davlat xizmatchisi, siyosatchi, uning qarindoshlari bilan yaqin munosabatda bo'lgan shaxslarga homiylik qilish. Ushbu hodisalarning salbiy ta'siri nafaqat davlat boshqaruvi tuzilmalarida (masalan, qarindoshlari bo'lgan layoqatsiz xodimlar tomonidan qabul qilingan qarorlar bilan bog'liq moliyaviy xarajatlar yoki davlat xaridlari bo'yicha salbiy va maqbul bo'lmagan tanlovlar) emas, balki ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar natijasida ham yuzaga kelishi mumkin. davlat boshqaruvidan tashqari iqtisodiy ta'sir. Nepotizmning yuqori darajasi fuqarolarning jamiyat hayoti institutlariga bo'lgan ishonchini yo'q qiladi[30]. A.Chudinovning fikricha, favoritizm (lotincha "rahm-shafqat" so'zidan olingan) ijtimoiy zarar keltirishiga qaramay, nohaq va xolis homiylik ma'nosini anglatadi Favoritizm bu mas'uliyatni ado etish uchun na tegishli salohiyatga, na tajribaga ega bo'lishiga qaramay, davlat sektoridagi rahbarlik lavozimlariga favoritlarni tayinlash orqali fosh etiladi. Shunday qilib, sevimli odam ishonchli bo'lgan odamdir, shuning uchun u boshliqning martaba bo'yicha qaroriga ta'sir qiladi [31]. Brokxaus va Efronning lug'atida ham favoritizmning shunga yaqin quyidagi ta'rifi berilgan: "Davlat va ijtimoiy hayotdagi favoritizm ko'pincha favoritlarning ehtirosli homiyligi va ular uchun zarur bo'lgan qobiliyat va tajribaga ega bo'lmaganiga qaramay, yuqori lavozimlarga tayinlanish sifatida namoyon bo'ladi. Shuning uchun, sevimli odam - bu o'z boshlig'iga ishongan odam, tanlanganlik hissi tufayli martaba zinapoyasiga ko'tarilish uchun uning qarorlariga ta'sir qiladi.

Nepotizm yoki qarindosh-urug'chilik jamiyatni mustahkamlovchi, demokratik davlat asoslarini yaratuvchi adolat tamoyili bilan qo'shilmaydi. Shu ma'noda adolat fuqarolarning qonun oldida tengligi va davlat institutlari tomonidan fuqarolarga teng munosabatda bo'lishiga taalluqlidir.

Favoritizm, nepotizm va hokimiyatni suiiste'mol qilish kabi korrupsiya bilan bog'liq faoliyatlar deyarli barcha inson resurslari faoliyatiga ta'sir qilishi mumkin, xodimlarni yollash, ko'tarish, o'qitish va o'tkazish eng zaif bo'lganlar qatoriga kiradi.

Lavozimlarni sotib olish va sotish, do'stlar, qarindoshlar va partiya bo'linmalarini tayinlash va ko'tarish xavfi, ayniqsa, mansablar daromadli deb hisoblangan yoki noqonuniy boyib ketish uchun imkoniyatlar yaratgan va/yoki ishsizlik darajasi yuqori bo'lgan va davlat xizmatidagi lavozimlar olib kelishi mumkin bo'lgan hollarda yuqori bo'ladi. daromadlarning barqarorligi va bir qator boshqa imtiyozlar. Bunday vaziyatlarda yuqori ixtiyoriy vakolatlarining mavjudligi, kuchli hisobdorlik tizimlari, nazorat va muvozanat va zaif shaffoflik mexanizmlarining yo'qligi korrupsion amaliyotlarga yordam beruvchi omil bo'lib xizmat qiladi.

Favoritizmni bir kishi yoki guruh, ayniqsa, hokimiyatdagi kishi tomonidan ko'rsatilgan nohaq qo'llab-quvvatlash sifatida aniqlash mumkin. Turli ko'rinishlarda u davlat mansabdor shaxsining shaxsiy manfaatlari o'z davlat funksiyalarini bajarishda xolis bo'lish burchidan ustun bo'lgan odatiy manfaatlar to'qnashuvini ifodalaydi. Favoritizm amaliyoti o'zining turli ko'rinishlarida mansabdor shaxsning shaxsiy manfaatlari jamoat manfaatlariga soya soladigan odatiy ziddiyatli vaziyatlarni anglatadi. Bunday holatlar tengsizlikni keltirib chiqaradi va davlat xizmatlari ko'rsatishning xolisligi va sifatiga xavf tug'diradi. Ushbu xavf-xatarlarni hisobga olgan holda, Davlat fuqarolik xizmatchilari odob-axloqining namunaviy qoidalarida manfaatlar to'qnashuvi holatlarining oldini olish uchun aniq qoidalar mavjud. Birlashgan millatlar tashkilotining konvensiyasida ham qarindoshchilik korrupsiyaning bir turi hisoblanishi qayd etilgan.

Davlat xizmatchilari tomonidan o'z vazifalarini bajarish va qarorlar qabul qilishning obyektivligiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan oilaviy munosabatlarning salbiy ta'sirining oldini olish O'zbekiston qonunchiligida aks ettirilgan.

D.V.Osinsev o'z fikrini bildirib, qonunda davlat xizmatchilari - qarindoshlarining bevosita bo'ysunishi va nazorati taqiqlanishi mavjud, ammo normativ-huquqiy hujjatlarda shunchaki hisobga olinmaydigan va tavsiflanmaydigan vaziyat yoki funksional bo'ysunish holatlari ko'pligini ta'kidlagan[32]. Masalan, qarindoshlar tashkiliy jihatdan bir-biriga bo'ysunmaydigan tarkibiy tuzilma xodimlari bo'lishi mumkin. Tashkilot bo'linmalari o'ziga bo'ysunadigan barcha bo'limlar va davlat xizmatchilariga, ulardan birining boshqasiga bevosita bo'ysunishidan qat'i nazar, majburiy ko'rsatmalar berishga haqlidir.

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksida o'zaro yaqin qarindosh yoki quda-anda bo'lgan shaxslarning, basharti ulardan biri ikkinchisiga bevosita bo'ysunib yoki uning nazorati ostida xizmat qiladigan bo'lsa, bir davlat korxonasida birga xizmat qilishlari taqiqlangan. Tadqiqot ishida qayd etilganidek, manfaatlar to'qnashuvi yuzaga kelishining asoslaridan biri – bu shaxsiy manfaatdorlik hisoblanadi. Qarindoshlar o'rtasida esa manfaatlar to'qnashuvi yuzaga kelishining ehtimoli yuqori hisoblanadi. Shu jihatdan olib qaraganda, qonun chiqaruvchi mehnat faoliyatini olib borishda qarindoshlik masalasiga ham alohida e'tibor qaratgan[33].

Tashkilotdagi nepotizm masalalari maxsus xodim tomonidan nazorat qilinishi zarur. Manfaatlar to'qnashuviga yo'l qo'yadigan davlat xizmatchilariga qo'llanilgan sanksiyalar uning oqibatlariga mutanosib bo'lishi lozim. Manfaatlar to'qnashuvi holatlarini aniqlash uchun mustaqil auditorlar jalb qilinishi mumkin.

Manfaatlar to'qnashuvini tartibga solish bo'yicha Yevropa standartlari to'plamida aniq axloqiy tamoyillar tizimi, nepotizm, favoritizm, manfaatlar to'qnashuvini aniqlash, shuningdek, manfaatlar to'qnashuvini hal qilish tartibini buzganlik yoki uni yashirganlik uchun ma'muriy va jinoiy jazo choralari ishlab chiqilgan[34].

O'zbekiston Respublikasi adliya organlari va muassasalari xodimlarining odob-axloq qoidalari qabul qilingan bo'lib, mazkur hujjat Namunaviy odob-axloq qoidalari asosida ishlab chiqilgan bo'lsa-da, maxsus normalarni ham o'z ichiga olganligi, xususan, manfaatlar to'qnashuvi, nepotizm, favoritizm va boshqa ko'rinishlar, ularni oldini olish, Odob- axloq komissiyalari, ularning vazifalari ham maxsus tartibga solingan [5].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 15-oktabrdagi “Davlat fuqarolik xizmatchilari tomonidan odob-axloq qoidalariga rioya etilishini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori bilan tasdiqlangan “Davlat fuqarolik xizmatchilari odob-axloqining namunaviy qoidalarining 3-bobi xizmat faoliyatiga oid odob-axloq qoidalariga bag'ishlangan bo'lib unga ko'ra:

Rahbarlar quyidagilarga majbur:

bo'ysunuvidagi davlat xizmatchilariga professionalizm, halollik, xolislik va adolatlilikda o'rnatilgan bo'lish;

jamoada sog'lom ma'naviy muhit va ishchan kayfiyatni shakllantirish;

davlat xizmatchilarini qonunga xilof xatti-harakatlarni amalga oshirishga undamaslik hamda ulardan bunday harakatlarni bajarishni talab qilmaslik;

kadrlarni mahalliychilik, urug'-aymoqchilik, tanish-bilishchilik yoki shaxsiy sadoqat belgilari bo'yicha tanlash, tayinlash yoki tavsiya etishga yo'l qo'ymaslik;

jamoada guruhbozlik va favoritizm (ayrim xodimlarni yaqin olish va qo'llab-quvvatlash) ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik, shuningdek, xizmat vazifalarini bajarish jarayonida boshqa salbiy omillarning oldini olish;

davlat xizmatchilarining faoliyatiga baho berishda qonuniy, asosli va adolatli qarorlar qabul qilish;

davlat xizmatchilari tomonidan korrupsiya va boshqa suiiste'molchiliklar sodir etilishining oldini olish choralari ko'rish;

bo'ysunuvidagi davlat xizmatchilarini huquqiy va ijtimoiy jihatdan himoya qilish choralari ko'rish;

vakolati doirasida shartnomalar tuzish, tanlovlar o'tkazish yoki rozilik berish masalalariga xolis, adolatli va qonuniy yondashish.

Xulosalar

Mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashish tizimida amalga oshirib kelinayotgan izchil, tizimli va keng ko'lamdagi islohotlardan pirovard maqsad - bu mamlakatimiz mustahkamligi, xalqimiz farovonligi, yurtning rivoji va taraqqiyotidir. Bu uchun esa har bir davlat xizmatchilari va rahbarlar o'ziga yuklatilgan vazifani sidqidildan, halol, vatanga sadoqat va xizmat vazifasiga fidoyilik, yuklangan funksional vazifalarini to'liq bajarish, ijro intizomiga qat'iy rioya etishini talab etadi. Hokimiyat organlarini aniq tartib-taomillarni o'rnatish, tenglik va adolatlilikni kafolatlash hamda potentsial favoritizm, nepotizm yoki manfaatlar to'qnashuvini aniqlash uchun hisobot kanallarini joriy etish orqali ishga qabul qilish va lavozimga ko'tarilish jarayonlarida shaffoflikni oshirishni, nepotizmga va favoritizmga yo'l qo'ymaslik uchun jamoaviy yetakchilik strategiyasini ishlab chiqish kerak. Agar yangi xodimlarni qanday tanlash va xodimlarni lavozimga ko'tarish jarayoni hamma uchun ochiq bo'lsa, bu tashkilot ichida birdamlik va ishonchni mustahkamlash imkoniyatini oshiradi.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, nepotizm mansabdor shaxslar tomonidan odob-axloq qoidalarini buzish yoki korrupsiya bilan bog'liq ma'muriy huquqbuzarlik sifatida, yaqin qarindoshlarni tayinlash sifatida baholanishi kerak. Favoritizm va nepotizm yuqori lavozimlar uchun samarali raqobatni susaytiradi va yuqori ko'rsatkichlarga ega bo'lganlarning martaba o'sishiga to'sqinlik qiladi. Nepotizm, favoritizm yoki imtiyozli munosabatning boshqa shakllari korrupsiya bilan bog'liq huquqbuzarliklar namoyon bo'lishining aniq kafolati sifatida qaralishi mumkin bo'lmasada, ammo ular turli korrupsion harakatlarga olib keladi. Favoritizm va ayniqsa, nepotizm korrupsiyaga yordam beradi. Demak, favoritizm va nepotizm tashkiliy va iqtisodiy rivojlanishga salbiy ta'sir ko'rsatadi, degan xulosaga kelishimiz mumkin.

Nepotizm va favoritizm korrupsiyaning yashirin shakllari bo'lib, ular bevosita manfaatlar to'qnashuviga olib keladi va mansabdor shaxslar vakolatlarini amalga oshirishda korrupsiya xavfini keltirib chiqaradi. Ular davlat boshqaruvida salbiy ijtimoiy hodisa; ijtimoiy ierarxiyada o'z mavqeini oshirish; do'stlari va qarindoshlarini ishga joylashtirish; davlat hokimiyati va mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlariga rahbarlik lavozimlariga tayinlashda kompetentsiya yondashuvini yo'q qilishga olib keladi.


Umuman olganda, nepotizm va favoritizm korrupsiya nuqtai nazaridan tabiatan neytraldir, ammo ma'lum sharoitlarda manfaatlar to'qnashuvi va korrupsiyaga olib kelishi mumkin. Ushbu hodisalar do'stlik yoki qarindoshlik tufayli shaxsiy manfaatlarning asosini tashkil etadi va korrupsiya xavfi sifatida manfaatlar to'qnashuvini rag'batlantiradi. Asosiy ko'rsatkich davlat funktsiyalarini bajarishga vakolatli mansabdor shaxs tomonidan rasmiy vakolatlarni amalga oshirish orqali davlat organlari manfaatlarining mavjudligidir. Berilgan vakolatlarni amalga oshirish va mansabdor shaxsning shaxsiy manfaatlari o'rtasida qarama-qarshiliklar bo'lishi mumkin va bu qarama-qarshiliklarda favoritizm va nepotizm xavf omillari hisoblanadi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchilik bazasi davlat fuqarolik xizmatida manfaatlar to'qnashuvini tartibga solish bo'yicha yetarli darajada emasligini inobatga olgan holda, "Manfaatlar to'qnashuvining oldini olish to'g'risida" Qonunni qabul qilish zarurdir.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Axrarov B.D., Boshqaruv tartibiga qarshi mansabdorlik jinoyatlari uchun javobgarlik muammolari. [Problems of responsibility for official crimes against management procedure] yu.f.d. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – T.: TDYU, 2008.
2. Ismailov B.I., Xo'jayev M., O'zbekiston Respublikasida maishiy korrupsiyani bartaraf etish bo'yicha chora tadbirlarni takomillashtirishning amaliy jihatlari. [Practical aspects of improving measures to eliminate domestic corruption in the Republic of Uzbekistan] – T.: Yurist axborotnomasi 5-son, 1-jild, 2020.

3. Said-Gaziyeva N.Sh., O'zbekistonda davlat xizmatini isloh qilishning nazariy va amaliy muammolari.[Theoretical and practical problems of civil service reform in Uzbekistan] yu.f.d. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – T.: TDYU, 2010.
4. Xojiyev E.T., Ismailova G.S., Raximova M.A., Davlat xizmati: [State service] o'quv qo'llanma. – Toshkent: Baktria press, 2015
5. Maxmudov F.B., Davlat fuqarolik xizmatida manfaatlar to'qnashuvini oldini olishning tashkiliy-huquqiy mexanizmlari. [Organizational and legal mechanisms for preventing conflicts of interest in the state civil service]Yuridik fanlari bo'yicha falcafa doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – T.: TDYU, 2021.
6. Abramo, G., D'Angelo, C. A., & Rosati, F. (2014). Relatives in the same university faculty: nepotism or merit? *Scientometrics*, 101, 737–749. <https://doi.org/10.1007/s11192-014-1273-z>
7. Padgett, M. Y. & Morris, K. A. (2005). Keeping it “All in the family”: Does nepotism in the hiring process really benefit the beneficiary? *Journal of Leadership & Organizational Studies*, 11(2), 34–45. DOI: 10.1177/107179190501100205.
8. Safina, D. M. (2013). The influence of favoritism and nepotism on organizational and economic development. *Discussion*, 10, 89 – 94 (in Russian).
9. Siegert, A. (2008). Transmigration of High-qualified Personnel – Challenge for Staff Management. *Forsyth*, 4(8), 10–21.
10. Kerse G. & Babadağ, M. (2018). I'm Out If Nepotism is in: The Relationship Between Nepotism, Job Standardization and Turnover Intention. *Ege Academic Review*, 18 (4), 631–644, DOI: 10.21121/eab.2018442992.
11. Zaykov, D. E. (2017). The specifics of the legal regulation of countering nepotism in labor relations. *Journal of the Higher School of Economics: Series “Law”*, 2, 102–115
12. Matsiievskiy Yu. V. (2010). Looking to the Future: scenarios for involving defective democracy in Ukraine. *Scientific works of Petro Mohyla Black Sea National University. Series: Political science. VoL. 149, Issue 137*, 14–20.
13. Komliev, N. G. (2000). *Dictionary of Foreign Words*. Moscow: EXMO-Press. 1168 p.
14. Kopystyra, A. M. (2013). Typology of corruption in Ukraine. *Innovative Economy*, 8, 43–46 (in Ukrainian).
15. Kreimer, D., Nurik, R. & Sushko, O. (2012). Alarm signal – Round 2: Protecting Democracy in Ukraine. An addendum to the Freedom House Report (July, 2012). Kyiv: Freedom House. 20 p. (in Ukrainian).
16. <https://anticorruption.uz/uzc/item/what-is-corruption>;
17. <https://proacademy.uz/uz-lat/faq?category=247>;
18. Bezrukova I. V.Osnovniye vidi sovremennoy korrupsii — Nauka XXI. [Bezrukova I. V. The main types of modern corruption – Science XXI];
19. Carlo Petrini, Luciana Riva, Conflicts of Interest Result from Relationships // *Journal of Bioethical Inquiry Pty Ltd*. 2021. <https://doi.org/10.1007/s11673-020-10081-0> 2020 #;
20. Zufarov R.A., Axrarov B.J., Mirzayev U.M. Korrupsiya. Qonun. Javobgarlik. Monografiya [Corruption. Law. Accountability. Monograph]// Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Rustambayev M.X. – T.: TDYUI nashriyoti, 2011. – B. 27;
21. Konflikt interesov na gosudarstvennoy I munitsipalnoy slujbe, v deyatelnosti organizatsiy: prichini, predotvrasheniye, uregulirovaniye: nauchno-prakticheskoye posobiye [Conflict of interest in state and municipal service, and organization's activities: reason, predotvrasheniye, uregulirovaniye: nauchno-prakticheskoye posobiye]/ T.S. Glazirin, T.L. Kozlov, N.M. Kolosova [i dr.] M.: Institut zakonodatelstva i sravnitel'nogo pravovedeniya pri Pravitelstve Rossiyskoy Federatsii: INFRA-M, 2016. S. 15;
22. Muaath S., Nepotism and Corruption: A Descriptive and Analytical Study in the Reality of Kuwaiti Society. *Corruption - New Insights Journal* DOI: 10.5772/intechopen.106976;
23. Davlat mansabdor shaxslarining xalqaro xulq-atvor kodeksi. [International Code of Conduct of State Officials] www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/int_code_of_conduct.shtml;

24. Pershin M. V. Obshaya psixologiya / pod red. A. V. Petrovskogo. M., 1970. S. 101; Rubinshteyn S. L. Osnovi obshey psixologii. [Basis of obshey psychology] M., 1946. S. 630;
25. Glezerman, G.Ye. Interes kak sotsiologicheskaya kategoriya // Voprosi filosofii [Interest as a sociological category // Questions of Philosophy]– 1966. – № 10. – S. 15-26;
26. https://uza.uz/uz/posts/surxondaryoda-sobiq-tuman-hokimiga-nisbatan-zhinoyat-ishi-qozgatildi_421498;
27. B.Ismoilov, Ta'sirchan jamoatchilik nazorati korrupsiyaga qarshi kurashishda qay darajada muhim. [How important is effective public oversight in the fight against corruption] <http://uza.uz/posts/211396>;
28. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/17/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-agentligi-faoliyati-hisoboti>;
29. Alimov G'.A. Yuridik shaxslarning korrupsion huquqbuzarliklar uchun javobgarligini tartibga soluvchi xalqaro standartlar tizimi//monografiya.-[System of international standards regulating liability of legal entities for corruption offenses//monograph]T.:YUMOM,2019;
30. J.Itrich-Drabarek, Uwarunkowania, standardy i kierunki zmian służby cywilnej w Polsce na tle europejskim, Varsovie 2010// http://encyklopediaap.uw.edu.pl/index.php/Faworytyzm,_nepotyzm_i_kumoterstwo/fr;
31. Chudinov, A., (2003). Dictionary of foreign words incorporated into the Russian language. Retrieved from <http://encdic.com/fwords/Favoritizm-37868.htm>;
32. Osinsev D.V. O dalneyshix merax po predotvrasheniyu konflikta interesov v sisteme gosudarstvennoy slujbi [On further measures to prevent conflicts of interest in the public service system] //Rossiyskiy yuridicheskiy jurnal. –2011.№4.S.23-27;
33. Murodullayev, Dostonjon. “Znachenije mejdunarodno-pravovix standartov v oblasti oxrani truda:.[Significance of international legal standards in labor protection] “Review of law sciences”, Special issue. (2020): pp 82-87;
34. G.Murodullayeva. Manfaatlari to'qnashuvini hal etishda xorij amaliyoti. [Foreign practice in resolving conflicts of interest] “Huquq va burch”. [“Right and duty”] Number 5, 2022. pp 41-43.



Муслимов Икром Тухтамуратович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: Ikramjon.muslimov@mail.ru

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

For citation: Muslimov Ikram Tukhtamuratovich. THE CONCEPT AND SIGNS OF MITIGATING CIRCUMSTANCES. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тадқиқ этишнинг мантикийлик, тизимлилик, мантикий-юридик, қиёсий-ҳуқуқий методларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, биринчи навбатда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчаси ҳақида баён қилинган. жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва уларнинг ўзаро муносабат, шунингдек, у тўғрисидаги олимларнинг илмий қарашлари, тадқиқотлари, улар ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида атрафлича баён қилинган. Шу билан бирга, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар турлари билан қиёсий таҳлил қилиниб, улардаги муаммоли жиҳатлар аниқланди ва кетма-кет тавсифлаб берилди. Шунингдек, мамлакатимизда ҳам суд томонидан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш жиноят қонунчилигининг мажбурий талаби ҳисобланади. Ўз навбатида, ЖКнинг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг очик рўйхати (9 та ҳолат) ҳамда жазо тайинлашда уларни ҳисобга олиш бўйича муайян талаб ва шартлар белгиланган. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят-ҳуқуқий институтлар орасида, шу жумладан, муайян қилмиш учун адолатли жазо тайинлаш ва шахснинг аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этса-да, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида “жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар” тушунчасига таъриф берилмаганлиги ва у билан боғлиқ муаммолар кетма-кет тавсифлаб берилган. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи доктринаси ва унда мавжуд илмий тадқиқотлар таҳлил этилиб, бу борада асосли назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят, жазо, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, имтиёзли белгилар сифатида амал қиладиган ҳолатлар.

Муслимов Икром Тухтамуратович,
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета,
E-mail: Ikramjon.muslimov@mail.ru

ПОНЯТИЕ И ПРИЗНАКИ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ, СМЯГЧАЮЩИХ НАКАЗАНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье широко используются логический, систематический, логико-правовой, сравнительно-правовой методы исследования. В частности, впервые было описано понятие смягчающих обстоятельств. Подробно описываются смягчающие обстоятельства и их взаимодействие, а также научные взгляды и исследования ученых по этому поводу, сходства и различия между ними. При этом был проведен сравнительный анализ с видами смягчающих обстоятельств, выявлены и последовательно описаны их проблемные стороны. Также в нашей стране характер преступления и степень общественной опасности, причина преступления, характер и размер вреда, личность виновного, смягчающие и отягчающие наказание обстоятельства являются обязательными требованиями уголовного право. С другой стороны, в статье 55 УК определен открытый перечень смягчающих обстоятельств (9 случаев) и конкретные требования и условия их учета при назначении наказания. Хотя среди уголовно-правовых институтов важное значение имеют смягчающие обстоятельства, в том числе при назначении справедливого наказания за конкретное деяние и улучшении положения лица, понятие «смягчающие обстоятельства» в уголовном законодательстве нашей страны не определено и проблемы, связанные с это описано в серии. При этом были проанализированы учение об уголовном праве и существующие научные исследования, а также выработаны обоснованные теоретические предложения и рекомендации по этому поводу.

Ключевые слова: преступление, наказание, обстоятельства, смягчающие наказание, обстоятельства, отягчающие наказание, случаи, которые действуют как привилегированные признаки.

Muslimov Ikram Tukhtamuratovich,
Independent Researcher
of Tashkent State University of Law,
E-mail: Ikramjon.muslimov@mail.ru

THE CONCEPT AND SIGNS OF MITIGATING CIRCUMSTANCES

ANNOTATION

The article widely used logical, systematic, logical-legal, comparative-legal research methods. In particular, the concept of extenuating circumstances was first described. Extenuating circumstances and their interaction are described in detail, as well as scientific views and research of scientists on this matter, similarities and differences between them. At the same time, a comparative analysis was carried out with the types of mitigating circumstances, their problematic aspects were identified and consistently described. Also in our country, the nature of the crime and the degree of public danger, the cause of the crime, the nature and extent of the harm, the identity of the perpetrator, mitigating and aggravating circumstances are mandatory requirements of criminal law. On the other hand, Article 55 of the Criminal Code defines an open list of mitigating circumstances (9 cases) and specific requirements and conditions for their consideration when sentencing. Although mitigating circumstances are important among criminal law institutions, including when imposing a fair punishment for a specific act and improving the situation of a person, the concept of "mitigating circumstances" in the criminal legislation of our country is not defined and the problems associated with it are described in the series. The doctrine of criminal law and existing scientific research were also analyzed, and well-founded theoretical proposals and recommendations on this matter were developed.

Keywords: crime, punishment, circumstances mitigating punishment, circumstances aggravating punishment, cases that act as privileged signs.

Дунё миқёсида замонавий юриспруденцияда жиноятчиликка қарши курашда самарали механизм ва тизимларни жорий этиш ҳар доим долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Биргина статистикага эътибор қаратсак, Халқаро қамокхона тадқиқотлари маркази томонидан таҳлил қилинган маълумотларга кўра, ҳозирда барча давлатларнинг жазони ижро этиш муассасаларида 11 млнга яқин [1] маҳкумлар сақланмоқда. Умумий жиноятчиликдаги кўрсаткичлар эса, бундан ҳам юқори статистикага эга бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Ўз навбатида, ҳар бир жиноят ва ҳар бир шахс бўйича суд ҳукм чиқаришда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Умумий таҳлил натижаларига кўра, судда кўриб чиқиладиган жиноят ишларининг ярмидан кўпроғида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлади.

Шу сабабли, жаҳонда барча давлатлар жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ муносабатларни муфассал тартибга солишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Аргентина, Белгия, Болгария, Венгрия, Германия, Грузия, Ҳиндистон, Канада, Кения, Хитой, Македония, Нигерия, Нидерландия, Полша, Корея Республикаси, АҚШ, Тунис, Франция ва Япония қонунчилигида [2] жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг аниқ рўйхати мавжуд бўлмаса-да, суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши керак бўлган умумий шартлар (ёши, мотивлари ва мақсадлари, айбдорнинг кейинги хатти-ҳаракати ва бошқалар), бунинг натижасида судья ички ишонч асосида қарор қабул қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, МДХ давлатлари, Австрия, Албания, Жазоир, Андorra, Боливия, Бразилия, Венесуела, Ветнам, Гватемала, Гондурас, Греция, Ироқ, Исландия, Испания, Италия, Колумбия, Куба, Лаос, Латвия, Литва, Мўғулистон, Норвегия, Панама, Португалия, Руминия, Салвадор, Сомали, Уругвай, Филиппин, Финляндия, Чехия, Швеция, Швейцария, Эквадор, Эстонияда [3] жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг очик рўйхати келтирилган ҳамда рўйхатда қайд этилгандан ташқари бошқа ҳолатларни ҳам жазони енгиллаштирувчи сифатида топиш мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирга, кўплаб хорижий давлатларда жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш чегаралари ва тартиб-таомиллари ҳам аниқ тартибга солинган.

Мамлакатимизда ҳам суд томонидан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш жиноят қонунчилигининг мажбурий талаби ҳисобланади. Ўз навбатида, ЖКнинг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг очик рўйхати (9 та ҳолат) ҳамда жазо тайинлашда уларни ҳисобга олиш бўйича муайян талаб ва шартлар белгиланган.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят-ҳуқуқий институтлар орасида, шу жумладан, муайян қилмиш учун адолатли жазо тайинлаш ва шахснинг аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этса-да, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида “жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар” тушунчасига таъриф берилмаган.

Авваламбор шуни қайд этиб ўтиш лозимки, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳолатларнинг бир тури, яъни жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий мажбуриятларни ёки содир этилган жиноят оқибатларини юмшатадиган ҳолатлар ҳисобланади [4, Б. 17]. Умуман олганда шуни қайд этиш мумкинки, жиноят ҳуқуқида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноий жавобгарлик ва жазони дифференциация қилиш ва индивидуаллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади, аксарият ҳолатларда эса, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлиши мумкин.

ЖКда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бир қаторда одилона жазо тайинлаш учун замин яратади. Айни шу сабабли, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар муайян жиноят ишини юритишда исбот қилиш предметиға киради. Жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фoш

қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни суд жазо тури ва чорасини танлашда ўз-ўзидан ҳисобга олмайди. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар суд тергови жараёнида аниқланиши ва фақат жиноят процесси иштирокчилари томонидан тақдим этилган барча далиллар текширилгандан кейин, жамулжам ҳолда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилиши лозим. Шу сабабли, ҳатто жиноят иши бўйича ЖКнинг 55-моддасида мустаҳкамланган рўйхат мазмуни билан мос келадиган у ёки бу жазони енгиллаштирувчи ҳолат мавжуд бўлган ҳолда ҳам, суд, унинг ҳаққонийлигини ҳолисона текширмасдан ва ўз қарорини ҳукмда асосламасдан, мазкур ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этилишини дарҳол белгилай олмайди. Агар суд у ёки бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиш мумкин эмас, деган тўхтамга келган бўлса, буни ҳукмда мотивларни кўрсатган ҳолда асослаши лозим. Масалан, айбдорнинг қарамоғида ёш боласи борлиги, агар маҳкум унга нисбатан оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса ёки ўз боласига нисбатан жиноят содир этган бўлса, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Аксарият олимлар, жумладан, Э.Х.Норбўтаев томонидан ижтимоий хавфлилик даражаси бир-бирига яқин бўлган жиноятлар учун бир хил жазонинг қонунда белгиланиши жазонинг адолатлилигини таъминлайди, буни амалга ошириш учун жиноят қонунидаги нисбий муайян санкцияларни имкон даражасида камайтириш, мутлоқ санкцияларни эса кўпайтириш, шунингдек, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлардан воз кечиш [5, Б. 45-50] тақлиф этилган. Биз ушу фикрга қўшилмаймиз. Чунки, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноят ҳуқуқида ҳам, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, шу жумладан, маъмурий ҳуқуқда ҳам бир-бирини мувозанатга солувчи воситалар ҳисобланади. Уларни бир вақтнинг ўзида ҳисобга олиш судга жиноий жавобгарликни ва жазони индивидуаллаштиришни лозим даражада амалга ошириш имконини беради. Индивидуаллаштириш шуни англатадики, давлат мажбурлов чораларини муайян бир ҳолатда судланувчининг шахсини ҳисобга олинган ҳолда ва у томонидан содир этилган қилмишнинг хусусиятига баҳо бериб қўлланилади [6, Б. 21].

Юридик энциклопедияга кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деганда, содир этилган жиноят ёки айбдор шахсни тавсифловчи ҳолатлар ва жиҳатларни эътиборга олган ҳолда шундай ҳолатлар бўлмагандагина нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш имкониятини берувчи ҳолатлар тушунилади [7, Б. 161]. Ушбу таърифдан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчаси мазмунини тушуниб олиш қийин. Яъни, ушбу таърифдан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят ёки айбдор шахсни тавсифлаши ҳамда енгилроқ жазо тайинлаш имкониятини беришини тушуниш мумкин.

Э.А.Тожиевнинг қайд этишича, енгиллаштирувчи ҳолатлар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, жиноят содир этиш вақтида ва жиноят содир этилганидан кейинги айбдорнинг ҳулқини тавсифловчи, унинг шахсини ва содир этган қилмишини ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи ёхуд содир этган жиноятига инсонпарварлик принципи нуктаи назардан ёндашишга асос бўладиган ЖК Махсус қисми санкцияси доирасида жазо тайинлаш ёки қонунда кўрсатилганидан ҳам камроқ жазо тайинлаш ёхуд жазодан озод қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳисобланади [8, Б. 23]. Ушбу муаллиф таърифида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар кенг талқин қилинган бўли, бунда шахсни ва қилмишни тавсифловчи ҳолатларга эътибор қаратилган. Аммо таърифда қайд этилган айбдорнинг ҳулқини тавсифловчи ҳолатлар айбдор шахсни тавсифловчи ҳолатлар билан қамраб олинади, яъни ушбу масаласини таърифда алоҳида қайд этиш зарурати мавжуд эмас. Ўз навбатида, берилган ушбу таърифда енгиллаштирувчи ҳолатлар ЖК Махсус қисми санкцияси доирасида жазо тайинлаш, қонунда кўрсатилганидан ҳам камроқ жазо тайинлаш, жазодан озод қилиш учун асос бўлиши белгиланган. М.Назаровнинг қарашлари ҳам ушбу фикрни қўлайди, уннин қайд этишича, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар айбдор шахсининг ҳолати ва ишнинг бошқа муҳим жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, суд

томонидан жазо тури ва чорасини аниқлашда инобатга олинади [9, Б. 123]. Бошқа олимлар томонидан ушбу масалада яқдиллик мавжуд эмас. Яъни, бу борада М.Усмоналиев, П.Бакунов ва М.Ҳ.Рустабаевнинг фикрича [10, Б. 344-345], энгиллаштирувчи ҳолатлар фақатгина жазони энгиллаштирувчи ҳолат бўлиб қолмай, жавобгарликдан ҳам озод қилиши, энгилроқ жазо тайинлаш учун ҳам асос бўлиши мумкин.

Я.Ю.Васильева фикрига кўра, жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар моҳияти шу билан белгиланадики, улар жазо миқдорига бевосита таъсир кўрсатади. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар иккиёклама аҳамият касб этади: 1) агар улар жиноят таркибига тааллуқли бўлмаса ва уни квалификация қилишга таъсир кўрсатмаса, жазо тайинлашда ҳисобга олинади; 2) жиноят таркибининг асосий, имтиёзли белгилари ҳисобланади, шу сабабли айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда ҳисобга олинади, лекин жазо тайинлашда инобатга олинishi мумкин эмас [11, Б. 93].

Л.Л.Кругликов қайд этиб ўтганидек, жавобгарликка таъсир кўрсатадиган ҳолатларнинг аксарияти жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки улар бошқача хусусиятларга эга, жиноят ҳуқуқида бошқа функцияни бажаради [12, Б. 38]. Бунда, энг аввало, жавобгарликка таъсир кўрсатадиган, ЖК Махсус қисми нормаларида белгиланган жиноят таркиби белгилари сифатида киритилган ҳолатлар назарда тутилади. Ўз навбатида, уларнинг ҳам икки тури фарқланади: 1) асосий таркиб белгилари бўлган ҳолатлар; 2) имтиёзли белгилар сифатида амал қиладиган ҳолатлар. Бунда имтиёзли белгилар сифатида амал қиладиган ҳолатлар жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш функциясини бажаришини эътироф этиш мумкин.

Юридик адабиётларда илгари сурилган нуқтаи назарга кўра, жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят таркибининг ўзига ёки унинг айрим элементларига тааллуқли бўлиши мумкин [13]. Умуман олганда, агар ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида жиноятнинг асосий таркиби баён этилган бўлса, шунингдек бу жазони энгиллаштирувчи белгиларга эга таркиб бўлса, шундай бўлиши мумкин [14, Б. 9]. Масалан, бундай вазиятга одам ўлдириш учун жиноий жавобгарликни дифференциация қилишда дуч келиш мумкин (ЖКнинг 97-102-моддалари).

Бизнинг назаримизда, мазкур тушунчанинг кенг маъносида жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига жазони камайтириш томонга ўзгартирадиган ва унга тузатиш киритадиган барча ҳолатларни киритиш мумкин.

Аммо ЖК 55-моддасининг учинчи қисмидан жиноят таркиби белгилари жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар бўлиши мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Ушбу нормада куйидаги қоида мустаҳкамланган: “энгиллаштирувчи ҳолат ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди”.

Жиноят таркиби белгилари сифатида жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг асосий хусусиятлари куйидагилардир: 1) улар имтиёзли жиноят таркибларининг белгилари сифатида амал қилади; 2) улар жиноий жавобгарликни индивидуаллаштириш, хусусан, ЖК Махсус қисми нормасининг санкциясида санаб чиқилган жазо турларидан энгилроғини қўллаш ёки уларнинг унча катта бўлмаган муддатларини ёки кичикроқ ҳажмларини белгилаш йўли билан жазони юмшатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий адабиётларда у ёки бу ҳолатларни имтиёзли жиноят таркиблари қаторига киритиш мезонлари сифатида куйидагилар фарқланади: 1) уларнинг қилмиш ёки айбдор шахси (ёки уларнинг иккаласи) билан боғлиқлиги; 2) қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига жиддий (муҳим) таъсир кўрсатиши; 3) улар кенг тарқалганлиги ва айни вақтда типик эмаслиги (ушбу ҳолатлар “аксарият жиноятлар учун норма бўлиши мумкин эмас, чунки бу ҳолда улар жиноят таркибларининг белгилари сифатида тартибга солиниши лозим”; 4) ушбу ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланиши мумкинлиги [15, Б. 91-101].

Жиноят таркиблари белгилари сифатида тартибга солинган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар мазмунига кўра қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини анча пасайтиради, формал-юридик жиҳатдан эса жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий адабиётларда, бир томондан, қилмишнинг квалификациясига, бошқа томондан эса жазо тайинлашга таъсир кўрсатадиган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзаро нисбати ҳамда уларни қонун йўли билан тартибга солиш усуллари муаммоси узоқ йиллардан бери қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келади. Ҳозирги муаллифларнинг аксарияти асосли равишда квалификация қилувчи ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ҳуқуқий мазмуни бир хил эмаслигини кўрсатадилар, қонун чиқарувчининг нуқтаи назарини уларни дифференциация қилиш қисмида қўллаб-қувватлайдилар. Аммо бошқача нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, Т.Ю.Орешкина, В.С.Минская, И.М.Гальперин жиноят ҳуқуқида ушбу ҳолатлар гуруҳларининг фарқлигини нотўғри деб ҳисоблайдилар [16, Б. 5-7]. Бизнингча, мазкур хулосага қўшилиш қийин. Биз юқорида кўрсатилган ҳолатларни ягона ҳуқуқий тартибга бирлаштириш ҳақидаги таклифга ҳам қўшила олмаймиз. Бунинг заруратини Т.А.Костарева унификация қилувчи ҳолатларга ягона ҳуқуқий тус бериш лозимлигида кўради. Квалификация қилувчи ёки жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар иккиёқлама хусусиятга эга бўлгани туфайли, квалификация қилувчи ҳолатлар ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг муайян қисми қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиддий ўзгарганини акс эттиради [17, Б. 110-113]. Квалификация қилувчи ва жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ягона ҳуқуқий мазмунга эга эканлигидан келиб чиқиб, муаллиф уларни ЖК Умумий қисмининг нормаларида унификация қилишни таклиф қилади. Шу билан бир вақтда, Т.А.Костарева кўриб чиқилаётган ҳолатлар гуруҳларини тўлиқ унификация қилиш мумкин эмаслигини тан олишга ҳам мажбур бўлади. Умуман олганда, жазони индивидуаллаштириш жараёнини тўлиқ формаллаштириш мумкин эмас, қонунда кўриб чиқилаётган ҳолатларнинг тўлиқ рўйхатини ва уларнинг жаъзога таъсири даражасини ҳам назарда тутишнинг кераги йўқ [18, Б. 113], деб таъкидлайди.

Айбдорнинг жиноятдан кейинги ҳулқ-атвори унинг шахсига баҳо бериш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ўз айбига чин дилдан пушаймон бўлганликнинг бир қанча шакллари жазо тайинлашда асосли равишда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва ҳатто жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари сифатида қаралади [19].

Юридик адабиётларда асосий эътибор жазо тайинлаш умумий асослари таркибига кирадиган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга қаратилади. Айнан улар жиноят ҳуқуқида жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар орасида марказий ўринни эгаллайди.

ЖКда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жазо тайинлашга татбиқан тартибга солинган. Аммо мантиқан олиб қараганда, бундай ҳолатлар суд томонидан тайинланган жазони ижро этиш (ўташ) жараёнида ҳам юзага келиши мумкин.

Гарчи қонун чиқарувчи бундай ҳолларда мазкур ҳолатларни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида белгиламаган бўлса-да, улар амалда айнан жазони ижро этиш (ўташ) жараёнида уни юмшатиш вазифасини бажаради [20, Б. 32-47]. Қонун чиқарувчи жазони ижро этиш вақтида уни юмшатиш асоси сифатида маҳкум ижобий ҳулқ-атворининг муайян шакллари ёки қамоқ ёки интизомий ҳарбий қисмда сақлаш тарзидаги жазони ўтаётган ҳарбий хизмати жазони ижро этишга тўсқинлик қиладиган касалликка йўлиққанини назарда тутади.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги, бошқа шартлар билан бир қаторда, жиноятнинг тоифасини ўзгартириш учун асос бўлиши мумкин. Аммо статистик маълумотлар таҳлили судлар томонидан жиноятнинг тоифасини ўзгартириш ҳоллари бармоқ билан санарли эканлигини кўрсатади. Бизнинг назаримизда, бунинг сабаби жиноятнинг тоифасини ўзгартиришни қўллаш аниқ мезонлари мавжуд эмаслигида бўлса керак. Шу туфайли ҳам судлар мазкур нормани қўллашда хатога йўл қўядилар.

Жиноят ҳуқуқида кенг маънода жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деганда жиноятга ва (ёки) айбдорнинг шахсига тегишли бўлган, жиноят содир этган шахсга юклатиладиган жиноят-ҳуқуқий мажбуриятларни сезиларли даражада пасайтирадиган, жиноий жавобгарлик доирасини торайтирадиган ёки ундан озод қиладиган, жазо тайинлашда ҳам, уни ижро этишда

ҳам жазони юмшатиш томонга индивидуаллаштириш ёки уни ўташдан озод қилиш учун имконият яратадиган ҳолатлар тушунилади.

ЖК 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати келтирилган бўлиб, у тўла-тўқис хусусиятга эга эмас. Бу жазо тайинлашда суд ЖКда мустаҳкамланган рўйхатга киритилмаган ҳолатларни ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиши мумкинлигини англатади. Шу сабабли, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мазкур рўйхати кенг талқин қилиниши лозим.

Баъзан ЖК 55-моддасида мустаҳкамланган рўйхатда кўрсатилган у ёки бу ҳолат ЖК Махсус қисми моддасининг диспозициясида жиноят (асосий ёки имтиёзли) таркибининг белгиларидан бири сифатида ўз аксини топади. Бундай вазиятларда, тегишли ҳолат суд томонидан жиноятни квалификация қилишда ҳисобга олингани туфайли, у ўз-ўзича айтилиши шу жиноят учун жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қўшимча равишда ҳисобга олинishi мумкин эмас. Масалан, жабрланувчининг қонунга ҳилоф ҳуқуқ-атвори қучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган қилмишлар бўйича жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган.

Л.А.Долиненко фикрига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар жазо тайинлашга ҳеч шубҳасиз ва муайян даражада таъсир кўрсатади. Мазкур хусусиятни қонунда назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга ҳам, қонунда назарда тутилмаган, лекин тергов-суд амалиётида ҳисобга олинадиган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга ҳам татбиқ этиш мумкин [21, Б. 10].

Л.Л.Кругликов фикрига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар икки муқаррар белги билан тавсифланади: биринчи – жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноий қилмишларнинг аксариятига хос эмас; иккинчи – жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жазо тайинлашга сезиларли даражада таъсир кўрсатади [22, Б. 84]. Муаллиф яна шуни қайд этиб ўтадики, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноий хатти-ҳаракатларнинг аксариятига хос эмаслиги улар жазога сезиларли даражада таъсир кўрсатиши билан биргаликда суд ишнинг муайян ҳолатини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши учун етарли бўлган жиҳатлар минимал тўпламини ҳосил қилади, зеро, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати очиқ хусусиятга эга [23, Б. 58-61]. Шундай қилиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тегишли рўйхатини шакллантиришда жиноий қилмишларнинг криминологик тавсифига эга бўлиш, одатда муайян турдаги жиноятларга хос бўлган ҳолатлар доираси, масалан, жиноят биринчи марта, яқка шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан, вояга етмаган шахс ёки балоғат ёшига етган шахс томонидан содир этилаётгани ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш зарур. Тажовузлар одатда яқка шахс, биринчи марта жиноятга қўл урган шахс, балоғат ёшидан ўтган шахс томонидан содир этилиши аниқлангач, қарама-қарши мазмундаги ҳолатларни жазони енгиллаштириш ёки оғирлаштириш вазифаларини бажаришга қодир бўлган ҳолатлар деб ҳисоблаш лозим [24, Б. 58, 60, 192]. Айтилиши ҳақида фақат жазога жиддий таъсир кўрсатиш белгисига эга бўлган ҳолатларгина жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин. Мазкур белги фақат содир этилган жиноятнинг ва (ёки) айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий пасайтирадиган ҳолатларга хос.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг қонунда мустаҳкамланган рўйхатига фақат оригинал ҳолатлар, яъни ундан ўрин олган бирон-бир ҳосила ҳолатларга ёки уларнинг тур хилларига ҳавола этмасдан киритилиши лозим. Бундан ташқари, жиноят қонунда тегишли ўрин эгаллашга даъвогар бўлган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг барчаси аниқланган белгилар тўпламига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда айтилиши бир ҳолат икки ёқлама ҳисобга олинадиган (аввал умумий тушунчанинг қисмида сифатида, сўнг эса умумий тушунчанинг ўзи сифатида) суд амалиёти яратилади. Пировард натижада бундай вазият одиллик принципининг бузилишига ва бунинг оқибати ўлароқ, қилмишга мутаносиб бўлмаган жазо тайинланишига олиб келган бўлур эди.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларни таърифлаш имконини беради.

1) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деганда, жиноят қонунидаги очиқ рўйхатдан назарда тутилган ёки суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиладиган, жиноятнинг ва (ёки) уни содир этишда айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтирадиган, Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормалари доирасида ёки унинг минимал чегарасидан ташқарига чиқиб жазо тайинлаш ва индивидуаллаштириш асосий мезонларини тўлдирадиган ҳолатлар тушунилиши лозим;


2) жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жиноят-ҳуқуқий норма санкцияси доирасида жазо тайинлашда ҳисобга олинади;
- жазо тайинлаш махсус қоидаларини шакллантиришда инobatга олинади;
- шартли ҳукм қилишни қўллашда суд томонидан ҳисобга олинади;
- бошқа ҳолатлар билан бир қаторда ЖКга мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади;
- бошқа омиллар билан бир қаторда ЖКга мувофиқ жиноят тоифасини ўзгартириш учун асос ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Highest to Lowest – Prison Population Total. // www.prisonstudies.org/highest-to-lowest/prison-population-total?field_region_taxonomy_tid=All
2. Обстоятельства, смягчающие уголовное наказание. // www.ru.wikipedia.org (Circumstances mitigating criminal punishment. // www.ru.wikipedia.org)
3. Обстоятельства, смягчающие уголовное наказание. // www.ru.wikipedia.org (Circumstances mitigating criminal punishment. // www.ru.wikipedia.org)
4. Мингалимова М.Ф. Назначение наказания с учетом смягчающих обстоятельств. Дисс... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 2019. – С. 17. (Mingalimova M.F. Sentencing based on mitigating circumstances. Diss... on sois. uch. step. cand. legal Sciences. - M., 2019. - S. 17.)
5. Норбўтаев Э.Х. Уголовный закон и его эффиктовность. – Ташкент: Мехнат, 1991. – С. 45-50. (Norbutaev E.Kh. Criminal law and its effectiveness. - Tashkent: Mekhnat, 1991. - S. 45-50.)
6. Суюнова Д.Ж. Жиноий жазоларни тайинлаш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Нур Полиграф, 2008. – Б. 21. (Suyunova D.J. Problems of imposing criminal penalties. Study guide. - Tashkent: Nur Poligraf, 2008. - P. 21.)
7. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 161. (Legal encyclopedia of Uzbekistan. Responsible editor: N. Toychiev. - Tashkent: Adolat, 2011. - B. 161.)
8. Тожиев Э.А. Понятие и уголовно-правовые значение обстоятельств, смягчающих наказание. – Нукус: Билим, 2000. – С. 23. (Tozhiev E.A. The concept and criminal law meaning of circumstances mitigating punishment. - Nukus: Bilim, 2000. - P. 23.)
9. Назаров М.А. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. 123 (Nazarov M.A. Appointment of punishment in the criminal law of the Republic of Uzbekistan. 123)
10. Усмоналиев М., Бакунов П. Жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 18.; Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Илм зиё, 2005. – Б. 344-345. (Usmonaliev M., Bakunov P. Consideration of mitigating circumstances in sentencing. - Tashkent: Adolat, 2007. - P. 18.; Rustamboev M.H. Criminal law. General part. - Tashkent: Ilm zia, 2005. - P. 344-345.)
11. Васильева Я.Ю. Практика и некоторые проблемы назначения наказания в России. – Иркутск, 2016. – С. 93. (Vasilyeva Ya.Yu. Practice and some problems of sentencing in Russia. - Irkutsk, 2016. - P. 93.)

12. Кругликов Л.Л. Смягчающие и отягчающие ответственность обстоятельства в уголовном праве. – Воронеж, 1985. – С. 38. (Kruglikov L.L. Mitigating and aggravating circumstances in criminal law. - Voronezh, 1985. - P. 38.)
13. Мясников О.А. Смягчающие и отягчающие обстоятельства в теории, законодательстве и судебной практике. – М., 2002. (Myasnikov O.A. Mitigating and aggravating circumstances in theory, legislation and judicial practice. - M., 2002.)
14. Гаскин С.С. Отягчающие обстоятельства и их значение для индивидуализации уголовной ответственности и наказания: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1981. – С. 9. (Gaskin S.S. Aggravating circumstances and their significance for the individualization of criminal liability and punishment: author. dis. ... cand. legal Sciences. - M., 1981. - P. 9.)
15. Костарева Т.А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве. – Ярославль, 1993. – С. 91-101. (Kostareva T.A. Qualifying circumstances in criminal law. - Yaroslavl, 1993. - P. 91-101.)
16. Гальперин И.М., Минская В.С., Орешкина Т.Ю. Уголовная ответственность за кражу личного имущества с проникновением в жилище. – М., 1986. С. 5-7. (Galperin I.M., Minskaya V.S., Oreshkina T.Yu. Criminal liability for theft of personal property with penetration into the home. - M., 1986. – P. 5-7.)
17. Костарева Т.А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве. – Ярославль, 1993. – С. 110-113. (Kostareva T.A. Qualifying circumstances in criminal law. - Yaroslavl, 1993. - P. 110-113.)
18. Костарева Т.А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве. – Ярославль, 1993. – С. 113. (Kostareva T.A. Qualifying circumstances in criminal law. - Yaroslavl, 1993. - P. 113.)
19. Вакарина Е.А. Дифференциация и индивидуализация и средства их достижения (уголовно-правовые и уголовно-исполнительные аспекты): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2005.; Тарханов И.А. Поощрение позитивного поведения в уголовном праве. – Казань, 2001. (Vakarina E.A. Differentiation and individualization and means of their achievement (criminal-legal and penitentiary aspects): author. dis. ... cand. legal Sciences. – Krasnodar, 2005.; Tarkhanov I.A. Encouraging positive behavior in criminal law. – Kazan, 2001.)
20. Гараева А.Р. Смягчение наказания при его исполнении в российском уголовном праве: дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2007. – С. 32-47. (Garayeva A.R. Mitigation of punishment during its execution in Russian criminal law: diss. ...cand. legal Sciences. - Kazan, 2007. - P. 32-47.)
21. Долиненко Л.А. Влияние смягчающих ответственность обстоятельств на индивидуализацию наказания и на освобождение от уголовной ответственности с применением мер общественного или административного воздействия: автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Томск, 1980. – С. 10. (Dolinenko L.A. Influence of mitigating circumstances on the individualization of punishment and on the release from criminal liability with the use of measures of social or administrative influence: author. diss. ...cand. legal Sciences. - Tomsk, 1980. - P. 10.)
22. Кругликов Л.Л. Смягчающие и отягчающие ответственность обстоятельства в уголовном праве. – Воронеж, 1985. – С. 84. (Kruglikov L.L. Mitigating and aggravating circumstances in criminal law. - Voronezh, 1985. - P. 84.)
23. Кругликов Л.Л. Особенности перечисленных в уголовном законе смягчающих и отягчающих обстоятельств // Юридические гарантии применения права и режим социалистической законности в СССР. – Ярославль, – 1975. Вып. 1. – С. 58-61. (Kruglikov L.L. Features of the mitigating and aggravating circumstances listed in the criminal law // Legal guarantees for the application of law and the regime of socialist legality in the USSR. - Yaroslavl, - 1975. Issue. 1. - P. 58-61.)
24. Криминология: учебник / отв. ред. В.К. Звирбуль [и др.]. – М., 1979. – С. 58, 60, 192. (Criminology: textbook / отв. ed. V.C. Zvirbul [i dr.]. - M., 1979. - P. 58, 60, 192.)



12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич,
Тошкент давлат юридик университети
“Криминалистика ва суд экспертизаси”
кафедраси ўқитувчиси
E-mail: r.abulxayrov@tsul.uz

ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ: ДАЛИЛЛАРНИ МАВЖУДЛИГИНИ БАҲОЛАШ, УЛАРНИ ЙИҒИШ, САҚЛАШ ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

For citation: Abulkhairrov Rustamkhon Ibodullaevich. FORENSIC ASPECTS OF THE INSPECTION OF THE SCENE AFTER THE EXPLOSION: ASSESSMENT OF THE PRESENCE OF EVIDENCE, THE PROCEDURE FOR THEIR COLLECTION, STORAGE AND REGISTRATION. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида далилларнинг мавжудлигини баҳолаш, йиғиш, сақлаш ва рўйхатга олиш асослари ва тартиби, ҳаракатларни бошқариш, амалга ошириш қоидалари юзасидан асослантирилган фикрлар билдирилган. Шунингдек, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг дастлабки босқичида амалга ошириладиган асосий ҳаракатлар, хавфсизлик чоралари, фото тасвирга олиш, ҳодиса жойини схемасини тайёрлаш, кўздан кечириш жараёнида зарарланишни олдини олиш чоралари баён этилган.

Калит сўзлар: Кўздан кечириш, портлаш, кўздан кечириш босқичи, далилий ашё, тергов гуруҳи, фотографик тасвир, схематик тасвир.

Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич,
Преподаватель кафедры “Криминалистика
и судебная экспертиза” Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: r.abulxayrov@tsul.uz

КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОСМОТРА МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ ПОСЛЕ ВЗРЫВА: ОЦЕНКА НАЛИЧИЯ УЛИК, ПОРЯДОК ИХ СБОРА, ХРАНЕНИЯ И РЕГИСТРАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье изложены обоснованные соображения относительно основ и порядка оценки наличия, сбора, хранения и регистрации доказательств в процессе осмотра места происшествия после взрыва, управления действиями, правил их осуществления.

Также описаны основные действия, которые необходимо предпринять на начальном этапе осмотра места происшествия после взрыва, меры безопасности, фотосъемка, подготовка схемы места происшествия, меры по предотвращению повреждений в процессе осмотра.

Ключевые слова: Осмотр, взрыв, стадия осмотра, вещественные доказательства, следственная группа, фотографическое изображение, схематическое изображение.

Abulkhairov Rustamkhon Ibodullaevich,

Lecturer at the Department of Criminalistics and Forensic Science
of Tashkent State University of Law
E-mail: r.abulxayrov@tsul.uz

FORENSIC ASPECTS OF THE INSPECTION OF THE SCENE AFTER THE EXPLOSION: ASSESSMENT OF THE PRESENCE OF EVIDENCE, THE PROCEDURE FOR THEIR COLLECTION, STORAGE AND REGISTRATION

ANNOTATION

This scientific article outlines reasonable considerations regarding the basis and procedure for assessing the availability, collection, storage and registration of evidence in the process of inspecting the scene after the explosion, managing actions, and the rules for their implementation.

It also describes the main actions to be taken at the initial stage of the inspection of the scene after the explosion, security measures, photography, preparation of a diagram of the scene, measures to prevent damage during the inspection process.

Keywords: inspection, the explosion, the inspection stage, the physical evidence, investigation team, photographic image, schematic image.

Кириш

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, уни ҳимоя қилиш, инсонга бериладиган ҳуқуқий ҳавфсизлик ва ишонч ҳисси жуда юксак даражада бўлиши билан бирга унинг ҳавфсизлигини таъминлаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади[1].

Дунёда охирги йиллар давомида портлашлар ёки улар билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайиб, ушбу жиноятлар янада мураккаблашиб, такомиллашиб бориши кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда портловчи моддалар, портлаш ускуналари билан содир этилаётган жиноятларни олдини олиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Бунда асосий масала фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза этиш, портлаш натижасида содир этилган жиноятларни очиш ва текшириш амалиётига янги илмий-техник восита, услубларни тадбиқ этиш, шу асосида жиноят ишлари бўйича далилларни қидириб топиш, олиш, мустаҳкамлаш ва текширишдан иборат.

Шунинг учун, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш методикасини ишлаб чиқиш муҳим вазифадир. Амалда кўздан кечиришни илмий асосланган ва амалда тасдиқланган ёндашув асосида олиб бориш, иш тафсилотларни текшириш имконини беради ва ахборотнинг воқеа жойидан олиб чиқилишининг тўлиқлигини таъминлайди, бу эса ушбу мавзусининг долзарблигини билдиради.

Таҳлил

Портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида тўпланадиган далиллар ва улар билан ўтказиладиган тадқиқотлар натижаси ўта муҳим ҳисобланиб, тергов давомида гумон қилинувчиларнинг айбини исботлашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 135-моддасида “Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойини, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради” деб, шунингдек мазкур кодексининг 137-моддаси 4-қисмида “Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим” [2] деб кўрсатилган.

“Жиноятнинг очилиши ва унинг самарали тергов қилинишида ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш марказий ўрин тутати ва муҳим аҳамият касб этади. Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришни криминалистик таъминоти субъектларининг бу тергов ҳаракатини ўтказишда техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалардан фойдаланиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартибга солинмаган. Бу каби баҳолашнинг мезонлари йўқ. Ушбу фаолиятни баҳоламасдан туриб, ҳодиса жойини кўздан кечириш пайтида қўлланиладиган техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалар ва технологиялар тизимлари ҳодиса жойини кўздан кечиришда қанчалик оқилона эканлигини, уларни қўллаш натижавийлиги ва кўриб чиқиладиган фаолият мақсадларига эришиш самарадорлиги қай даражада эканлиги бўйича фикр юритиш мумкин эмас”[3].

Кўздан кечириш бошланишидан олдин портлаш тўғрисидаги тушунчага эга бўлиш лозим.

Портлаш деганда юқори сиқилган газларнинг жуда тез кенгайиши натижада, портлаш жойини ўраб турган муҳитда тарқаладиган зарба тўлқини билан бирга зичлик, босим, ҳарорат ва тезликда кескин сакраш мавжудлиги тушунилади.

Портловчи воситалар портлаши уч босқичда содир бўлади: бошлаш, портлаш ва зарба тўлқинининг тарқалиши [4].

Бошлаш бу портлашни кўзгатишдан иборат ташқи таъсир ҳисобланади. Портлаш босқичида портловчи моддалар кенгайиши натижасида потенциал энергиянинг кинетик энергияга ўтиши содир бўлади.

Кейин зарбанинг атроф-муҳитга таъсири босқичида келиб чиқадиган тўлқин, яъни босимнинг кескин сакраши ва ҳарорат улкан тезликда тарқалади. Ушбу босқичларнинг фарқланиши жуда шартли, чунки баъзида бошлаш билан портлаш ёки таъсир қилиш туфайли зарба тўлқини содир бўлади.

Тасодифий портлашларга хавфсизлик қоидаларининг бузилиши, газ, буғ, чанг-ҳаво аралашуви, ускуналарнинг бузилиши, ноқонуний ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш пайтидаги келиб чиқадиган портлашлар киритилиши мумкин.

Қасддан содир этиладиган портлашлар безорилик, мулкни нобуд қилиш ва зарар етказиш, қотиллик, соғлиқни шикастлантириш, ўз жонига қасд қилиш, бошқа жиноятни яшириш, террористик ҳаракатлар мақсадида содир этилади.

Воқеа жойини кўздан кечириш, шубҳасиз, энг муҳим тергов ҳаракати ҳисобланади, кейинчалик жиноятни муваффақиятли фош этиш, унинг сифатли олиб борилишига боғлиқ бўлади. “Портлаш жойини кўздан кечириш, бу кўздан кечиришларнинг энг қийин турларидан бирига тўлиқ тегишлидир”[5].

“Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тизими таркибидаги технологиялар ушбу тизим субъектларининг нафақат техник, балки тактик воситалар, методлар ва усуллардан маълум бир тартибда фойдаланиш бўйича фаолият механизмини ҳам акс эттиради”[6].

Портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришни криминалистик жиҳатдан қуйидаги ўн икки: яъни, тайёргарлик, ҳодиса жойига ёндашув, ҳодиса жойини ўраб олиш ва қўриқлаш, кўздан кечиришнинг бошланиши, далилий ашёлар мавжудлигини баҳолаш, таърифловчи тақдимотни тайёрлаш, ҳодиса жойини фотографик тасвирга олиш, тайёргарлик режаси ва ҳодиса жойининг схематик тасвирининг тузиш, тўлақонли кўздан кечириш ўтказиш, далилий ашёларни йиғиш ва рўйхатга олиш, ҳодиса жойини якуний кўздан кечириш, ҳодиса жойини бўшатиш босқичларига бўлиш мумкин.

1. Тайёргарлик. Ушбу босқичга қуйидагилар кирилади.

- Вазифаларни тақсимлаш. Бунда гуруҳ раҳбари, фотограф, далилий ашёларни сақловчи маъсул жавобгар, ҳодиса жойи схематик тасвирини тузувчи, ҳодиса жойини кўздан кечиришни олиб борадиган бошқа ходимларга тегишли вазифалар тақсимланиб юкланади.

- Керакли асбоб ускуналар ва сарф этиладиган материалларни тўплаш. Мазкур ҳолатда керакли бланкалар, қадокланган материаллар, индивидуал химоя воситалари тўпланади.

- Ҳаракатни ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш. Тергов ҳаракатини амалга оширилишидан олдин кўздан кечиришга ваколат борлиги, тегишли қарор чиқарилганлиги ва рухсат олинганлигига аниқлик киритилади.

- Ходимларга қулайликлар яратиш ва таъминлаш. Бу ҳолатда ходимлар озиқ-овқат, ичимлик суви каби маҳсулотлар билан таъминланганлиги, шарт-шароитлари яратилганлигига эътибор қаратилиб, ишни ташкил этишда уларнинг иш вақти инобатга олинади.

- Мутахассис ёрдамига мухтожлик бор ёки йўқлигини аниқлаштириш. Ушбу ҳолатда портловчи моддалар бўйича мутахассислар, компьютерни таҳлил қилиш гуруҳи, антрополог, ғаввослар, қидирув итларига мухтожлик ўрганилади.

2. Ҳодиса жойига ёндашув. Ушбу босқичга қуйидагилар кирилади.

-Эҳтиёткорлик. Бунда далилий ашёларни нобуд қилмаслик, беқарор далиллар, оёқ излари, шиналар, соч ва толалар мавжудлигидан хабардор бўлиш, моддий далилларни бузмаслик учун битта кириш-чиқиш йўлини ўрнатиш лозим.

Кўздан кечириш жараёнида иш билан боғлиқ кузатишлар ёзувини юритиш муҳим ўрин тутди.

Шахсий хавфсизликни унутмаслик. Ушбу ҳолатда индивидуал ва шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Чеклов ўрнатиш. Бундай ҳолатда ҳодиса жойидаги ҳаракатга ташқарида қаттиқроқ, бино ичида чекланган чеклов ўрнатилади.

Агар такрорий портлаш эҳтимоли бўлса, кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари портлаш жойидан хавфсиз масофага узоқлашишини керак. “Хавфсиз масофа радиуси, ишни давом эттириш имконияти ва портловчи объектларнинг хавфлилик даражаси портлашни ўрганувчи техника соҳадаги мутахассислар томонидан аниқланади” [7].

3. Ҳодиса жойини ўраб олиш ва қўриқлаш.

Ушбу босқичда ҳодиса жойини химоя қилиш чегараларини аниқлаштириш, химоя жойини тўғри химоя қилиш таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳодиса жойининг дастлабки ҳолати тўғрисида маълумот олиш, хотирага таянмасдан барча ҳолатларни батафсил ёзиш, рухсатсиз шахсларнинг бўлишига йўл қўймаслик, ҳодиса жойига келиб кетувчиларни ҳисобини юритиш, об-ҳаво таъсир қиладиган очиқ жойларни химоя қилиш каби чоралар қўрилади.

Ҳодиса жойига келиб кетувчиларни ҳисобини юритиш китобида сана, манзил, изоҳлар, келиб кетувчиларнинг шахси ва яшаш манзили тўғрисидаги, қайси идорадан ёки қаердан келганлиги, манзили, ҳодиса жойида бўлган ва кетган вақтлари ҳақидаги маълумотлар ёзилиши керак.

4. Кўздан кечириш бошланиши. Ушбу босқичнинг ташкилий ва тайёргарлик қисмига ишни гуруҳ раҳбари ва фотограф томонидан ишни бошлаш ва олиб бориш, борилган воқеа жойини дастлаб эҳтиёткорлик билан айланиб чиқиш, фотограф томонидан ҳодиса жойини дастлабки ҳолатини суратга олиш, кўздан кечириладиган ҳудудни белгилаш, яъни дастлаб белгиланган ҳудудни кенгайтириш зарурияти туғилиши мумкинлигини инобатга олиш,

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш усули ва босқичларини аниқлаштириш, қўшимча куч, мутахасис ва техник воситалар кераклигини аниқлаштириш, беқарор ашёвий далилларни аниқлаш, ҳодиса содир этилган жойнинг ҳолати ва атроф-муҳит ҳолатини ҳужжатлаштириш учун батафсил ёзувларни олиб бориш ҳамда сақлаш киради.

5. Далилий ашёлар мавжудлигини баҳолаш. Баҳолаш ҳодиса жойига боришдан бошланади. Кўздан кечиришнинг дастлабки босқичида барча жараён батафсил ва деталли бўлади, биринчи бўлиб беқарор далилларни олишга ҳаракат қилинади, бунда ашёвий далилларни тўплаш учун ўровчи жиҳозларни олдиндан таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди.

6. Таърифловчи такдимотни тайёрлаш. Бунда фактларни таснифи тушунтирилади.

Фактларни тушунтириш таснифига қуйидагилар киради. Яъни, бунга оғзаки тасниф кириб, бу жорий ҳолатнинг тавсифидир. Ҳодиса жойини тўлиқ таснифини такдим этишга эса умумий ва ўзига хос белгиларини таърифлаш киради. Шунингдек, эътиборни жалб этадиган аудио, ёзма, видео материаллар ҳам таснифлашга киритилиши мумкин.

Тайёргарлик ва ташкиллаштириш ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг иккинчи босқичи бевосита кўздан кечиришни амалга оширилишидан бошланади.

7. Ҳодиса жойини фотографик тасвирга олиниши. Бунга кўзлар ва миянинг “унутган” жойлари, нарсаларни тез ва аниқ “бор ҳолича”, иш боши ва охирида, барча ашёвий далилларни олиш (тўплаш) дан олдин, шунингдек ҳодиса жойини тўлиқ (шу жумладан кириш ва чиқиш жойлари, умумий, ўрта ва яқин, атрофдаги ҳудуд, қўшни ҳудуд, қурбонлар, одамлар тирбандлиги, транспорт воситалари) фотосуратга олиш зарур.

Ҳодиса жойини фотосурат орқали кўрсатиш энг яхши усул бўлиб, ушбу усул ёрдамида далилий ашёларни жойлашган ва турган дастлабки жойи кейинчалик кўрилиши мумкин. Шунингдек, фотосуратлар схематик тасвир ҳамда ёзувларни тўлдиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Фотосуратларни қўп олмасдан, имкон бўлса аэрофотосуратга олишни амалга ошириш керак.

Ҳодиса жойининг фотографик тасвирининг бош планида ҳодиса жойининг жойлашган жойидаги йўл белгилари ва бошқалар билан бирга, ўрта планида ҳодиса жойининг маълум бир нуқтасида ашёвий далиллар, атрофдаги ҳудудга нибатан ашёвий далилларнинг жойлашиши, катта планда ҳар бир ашёвий далиллар, предметларни алоҳида кўрсатилади.

Портлашдан кейин ҳодиса жойи масштабли ва масштабсиз ҳолда, далилий ашёлар қаерда аниқланган бўлса, ўша жойда фотосуратга олинади.

Далилий ашёлар фотосуратга олинмасдан туриб уни йиғмаслик ва тўпламасни, шунингдек фотосуратлар ҳисоби бўйича журнал юритишни ёдда тутиш лозим.

Ҳодиса жойининг фотографик тасвиридан гувоҳ ва гумон қилинувчини гувоҳлик бериши ёки уларнинг сўроқ қилиниши пайтида фойдаланиш мумкин.

8. Тайёргарлик режаси ва ҳодиса жойини схематик тасвирининг тузилиши.

Ҳодиса жойининг схематик тасвирида бинонинг тартиби ёки қаватнинг режаси, ҳодиса жойининг асл шакли ва дастлабки кўриниши, далилий ашёларнинг аниқ жойлашган жойи, улар орасидаги масофа, жиноят жойининг ўлчамлари ва ашёвий далилларнинг жойлашуви кўрсатилади.

Схематик тасвир расмларни тўлдиради, жабрланувчиларга ҳодиса жойи ёки жиноят жойини яхшироқ тасаввур қилишга, масштаб бўйича диаграмма тузишга имкон беради, натижада ҳодиса жойи ҳамда жиноят жойи ҳолати тикланади, шунингдек ҳар бир далилий ашёни дастлабки турган жойига аниқлик киритилади.

Схема эскизидаги элемент рақамлари далилий ашёларни рўйхатга олиш журналидаги элемент рақамига мос келиши керак, бундай ҳолда албатта асл эскизни сақлаш лозим бўлади.

9. Тўлақонли кўздан кечириш ўтказиш.

Ушбу босқичда ҳодиса жойини баҳолаш асосида текшириш усулини танлаш, умумийдан хусусийгача кўздан кечириш, дастлаб эҳтиёткор, кейин эса фаол бўлиш, биринчи

навбатда аниқ ашёвий далиллар, кейин яширин далилларни қидириш, агар керак бўлса, махсус текшириш усулларида фойдаланиш, чизиклар сектор усули, спирал, квадратчалар, кичик гуруҳларда ишлаш, кириш ва чиқиш жойларини қидириш, ашёвий далилларга зарар етказмаслиги учун тегишли кийимларни кийиш керак бўлади.

Ушбу босқичда мақсадли ва услубий ҳаракат қилишда эҳтиёткорлик талаб этилади.

10. Далилий ашёларни йиғиш ва рўйхатга олиш.

Ушбу босқичда ашёвий далиллар фотосуратга олинади, схематик эскизда уларнинг жойлашиши белгиланади, ашёвий далиллар рўйхати (реестри) юритилади, барча ашёвий далилларни сақлаш учун иложи бўлса битта масъул шахс тайинланади, жиноят жойида ўралган ашёвий далиллар муҳрланади ва улар бўйича маълумотлар журналга киритилади.

Барча далилий ашёлар аниқ ва тўғри эканлиги бўйича ҳисобга олиш журналидаги маълумот билан таққосланиши, бунда камида икки кишини маъсул этиб белгилаш, ашёвий далилларни йиғишдан олдин уни топилган жойида кузатиш, далилий ашёлар бўлган идишларни турига қараб ажратиш, уларни рақамлаб шундан кейин белгилаш муҳимдир.

Далилий ашёларни йиғиш ва рўйхатга олишда қуйидаги асосий тўртта ҳолатга эътибор бериш лозим.

1. Қоида бўйича энг яхши кўздан кечириш усуллари, кийин ва кўп меҳнат талаб қилади.

2. Ашёвий далил ва ҳужжатларининг кўп бўлмаслигига эътибор қаратиш керак.

3. Кўздан кечиришни эҳтиёткорлик билан бошлаш ва фаол ҳолатда тугатиш лозим.

Мазкур ҳолатда яширин бармоқ изларини рўйхатга олиш журналини юритиш, унда далилий ашё ким томонидан олинганлиги, санаси ҳамда манбаси кўрсатилиши лозим.

Хавфсизлик масалаларида ҳеч қачон шахсий хавфсизлик ҳақида унутмаслик, кимёвий ва биологик хавфни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмаслик, портловчи ускуналар тузоғидан эҳтиёткор бўлиш, барча шахсий таркибни ҳимоя воситалари билан таъминлаш, қон ва барча биологик суюқликларни юқиши мумкин деб ҳисоблаш, ҳодиса жойини зарарланиш жойи деб қараш, тегиш орқали ҳаракат қилмаслик, қўл билан беҳосдан тегиш мумкин эмаслигини ўйлаш, ҳодиса жойида овқатланмаслик, ичмаслик, чекмаслик, биологик суюқликлар билан ишлаётган вақтда юзга маска ва кўзойнақдан фойдаланиш лозим.

Кўздан кечириш давомида локар принципининг қаерда бўлса ҳам бирон бир нарсани қолдириб, ўзи билан бирор нарсани олиб кетмаслик, далилий ашёларни тўплаш нуктаи назаридан эътибор қаратиш, гумон қилинувчи ва жабрланувчи ишора қилган ашёвий далилларни аниқлаш, ҳодиса жойига зарарли, зарарланган жой нуктаи назардан қараш, ҳодиса жойи сочлар ва толалар, оёқ излари ва бошқа нарсалар билан зарарланганлигини унутмаслик лозим.

Ҳодиса жойидан зарарланишини олдини олиш усулларига тоза кийим кийиш, икки жуфт қўлқоп кийиш ва уларни тез тез алмаштириш, ҳар бир кейинги ҳодиса жойига боришдан олдин кийимларни ва поябзални алмаштириш, қўлқоплардан қайта фойдаланмаслик, турли жойларда тўпланган ашёвий далилларни бир-биридан ажратиш, портловчи моддалар тўпланган жойга ўзи билан қурол олиб келмаслик киради.

Далилий ашёлар ўралганган ва контейнерга муҳрланган ҳолда бўлиши, шунингдек тўпланган ашёвий далиллар, у билан бажарилиши керак бўлган тадқиқот турларига мос келиши керак.

Олинган далилий ашёларда яширин бармоқ излари ва инсондан чиқадиган ажралмалар бор ёки йўқлигига аҳамият бериш лозим.

Далилий ашёлар қуйидаги воситалар асосида тўғри ўралиши лозим.

Қоғоз: ундан биологик материалларни ўраш учун фойдаланиш керак, бироқ кўринмас бармоқ изларини йўқ қилиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Полиэтилен: унга зарар етказиши мумкин бўлган биологик материалларни олиш керак.

Иссиқ сақловчи пакетлар: улар кўпинча ашёвий далилларни ўраш учун жуда мос келади.

Далилий ашёлар пакетга солиниб клейлангандан сўнг, лентадан фойдаланиб боғланиши шарт эмас.

Картон каробкалар: бу катта ҳажмдаги далилий ашёлар учун керак бўлади.

Биологик хавфли материал олинганда, унинг идишини биологик хавфли материал деб аниқ белгилаш ёки ёзиш керак бўлади.

Бомба ёки ўт қўйишнинг ашёвий далиллари цилиндрсимон идиш ва шиша банкасида сақланишини унитмаслик лозим.

Далилий ашёларни ўраш ва муҳрлашга қуйидагилар киради.

1. Расмий маълумотларни ўраш жойига қўйиш.

Унда иш рақами, санаси, буюм номери, ашёвий далилнинг тавсифи, далилий ашё олинган жой, далилий ашёни олишда иштирок этган икки нафар ходининг исм шарифи кўрсатилади.

2. Ашёвий далилларни топилган жойида муҳрлаб қўйиш.

Ашёвий далиллар солинган пакетларни ёпиш учун имзо ва санани лентага ёзиб қўйиш лозим.

Тезкор гуруҳ томонидан ҳодиса жойидан ашёвий далилларни тўплаш жараёнида, бу ҳақидаги рўйхатга олиш журналига тўлиқ ва тўғри маълумотлар киритилиб борилади.

Далилий ашёларни ҳисобга олиш журналида ҳар бир ашё бўйича маълумот, ушбу далилнинг хусусияти ва ўралиши бўйича маълумот бўлиши, ашёвий далилларнинг таснифи, унинг топилган жойи, ким томонидан олинганлиги (холислар ва олган шахс ҳақида маълумот) ва ашёвий далиллар сони кўрсатилади.

Пакетдаги маълумотлар ашёвий далиллар журналидаги маълумотларга мос бўлиши лозим.

Ашёвий далилларни олган биринчи шахс бу ҳақида имзо қўйиши, ҳар бир кейинги шахс ашёвий далилларни сақлаш муддати ва мақсадидан қатъий назар сақлаш учун қабул қилганда ўзининг имзосини қўйиши, сақлаш тартибига қатъий риоя этиши керак.

Жиноят иши бўйича ашёвий далилларни бошқа жойга юборилганда ҳам далилий ашё бўлиб қолади. Бунда ҳодиса бўйича “Далилий ашё йўқ-ҳеч қандай жиноят йўқ” деган иборани унитмаслик лозим.

Ашёвий далилларни топшириш ва сақлаш тартиби, далил (объект)ни олиб қўйиш билан бошланади.

11. Ҳодиса жойини якуний кўздан кечириш.

Якуний кўздан кечириш албатта амалга ошириш зарур бўлиб, унда кўздан кечиришнинг барча жиҳатларини танқидий таҳлил қилиш, тугалланган жараённинг тўлиқлиги учун кўздан кечирувчи барча ходимлар билан биргаликда муҳокама қилиш, тасодифий хато ва камчиликларни аниқлаш учун ҳужжатлар икки марта кўздан кечирилиши лозим.

Якуний кўздан кечириб, жойдан чиқаётганда, кўздан кечириш объектини суратга олиш, жиноят жойидан чиқишдан олдин жиноятни фош этиш мумкин бўлган барча ашёвий далиллар тўпланиб олинганлигига ва ҳеч қандай тавсилот ўтказиб юборилмаганлигига, ҳодиса жойидан кетишдан олдин барча жиҳозлар йиғилганлигига, барча керакли ресурслардан фойдаланилганлигига ва тегишли мутахассислар жалб қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Кўздан кечирувчи барчасини тўғри бажариши бўйича унда фақат битта имконият борлигини унитмаслиги муҳимдир.

12. Ҳодиса жойини бўшатиш.

Ҳодиса жойи фақат кўздан кечириш якунланганидан кейин бўшатилади. Бундан олдин, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси тузилиб имзоланади, унда ҳодиса жойини бўшатиш вақти ва санаси, шунингдек ҳодиса жойи ким томонидан бўшатганлиги ҳамда ким томонидан қабул қилинганлиги ёзилади.

Ҳодиса жойи барча терговчи ёки тергов гуруҳи томонидан тўлиқ ва тўғри кўздан кечирилганлигига ишонч ҳосил қилинганидан кейин шахсан терговчи ёки тергов гуруҳи раҳбари томонидан бўшатилади.

Портлашлар кимёвий ва физик бўлиши мумкин. “Физик портлаш деганда, газлар ёки буғларнинг тўсатдан адиабатик кенгайиш кучининг бир зумда намоён бўлиши билан бирга механик энергия ва зарба тўлқинининг шаклланиши тушунилади”[8].

“Кимёвий портлаш – бу кимёвий моддаларнинг тез ўзгариши натижасида юзага келадиган портлаш бўлиб, унда порловчи маҳсулотлар кенгайиши натижасида потенциал кимёвий энергия иссиқлик ва кинетик энергияга айланади”[9].

Портлашнинг атроф-муҳитга таъсирига қараб, беш тоифага бўлинади, воқеа жойидаги вазиятдан қуйидаги тоифалар ажралиб туради: “жуда кучли (100 килограммдан ортиқ портловчи моддалар эквиваленти); кучли (10-100 кг.); ўрта (1-10 кг.); заиф (50 граммдан 1 кг.); аҳамиясиз (50 граммдан кам)” [10].

Шундай экан, портлаш қанча кучли бўлса, атроф муҳит шунча кўп зарар етади ҳамда инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Портлаш жараёнида далилий ашёлар ва жиноят излари йўқолади, гувоҳлар ҳалок бўлади, портлаш воситалари ва қурилмалари тўлиқ ёки қисман бузилиб кетади, портлашдан кейин содир бўладиган ёнғин портлаш аломатларини йўқотади, шунинг учун портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш муайян қийинчиликлар туғдиради.

Шу билан бирга мазкур соҳада жиноят процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, унда портлаш содир бўлган жойини кўздан кечириш тартиби ва унда иштирок этиши зарур бўлган тезкор ходимлар доирасини аниқ белгилаш лозим бўлади.

Қонунларни яратиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишдан олдин қонун ижодкорлиги жараёнида муҳим бўлган қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу қоидалар ҳуқуқ принциплари шаклида майдонга келади ва ҳар қандай қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиганда мазкур ҳуқуқ принципларига қатий амал қилиш, келгусида яритилаётган ва амалга тадбиқ этилаётган қонунларнинг мазмунини ва самарадорлигининг мезонини белгилаб беради [11].

Шундай қилиб, кўздан кечириш давомида тайёргарлик, ҳодиса жойига ёндашув, ҳодиса жойини ўраб олиш ва қўриқлаш, кўздан кечиришнинг бошланиши, далилий ашёлар мавжудлигини баҳолаш, таърифловчи тақдимотни тайёрлаш, ҳодиса жойини фотографик тасвирга олиниши, тайёргарлик режаси ва ҳодиса жойини схематик тасвирини тузилиши, тўлақонли кўздан кечириш ўтказиш, далилий ашёларни йиғиш ва рўйхатга олиш, ҳодиса жойини якуний кўздан кечириш, ҳодиса жойини бўшатиш каби ўн иккита босқичларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши фақатгина ҳодиса сабабига аниқлик киритиб қолмасдан, ушбу иш бўйича муҳим далилларни йиғилишига олиб келади.

Шу ўринда “Жиноят содир этиш вақтида изларнинг шакилланиш механизми бир қатор хусусиятларга эга”[12] эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.


Хулоса қилиб айтганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш криминалистик жиҳатдан белгиланган тактик ва техник қоидаларга риоя қилиниб, воқеа жойидан далиллар тўлиқ йиғилиб, кейин сақланиши, аввало, уларнинг хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, ушбу ҳолатда содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этилишига ҳамда айбдор шахсларни аниқлашишига ёрдам беради.

Шунингдек, портлаш пайтида юзага келадиган жараёнлар ҳақида назарий ва амалий билимга эга бўлиш ниҳоятда зарур бўлиб, ундан портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш, портловчи воситалар ва бошқа далилларни олиш, тўплаш, йиғиш ҳамда сақлашни ташкил этишда фойдаланилади, натижада юзага келадиган бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент шаҳри, 1992 йил. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. Tashkent city, 1992)
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси, Тошкент шаҳри 1994 йил. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, Tashkent city, 1994)

3. Р.К.Абдуллаев. Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш принциплари // IJORCES international journal of conference series on education and social sciences. (online) Bursa, Turkey (ISSN 2717-7076). January 2022. P. 193-196. (A.R.Abdullaev. Principles of evaluating the effectiveness of forensic support for the inspection of the scene) <https://ijorces.org/index.php/ojs/article/view/196/199>.
4. Расследование убийств, совершённый с применением взрывчатых веществ / Р.З. Боршигов, В.П. Власов, Н.П. Ландышев и др. М., 1975 с. 12. (Investigation of murders committed with the use of explosives / R.Z. Borshigov, V.P. Vlasov, N.P. Landyshev et al. M., 1975 p. 12)
5. Тактика следственных действий / Г.П. Давыдов, В.А. Притузова, В.И. Шевченко. М., 1959, с. 6. (Tactics of investigative actions / G.P. Davydov, V.A. Prituzov, V.I. Shevchenko. M., 1959, p. 6)
6. «Ходиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик технологияси тушунчаси» Жамият ва инновациялар – Общество и инновации (Concept of crime scene investigation technology" Jamiyat va innovatsiyalar – Obshchestvo va innovatsii) – Society and innovations Special Issue – 10 (2021) / ISSN 2181-1415 Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>
7. Дильдин Ю.М. и др. Место взрыва как объект криминалистического исследования М., 1995, с. 27. (Dildin Yu.M. and others. The place of the explosion as an object of forensic research M., 1995, p. 27)
8. Дильдин Ю. М., Мартынов В. В., Семенов А. Ю., Шмырев А. А. Взрывные устройства промышленного изготовления и их криминалистическое исследование. М., 1991, с. 5. (Dildin Yu. M., Martynov V. V., Semenov A. Yu., Shmyrev A. A. Explosive devices of industrial manufacture and their forensic investigation. M., 1991, p. 5.)
9. Государственный стандарт РФ ГОСТ Р 22.0.08-96 "Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Техногенные чрезвычайные ситуации. Взрывы. Термины и определения" [Электронный ресурс]: принят пост. Госстандарта РФ от 29 мая 1996 г. N 333 - Справочно-правовая система "Консультант Плюс" (The state standard of the Russian Federation GOST R 22.0.08-96 "Safety in emergency situations. Man-made emergencies. Explosions. Terms and definitions" [Electronic resource]: accepted post. Gosstandart of the Russian Federation dated May 29, 1996 N 333 - Legal reference system "Consultant Plus").
10. Моторный И.Д. Криминалистическая взрывотехника: новое учение в криминалистике. М., 2000, с. 27. (Motorny I.D. Forensic explosives engineering: a new teaching in criminology. Moscow, 2000, p. 27.)
11. Илхомжон Юсупов. (2022). Ҳуқуқий аниқлик принципининг конун ижодкорлиги жараёнида қўлланилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ноаниқликлар ва зиддиятларни камайтиришнинг воситаси сифатида. «Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: nazariya va Amaliyot» nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya, 1(22), 53–57. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7084470> (Ilkhamjan Yusupov. (2022). The application of the principle of legal certainty in the process of lawmaking as a means of reducing inaccuracies and contradictions in regulatory legal acts. scientific, remote, Online Conference" Innovative Research in the modern world: theory and Practice", 1(22), 53-57. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7084470>).
12. Azim Baratov. (2022). Initial criminal investigation situations. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 4(11), 12–17. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume04Issue11-03>



Бобомуродов Фарход Боймуротович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси
мустақил изланувчиси,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: farhod86b@mail.ru

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

For citation: Bobomurodov Farkhod Boymorotovich. ANALYSIS OF INTERNATIONAL LEGAL ACTS REGULATING OPERATIONAL INVESTIGATIVE ACTIVITIES IN THE INTERNAL AFFAIRS BODIES. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш асосида инсон ҳуқуқлари, уюшган жиноятчилик жумладан, терроризм, экстремизм, сепаратизм, қурол, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, шахсларни қидириш, ушлаб бериш, экстрадиция, ахборот хавфсизлиги, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, жиноий жазолар ижро этилишини таъминлаш, божхона соҳасида ҳамкорлик масалаларини тартибга солишга доир халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш, қўшимчалар киритиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уюшган жиноятчилик, терроризм, экстремизм, сепаратизм, ўқотар қурол, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, экстрадиция, халқаро ҳамкорлик.

Бобомуродов Фарход Боймуротович,
Самостоятельный соискатель кафедры
оперативно-розыскной деятельности Академии
Министерство внутренних дел Республики Узбекистан
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: farhod86b@mail.ru

АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ, РЕГУЛИРУЮЩИХ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе анализа содержания международно-правовых актов, регламентирующих оперативно-розыскную деятельность органов внутренних дел, рассматриваются вопросы прав человека, организованной преступности, включая борьбу с терроризмом, экстремизмом, сепаратизмом, незаконным оборотом оружия, наркотических средств и психотропных веществ, розыск, задержание, экстрадиция лиц, информационная безопасность, юридической помощи, обеспечения исполнения уголовных наказаний, внесения изменений в международные и национальные нормативные правовые акты, регулирующие вопросы сотрудничества в таможенной сфере, разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по внесению дополнений законодательство.

Ключевые слова: права и свободы человека, организованная преступность, терроризм, экстремизм, сепаратизм, огнестрельное оружие, наркотики, психотропные вещества, экстрадиция, международное сотрудничество.

Bobomurodov Farkhod Boymorotovich,
Independent researcher of the Department
of Operational Investigative Activities of Academy
of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Philosophy in Law (PhD)
E-mail: farhod86b@mail.ru

ANALYSIS OF INTERNATIONAL LEGAL ACTS REGULATING OPERATIONAL INVESTIGATIVE ACTIVITIES IN THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

ANNOTATION

Based on the analysis of the content of international legal acts regulating the operational and investigative activities of the internal affairs bodies, the article examines the issues of human rights, organized crime, including the fight against terrorism, extremism, separatism, illegal trafficking in weapons, narcotic drugs and psychotropic substances, search, detention, extradition of persons, information security, criminal cases, enforcement of criminal penalties, amendments to international and national regulatory legal acts regulating issues of cooperation in the customs sphere, scientifically sound proposals and recommendations for amendments of the law.

Keywords: human rights and freedoms, organized crime, terrorism, extremism, separatism, firearms, drugs, psychotropic substances, extradition, international cooperation.

Ички ишлар органлари тезкор-кидирув фаолияти соҳасида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш халқаро ҳужжатлар деганда Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида тезкор-кидирув фаолияти соҳасида муайян (масалан, жиноятчиликка хусусан, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш каби) функцияларни бажарилишини таъминловчи, давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари томонидан ратификация қилинган, тасдиқланган (декларация, пакт, баённома, конвенция, шартнома ва битим, бошқ.) ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади[1–2].

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик миллий маълумотлар (Lex.uz.; Norma.uz.) базасида жойлаштирилган ички ишлар органларининг тезкор-кидирув фаолияти соҳасига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ўрганилганда куйидаги йўналишларда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни, яъни, а) инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш; б) уюшган жиноятчиликка қарши кураш; в) терроризм ва экстремизмга қарши курашиш; г) қурол, ўқдори, портловчи моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш; д) гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш; е) шахсларни қидириш, ушлаб бериш ва экстрадиция масаласи; ё) ахборот хавфсизлиги; ж) фуқаролик, савдо, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам

кўрсатиш; з) жиноий жазолар ижро этишни таъминлаш; и) божхона соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниши маълум бўлди.

Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмун-моҳиятини куйида атрофлича таҳлил қиламиз.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш дунёдаги барча давлатлар учун энг долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, ушбу масалани ҳуқуқий тартибга солишга оид умумэтироф этилган халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги” (3-м); “Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўриниши тақиқланиши” (4-м); “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини ҳўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги” (5-м); “Ҳар бир инсон яққа ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги” (17-м)[3]; Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги” (6-м); “Ҳеч ким қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмаслиги” (7-м); “Ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади. Ҳеч ким эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак. Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим” (8-м); “Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ҳибсга олинган ҳар бир кишига ҳибсга олиш чоғида унинг ҳибсга олиниши сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган ҳар қандай айблов маълум қилиниши” (9-м); “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз деб саналиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир киши ўзига қўйилган ҳар қандай айблов кўриб чиқиляётганда тўлиқ тенглик асосида камида қуйидаги кафолатлар таъминланиши: ўзига қўйилган айблов хусусияти ва асослари ҳақида ўзи тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиш; ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш; асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишини судда кўриб чиқилиши; ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган ҳимоячи воситасида ҳимоя қилиниши; агар ҳимоячиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолда ўзига тайинланган ҳимоячига эга бўлиш, унга тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда ўзига ҳимоячининг текинга берилиши; ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар учун бўлган шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларнинг терговга чақирилиши ва сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш; агар судда қўлланиляётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлай олмаса бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш; ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслиги” (14-м); “Ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашшига, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сири дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга” (17-м)[4]; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда “Барча халқлар ўз мақсадларига эришмоқ учун ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эгалик қилиши, бунда ўзаро фойда принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирор-бир мажбуриятга зарар етмаслиги, ҳеч бир халқ ўзига тегишли бўлган тирикчилик воситаларидан ҳеч қачон маҳрум қилинмаслиги” (1-м) мазмунида умумэтироф этилган қоидаларнинг баён этилгани

ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлашга доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда энг асосий ҳуқуқий манба бўлиб, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор ходимлари хизмат фаолиятини қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамойиллари асосида ташкил этишини аниқлатади.

Иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўттиздан ортиқ давлатлар билан уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган бўлиб, ушбу ҳужжатларда ҳамкорликнинг йўналиши сифатида тезкор-қидирув фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ҳал этишга қаратилган 7 тадан 21 та жиноят турларига қарши курашишда иштирокчи давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиниши белгиланиб, ушбу жиноят турлари қуйидагилардан иборат: 1) шахсга (ҳаёти, соғлиғи, эрки ва кадр-қимматига) қарши; 2) мулкка қарши (очикдан-очик, яширин, алдаб, куч ишлатиб содир этиладиган) жиноятлар; 3) фоҳишабозликни билан боғлиқ жиноятлар; 4) одам савдоси; 5) трансплантация учун одам аъзолари ва тўқималари савдоси; 6) одамларни ўғирлаш, гаров тариқасида ушлаб туриш; 7) терроризм актлари; 8) уюшган жиноятчилик; 9) коррупциявий жиноятлар; 10) ноқонуний равишда қурол, ўқ-дори, портловчи ва заҳарли моддалар, шунингдек, радиоактив ашёлар ишлатиш; 11) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган моддаларни ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш; 12) экологик жиноятлар; 13) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар; 14) иқтисод соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан, валюта бойликлари билан қонунсиз операциялар, қонунсиз халқаро молиявий ва экспорт операциялари, жиноий фаолиятдан топилган даромадларни қонунлаштириш, сохта пул белгилари ва молиявий ҳужжатлар, қимматбаҳо қоғозлар ва бенақд тўлов воситалари яшаш ва ўтказиш; 15) автотранспорт воситаларини ўғирлаш; 16) қартабозлик ва тақиқланган қимор ўйинларини ўйнаш; 17) жиноий йўл билан олинган пул маблағларини қонунийлаштириш; 18) чегара орқали шахсларни ноқонуний олиб ўтиш; 19) контрабанда; 20) маданий ва тарихий бойликларга жиноий тажовуз қилиш; 21) ҳаракатланиш хавфсизлигига ва транспортдан фойдаланишга қарши жиноятлар. Давлатлар кесимида таҳлил қилинганида қуйидаги кўрсаткичлар: Украина – 12 та; Россия Федерацияси – 11 та; Грузия – 12 та; Германия – 14 та; Болгария – 10 та; Қирғизистон – 14 та; Молдова – 15 та; Озарбайжон – 16 та; Австрия – 7 та; Литва – 13 та; Латвия – 12 та; Қувайт – 7 та; Миср – 11 та; Беларусь – 13 та; Туркменистон – 12 та; Саудия Арабистон – 12 та; Бирлашган Араб Амирликлари – 13 та; Қозоғистон – 13 та; Кипр – 14 та; Тожикистон – 9 та; Испания – 14 та жиноят турлари бўйича Ўзбекистон Ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишда икки, кўп томонлама битимлар имзоланиб, ушбу ҳужжатда йигирмадан ортиқ жиноятлар юзасидан ахборотлар алмашишда “Давлатлараро ахборот банкига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати” шакллантирилди[5–12].

Таҳлилларга кўра, Беларусь, БАА, Қозоғистон, Кипр давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган ҳамкорлик битимларида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши сифатида белгилангани, кейинчалик 2018 йилда МДҲ давлатлари ўртасида “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш” бўйича битим имзоланганлиги, ушбу ҳужжатнинг 3-моддасида жиноий жазо келтириб чиқарувчи қуйидаги: а) қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш орқали ахборотни йўқ қилиш, блоклаш, ўзгартириш ёки нусха кўчириш, ахборот (компьютер) тизимини бузиш; б) зарарли дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ёки тарқатиш; в) компьютер тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида қонун билан қўриқланадиган компьютер маълумотларининг йўқ қилиниши, блоккланиши ёки ўзгартирилиши, башарти бу ҳаракатлар жиддий зарар ёки оғир оқибатларга олиб келган бўлса; г) компьютер тизимида қайта ишланган, электрон ташувчиларда сақланадиган ёки ахборот тармоқлари орқали узатиладиган маълумотларни ўзгартириш ёки компьютер тизимига нотўғри маълумотларни киритиш ёки қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларига

рухсатсиз кириш билан боғлиқ бўлган мулкни ўғирлаш; д) “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғи ёки бошқа электрон алоқа каналлари орқали вояга етмаган шахслар тасвири туширилган порнографик материаллар ёки порнографик хусусиятдаги предметни тарқатиш; е) ҳимояланган компьютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз киришни таъминлаш учун махсус дастурий таъминот ёки техник воситаларни сотиш ёки сотиш учун ишлаб чиқариш; ж) муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган компьютер тизимлари ва маълумотлар базалари дастурларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, шунингдек муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, башарти бу қилмиш сезиларли зарар етказган бўлса; з) “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғи ёки бошқа электрон алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда, белгиланган тартибда экстремистик деб топилган ёки террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёки терроризмни оқлашга чақириқларни ўз ичига олган материални тарқатиш кабилар жиноят сифатида белгиланиб, ҳозирги кунгача Германия, Болгария, Австрия, Қувайт, Миср, Саудия Арабистони, Кипр, Испания каби давлатлар билан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш юзасидан халқаро ҳужжатлар имзоланмаган. Бугун дунёда кибермаконда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш долзарб масалага айланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳужжатлар имзолаган барча давлатлар билан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда самарали ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бутун дунёда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлганлиги боис бир қанча давлатлар томонидан қабул қилинган терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид жами 14 та, шундан 9 таси Тожикистон; ШХТга аъзо давлатлар; Туркия; Хитой; Покистон; Вьетнам; Саудия Арабистони каби давлатлар билан икки томонлама, кўп томонлама битимлар имзоланиб, мазкур халқаро ҳужжатлар (битим, конвенция, шартномалар)нинг мазмун-моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда энг аввало асосий тушунчалар: “терроризм”, “сепаратизм”, “экстремизм”, “террористик акт”, “террористик ташкилот” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш; иккинчидан, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва шакллари сифатида “терроризмни молиялаштириш учун жиноий тушумлар ва маблағларни олиб қўйиш, мусодара қилиш, ахборот алмашишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш; учинчидан, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ишларини амалга ошириш; тўртинчидан, терроризм, экстремизм, сепаратизмга қарши курашишда давлатлар ўртасида амалий тажриба алмашишда конференциялар, семинар тренинглар таш-кил этиш каби ташкилий-ҳуқуқий масалалар тартибга солинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир[13–17]. Шунингдек, таҳлиллардан шуни маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикаси билан ушбу масалада ШХТга аъзо давлатлар, Туркия, Вьетнам, Саудия Арабистони каби давлатлар билан айнан терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар имзоланган. Жиноятчиликка қарши курашишда бутун дунёда терроризм ва экстремизмга қарши кураш муҳим масалалардан бўлгани боис, Ўзбекистон билан турли соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилаётган масалан, Венгрия, Жанубий Корея, Болгария, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Эрон, Беларусь, Мўғулистон, Озарбайжон, Арманистон, Непал, Камбоджа ва Шри-Ланка каби давлатлар билан айнан терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатларни қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини вазифаларини ҳал этишда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан қурол, ўқ-дори, портловчи моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш йўналишида хизмат фаолиятини амалга оширади[18–19]. Хусусан, ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси 4 та халқаро ҳужжатларни имзолаган бўлиб, ушбу ҳужжатларни моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, “қурол-яроғ”, “ўқ-дорилар”, “ўқотар қурол”, “портловчи”, “портловчи моддалар”, “портловчи қурилма”, “ўқотар қуролларнинг асосий таркибий қисмлари”, “қурол, ўқ-дорилар ва

портловчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи”, “қуролни ноқонуний ишлаб чиқариш”, “ноқонуний қурол савдоси”, “назорат остида етказиб бериш” каби тушунчалар мазмун-моҳиятини тушуниш; иккинчидан, қурол, ўқ-дорилар ҳамда портловчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши; учинчидан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик қилишни таъкидлаб ўтиш мумкин

Бешинчидан, ҳозирда бутун дунёда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлганлиги боис, жами 18 та шундан 3 таси конвенция, 1 та шартнома ва 14 та битимлар қабул қилиниб[20–23], уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш орқали биринчидан, томонлар ўртасида ҳамкорлик предмети ва шакллари ишлаб чиқилганлиги; иккинчидан, Россия, Хитой ва Афғонистон давлатлари билан тузилган битимларда энг самарали механизмларининг мавжудлиги; учинчидан, тезкор маълумотлар алмашишнинг турли шакллари мавжудлиги; тўртинчидан, “Назорат остида етказиб бериш” тезкор-қидирув тадбирини ўтказишнинг ҳукукий асослари мустаҳкамланган-лигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Олтинчидан, Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятининг суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиний жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидириш, таниб олинмаган мурдаларни, касаллиги ва ёши туфайли ўзи ҳақида маълумот бераолмайдиган шахсларни шахсини аниқлашда халқаро ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларга биноан қидирув ишлари амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида қидирув ишига оид ҳукукий масалаларни ҳал этишда жами 13 та, шундан 10 та шартнома ва 3 та битимлар имзоланган. Мазкур ҳужжатларнинг моҳиятини таҳлил қилиш асосида биринчидан, “шахсларнинг давлатлараро қидируви”, “суриштирув, тергов органларидан ёки даъво иши бўйича суддан яшириниб юрган шахс”, “жиний иши бўйича ҳукми ёки даъво бўйича суд қарорини ижро этишдан бўйин товлаётган шахс”, “бедарак йўқолган шахс”, “қариндошлари билан алоқани йўқотган шахс”, “ўз шахсини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этишга қодир бўлмаган шахс” каби тушунчаларнинг маъносини тушуниш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг Жиний-процессуал кодекси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормаларида ва Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатларида акс эттирилгани; иккинчидан, давлатлараро, халқаро қидирув ишларини амалга оширишда халқаро ҳужжатларнинг талаби асосида қидирув тадбирини ўтказиш билан боғлиқ процессуал ва непроцессуал чора-тадбирлари амалга оширилишини таъкидлаш мумкин[24–25].

Еттинчидан, Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини мақсади ва вазифаларини ижобий ҳал этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси билан Украина ва Қозғистон Республикалари ўртасида битимлар имзоланган бўлиб, Ушбу ҳужжатларни мазмун-моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, “Махфий”, “Мутлақо махфий”, “Ўта муҳим”, “Махфий ахборот”, “Махфий ахборот тарқатувчи”, “Махфийлик устхати”, “Махфий ахборотдан фойдаланиш”, “Махфий ахборотга кириш” каби асосий тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англаш[26–27]; иккинчидан, ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун нормаларида баён этилиши лозимдир.

Саккизинчидан, жинийчиликка самарали қарши курашишда ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятининг асосий ҳукукий асосларига фуқаролик, савдо, оилавий, жиний ишлар бўйича ҳукукий ёрдам кўрсатиш соҳасида халқаро ҳукукий ҳужжатларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Хусусан, мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси жами 19 та, шундан 1 та битим, 2 та конвенция, 16 та халқаро шартномалар қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, халқаро ҳужжатлар асосида сўров, илтимоснома ва топшириқлар расмийлаштириш орқали шахслар, ашё, буюмларни қабул қилиш, топшириш[28]; иккинчидан, қидирувда юрган шахсларни ушлаш ва экстрадиция

масалаларининг тартиб қоидалари белгиланганлиги; учинчидан, эркин муомаласи тақиқланган ашё ва предметларни назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбирини ўтказишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланганини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Тўққизинчидан, Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятидаги муҳим вазифалардан бири жиноий жазодан бўйин товлайётган шахсларни жазони ижро этилишини таъминлашдир. Ушбу масалада ҳам халқаро ҳуж-жатлар қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси 4 та шартномаларни қабул қилган[29]. Мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, маҳкумларни юртига юбориш бўйича Ўзбекистон билан Грузия, Озарбайжон, Туркменистон ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида шартномалар имзолангани; иккинчидан, ушбу шартномаларнинг талабига биноан маҳкумларни ўз юртига юбориш ёки юборилмаслиги; учинчидан, шартномаларни қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад қонунийлик; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги принциплари, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорликга таянган ҳолда шахсни жазони ижро этилишини таъминлашдан иборатлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўнинчидан, Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятидаги мақсад ва вазифаларга эришиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда ички ва ташқи ҳамкорлик ҳамкорлик масаласи муҳим ҳисоланиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳисобланган Ички ишлар вазирлиги билан Давлат божхона қўмитасининг тезкор бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликни ҳам ички, ҳам ташқи ҳамкорликка мисол келтириш мумкин[30]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан Словакия, Финляндия, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида битимлар имзоланган, мазкур битимларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш асосида биринчидан, божхона соҳасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган энг асосий тушанчаларга таърифларнинг ишлаб чиқилганлиги; иккинчидан, Иордания ва БАА билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимлар мазмунида назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбири ҳақида қоидалар акс этмаганлиги, ҳуқуқий жиҳатдан бўшлиқлар борлигини кўрсатмоқда. Фикримизча, Иордания, БАА билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимлар мазмунига “Алоҳида эътибор қаратиладиган товарларни назорат остида етказиб бериш” номли янги нормани киритиш орқали, назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбирини ўтказилишининг конкрет ҳуқуқий механизмларини очиб берилишига, ички ишлар ва божхона органлари тезкор бўлинмалари ўртасида ички, ташқи ҳамкорликни самарали амалга оширишда муҳим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлардан бири бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солишчи жами 114 та шундан, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таснифланиши бўйича: 1 таси ёки 0,9 фоизи декларация; 2 таси ёки 1,8 фоизи пакт; 2 таси ёки 1,8 фоизи баённома; 2 таси ёки 1,7 фоизи келишув; 15 таси ёки 13,2 фоизи конвенция; 37 таси ёки 32,4 фоизи шартнома; 55 таси 48,2 фоизи битимлар; халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг соҳаларига кўра: 5 таси ёки 4,3 фоизи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир; 31 таси ёки 27,4 фоизи уюшган жиноятчиликка; 14 таси ёки 12,3 фоизи терроризм, экстремизмга; 4 таси ёки 3,6 фоизи қурол, ўқ-дори, портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига; 18 таси ёки 15,7 фоизи гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш; 13 таси ёки 11,3 фоиз шахсларни қидириш, ушлаб бериш ва экстрадиция масалалари; 2 таси ёки 1,7 фоизи ахборот хавфсизлиги; 19 таси ёки 16,6 фоизи фуқаролик, савдо, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; 4 таси ёки 3,6 фоизи жиноий жазолар ижро этилишини таъминлаш; 4 таси ёки 3,5 фоизи божхона соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли бўлиб, ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини атрофлича таҳлил қилиш асосида **қуйидагилар таклиф ва тавсия сифатида билдирилади:**

ҳозирги кунда республикаимиз ҳудудида кибержиноятларга қарши курашиш масаласи энг долзарб муаммоларидан бири бўлганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, жаҳонда ривожланган хусусан, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Германия, Болгария, Австрия,

Қувайт, Миср, Саудия Арабистони, Кипр ва Испания давлатлари билан “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим” мазмунидаги халқаро ҳужжатларни қабул қилиниши, шунингдек, ўрганилган 114 та халқаро ҳужжатларни 55 таси ёки 48,2 фоизи уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларни ташкил этганлигини инобатга олиб, илғор хориж тажрибасига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш;

терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид 14 та халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидаги асосий атамаларни баъзилари масалан, “террористик акт”, “сепаратизм” кабиларни миллий қонунчилик нормаларига қуйидагича: “террористик акт” — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ҳукумат органлари ёки халқаро ташкилотлар томонидан қарор қабул қилинишига таъсир ўтказиш, шунингдек кўрсатилган ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш йўли билан катта миқдорда бойликларга зарар етказиш ёки экологик фожаия юз бериши ёки бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқаришга қаратилган, аҳолини кўрқитиш билан боғлиқ ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи қилмиш; “сепаратизм” — давлатнинг ҳудудий яхлитлигини бузишга, шу жумладан унинг ҳудудидан бир қисмини ажратиб олишга ёки давлатни дезинтеграциялаш қаратилган, зўравонлик йўли билан содир этиладиган, шунингдек бундай қилмишни режалаштириш ва тайёрлаш, уни содир этишга кўмаклашиши, унга ундаш ва қонунчиликка мувофиқ жиноий тартибда тақиб қилинадиган бирор бир қилмиш” мазмунида асосий тушунчалар сифатида киритиш лозим. Боиси, муайян ҳаракатларни амалга оширишда, масалан, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда энг аввало, ушбу йўналишга тааллуқли бўлган асосий тушунчаларни мазмун-моҳиятини билиш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, ушбу йўналишда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларнинг ташқи ҳамкорлик масаласини янада мустаҳкамлашда Венгрия, Жанубий Корея, Болгария, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Эрон, Беларусь, Мўғулистон, Озарбайжон, Арманистон, Непал, Камбоджа ва Шри-Ланка каби давлатлар билан терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатларни қабул қилиш;

қуrol, ўқ-дори, портловчи моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш йўналишида 4 та халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидаги асосий атамаларнинг айримларини масалан, “қуrol” — ўқ билан масофадан нишонга механик зарба беришга мўлжалланган ствол қурурида кўзғатувчи заряднинг ёниши натижасида ҳосил бўладиган газлар ҳисобига йўналтирилган ҳаракатни қабул қилувчи буюмлар ва қурилмалар, шунингдек уларнинг асосий қисмлари; “назорат остида етказиб бериш” — ваколатли органларнинг тезкор бўлинмаларининг назорати остида ўқотар қуrol, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни бир ёки бир неча ҳудудлар орқали олиб ўтиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири” мазмунида Ўзбекистон Республикасининг “Қуrol тўғрисида”ги қонунига асосий тушунча сифатида киритиш;

ғиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши қарши курашга оид халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидаги айрим қоидаларни масалан, “назорат остида етказиб бериш” — ваколатли органларнинг тезкор бўлинмаларининг назорати остида ғиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини бир ёки бир неча ҳудудлар орқали олиб ўтиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири” мазмунида Ўзбекистон Республикасининг “Ғиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида”ги қонунига асосий тушунча сифатида киритиш;

ахборот хавфсизлиги соҳасидаги 2 та халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва илғор хорижий давлатлар қонунчилигининг таҳлили асосида янги таҳрирда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш;

жиноий жазолар ижро этилишини таъминлаш соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия

кодексларига, шунингдек, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига ҳамда Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритиш;

божхона соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришда Иордания ва БААлари билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимлар мазмунига “Алоҳида эътибор қаратиладиган товарларни назорат остида етказиб бериш” номли янги нормани киритиш; Ўзбекистон Республикасини Божхона тўғрисидаги кодексига қуйидаги: “Алоҳида эътибор қаратиладиган товарларни назорат остида етказиб бериш – тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ваколатли органларнинг тезкор бўлинмалари назорати остида гиёҳвандлик воситаси, психотроп моддалар ва прекурсорлар; куроллар, ўқдорилар, портловчи ва ядровий материаллар, шунингдек, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги учун хавфли бўлган ашёлар; маданий объектлар ёки тарихий, археологик жиҳатдан аҳамиятга молик санъат асарлари; юқори ставкадаги божхона божи ва солиқларга тортиладиган товарлар; қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмлар; банкнотлар, тангалар ва ҳисоб-китоб инструментлари; динга қарши, порнографик ва бузғунчилик руҳидаги адабиётлар; интеллектуал мулк ҳуқуқларига дахлдор сохталаштирилган, ўхшатирилган ёки контрафакт товарлар; йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турларини бир ёки бир неча ҳудудлар орқали олиб ўтиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири” мазмунида баён этиш лозим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича таҳлил қилиниши, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд ҳуқуқий жиҳатдан бўшлиқларни тўлдиришга доир нормаларни ишлаб чиқишига ва хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Бобомуродов Ф.Б. Терроризм ва экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари таҳлили /Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2022.–7-жилд, 4-сон Б.74. (Bobomurodov F.B. Analysis of the legal basis for the fight against terrorism and extremism /Journal of legal research. – 2022.-Volume 7, volume 4 P.74.)
2. Бобомуродов Ф.Б. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари таҳлили /Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2022.– 2-махсус сони Б.55. (Bobomurodov F.B. Analysis of the legal basis for the fight against the illegal circulation of narcotic drugs and Psychotropic Substances /Journal of legal research. – 2022.- 2-special number P.55.)
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти: 17.10.2022. (The Universal Declaration of human rights was adopted and promulgated on December 10, 1948, with the resolution 217 A (III) of the United Nations General Assembly. The Republic of Uzbekistan ratified on September 30, 1991 // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time: 17.10.2022.)
4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт 1966 йил 12 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрда кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти: 17.10.2022. (The International Covenant on civil and political rights was adopted on December 12, 1966 (entered into force for the Republic of Uzbekistan on December 28, 1995) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time: 17.10.2022.)
5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Украина Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим 1995 йил 20 июнь, Тошкент (1995 йил 20 июндан кучга кирди) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**

- гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of Ukraine on cooperation in the fight against crime June 20, 1995 Tashkent (entered into force on June 20, 1995) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time: 17.10.2022.)
6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим 1995 йил 27 июль, Тошкент (1995 йил 27 июлдан кучга кирди)// Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the government of the Russian Federation on cooperation in the fight against crime July 27, 1995 Tashkent (entered into force on July 27, 1995) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
 7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Грузия Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим 1995 йил 4 сентябрь, Тошкент (1995 йил 4 сентябрдан кучга кирди)// Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Republic of Georgia on cooperation in the fight against crime September 4, 1995 Tashkent (entered into force on September 4, 1995) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
 8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавф-хатарлар туғдирувчи жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида шартнома Бонн, 16 ноябр 1995 йил (Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 3 ноябрда кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the government of the Federal Republic of Germany on cooperation in the fight against organized crime, terrorism and other risks Bonn, November 16, 1995 (entered into force for the Republic of Uzbekistan on November 3, 1997) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
 9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида битим 1999 йил 7 май, Тошкент (1999 йил 26 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Republic Of Bulgaria on cooperation in the fight against crime may 7, 1999 Tashkent (entered into force on September 26, 1999) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
 10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим 1999 йил 9 июль, Тошкент (2000 йил 4 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Kyrgyz Republic on cooperation in the fight against crime July 9, 1999 Tashkent (entered into force on December 4, 2000) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
 11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Молдова Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим 2000 йил 19 декабрь, Кишинёв (2001 йил 15 майдан кучга кирган)// Электрон манба: <http://www.lex.uz>. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** мурожаат вақти:17.10.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the government of the Republic of Moldova on cooperation in the fight against crime December 19, 2000, Chisinau (entered into force on May 15, 2001) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
 12. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг ҳамкорлик тўғрисидаги битим Душанбе, 2018 йил 28 сентябр (Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 12 мартдан кучга киради) //

- Электрон манба: <http://www.lex.uz>. contact time:17.10.2022.).
13. Ёлланма жангчиларни ёллаш, фойдаланиш, молиялаштириш ва ўқитишга қарши курашиш тўғрисида халқаро конвенция Нью-Йорк, 4 декабр, 1989 йил (Ўзбекистон Республикасида 2001 йил 20 октябрдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:11.11.2022. (International Convention to combat Recruitment, Use, Financing and training of mercenaries in New York, December 4, 1989 (effective October 20, 2001 in the Republic of Uzbekistan) / / electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
14. Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида халқаро конвенция 1999 йил 9-июл, Нью-Йорк (Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 10 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:11.11.2022. (International Convention on the fight against terrorism financing July 9, 1999, New York (The Republic of Uzbekistan entered into force on April 10, 2002) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
15. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида Шанхай конвенцияси 2001 йил 15 июнь (Ўзбекистон Республикаси учун 2003 йил 29 мартда кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:11.11.2022. (Shanghai convention on the fight against terrorism, separatism and extremism June 15, 2001 (entered into force for the Republic of Uzbekistan on March 29, 2003) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
16. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенцияси 2009 йил 16 июнь, Екатеринбург (Ўзбекистон Республикаси учун 2012 йил 15 февралдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:11.11.2022. (Shanghai Cooperation Organization Convention Against Terrorism June 16, 2009, Yekaterinburg (entered into force for the Republic of Uzbekistan from February 15, 2012) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
17. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг жиноий даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида шартномаси Душанбе, 2007 йил 5 октябрь, (Ўзбекистон Республикасида 26 декабрь 2012 йилдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:11.11.2022. (Agreement of the states of the Commonwealth of Independent States on the legalization (laundering) of criminal income and the fight against terrorism financing Dushanbe, October 5, 2007, (entered into force in the Republic of Uzbekistan from December 26, 2012) / / electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
18. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари ўртасида қурол, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида шартнома Душанбе, 2008 йил 28 август (Ўзбекистон Республикасида 2010 йил 3 майдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:11.11.2022. (Agreement on cooperation between the governments of the member states of the Shanghai Cooperation Organization in the fight against illegal turnover of weapons, ammunition and Explosives Dushanbe, August 28, 2008 (entered into force in the Republic of Uzbekistan on May 3, 2010) / / electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
19. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларнинг ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва қурилмаларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ва айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида шартнома (Ўзбекистон Республикаси учун 2010 йил 11 августда кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый**

- объект гиперссылки..мурожаат вақти:11.11.2022.** (The Commonwealth of Independent States is an agreement on cooperation in Kursh against the illegal production and circulation of firearms, ammunition, explosives and devices of the participating states (entered into force for the Republic of Uzbekistan on August 11, 2010) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
20. Психотроп моддалар тўғрисида конвенция 1971 йил 21 феврал, Вена (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 10 октябрдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:11.11.2022.** (Convention on Psychotropic Substances February 21, 1971 Vienna (effective October 10, 1995 for the Republic of Uzbekistan) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
 21. Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида ягона конвенция 1961 йил 30 март, Нью-Йорк (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 23 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:11.11.2022.** (The unified Convention on Narcotic Drugs entered into force on March 30, 1961, New York (for the Republic of Uzbekistan from September 23, 1995) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:11.11.2022.).
 22. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларини ноқонуний айланишига қарши ҳамкорлик тўғрисида битим Тошкент, 2004 йил 17 июн (Ўзбекистон Республикасида 2007 йил 16 августда кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:12.11.2022.** (Agreement on cooperation between the member states of the Shanghai Cooperation Organization against illegal circulation of Narcotic Drugs, Psychotropic Substances and precursors Tashkent, June 17, 2004 (entered into force in the Republic of Uzbekistan on August 16, 2007) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:12.11.2022.).
 23. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлари намуналарини ўтказиш тартиби тўғрисида (МДХ доирасида) битим Санкт-Петербург, 2011 йил 18 октябрь (Ўзбекистон Республикасида 2012 йил 20 августдан кучга кирди) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:12.11.2022.** (Agreement on the procedure for conducting samples of Narcotic Drugs, Psychotropic Substances and precursors (within the CIS) St. Petersburg, October 18, 2011 (entered into force in Uzbekistan from August 20, 2012) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:12.11.2022.).
 24. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларнинг вояга эتماганларнинг доимий яшаш жойидаги давлатларига қайтиши масалаларида ҳамкорлиги тўғрисида шартнома Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь (2007 йил 24 январда кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:12.11.2022.** (The Commonwealth of independent states agreement on the cooperation of the participating states on the issues of Return of minors to their states at the place of permanent residence Chisinau, October 7, 2002 (entered into force on January 24, 2007) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:12.11.2022.).
 25. Фуқаролик, оилавий ва жинойт ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва унинг ҳуқуқий муносабатлари ҳақида конвенция 1993 йил 22 январь, Минск (Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 19 майдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:12.11.2022.** (Convention on legal assistance in civil, family and criminal cases and its legal relations January 22, 1993, Minsk (entered into force for the Republic of Uzbekistan May 19, 1994) // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time:12.11.2022.).
 26. Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида Гаага конвенцияси 1980 йил 25 октябрь, Гаага конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси учун 1999 йил 1 августдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..мурожаат вақти:12.11.2022.** (Hague Convention on

- the Civil Aspects of the abduction of children to other countries October 25, 1980, Hague Convention (effective August 1, 1999 for the Republic of Uzbekistan) / / electronic Source: [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz). contact time:12.11.2022.).
27. Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасида ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ўзлари фуқаролари бўлган давлатда ўташлари учун ўтказиш тўғрисида шартнома 1996 йил 28 май, Тбилиси (Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 23 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**мурожаат вақти:13.11.2022. (The agreement between the Republic of Uzbekistan and Georgia on the transfer of punishment for persons convicted in the state in which they are citizens may 28, 1996, Tbilisi (entered into force for the Republic of Uzbekistan from April 23, 1997) / / electronic Source: [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz). contact time:13.11.2022.).
 28. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Финляндия Республикаси Ҳукумати ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро кўмаклашиш тўғрисида битим 2008 йил 28 март, Тошкент (2009 йил 19 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** муурожаат вақти:13.11.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Republic of Finland on mutual assistance in the field of customs affairs March 28, 2008 in Tashkent (entered into force on September 19, 2009) // electronic Source: [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz). contact time:13.11.2022.).
 29. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Қиролиги Ҳукумати ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисида битим 2011 йил 30 март, Тошкент (2011 йил 1 июлдан кучга кирган) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** муурожаат вақти:13.11.2022. (Agreement on mutual assistance in the field of customs affairs between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Hashemite Kingdom of Jordan March 30, 2011 in Tashkent (entered into force on July 1, 2011) // Electronic Source: [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz). contact time:13.11.2022.).
 30. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида битим 2019 йил 25 март, Абу-Даби (Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 14 октябрдан кучга киради) // Электрон манба:**Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..** муурожаат вақти:13.11.2022. (Agreement between the government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the United Arab Emirates on cooperation and mutual assistance in customs affairs March 25, 2019 Abu Dhabi (effective October 14, 2020 for the Republic of Uzbekistan) / / electronic Source: [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz). contact time:13.11.2022.)



Дусманов Санджар Абдужалолович,
Судьялар олий мактаби
мустақил изланувчиси
E-mail: sandus0802@gmail.com

МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ

For citation: Dusmanov Sandjar Abdujalolovich. PRODUCTION IN A SIMPLIFIED MANNER IN THE CRIMINAL PROCESS OF THE CIS COUNTRIES. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақола жиноят-процессуал иш юритуви шакллари дифференциация қилишнинг моддий ва процессуал мезонларини аниқлашга қаратилган. Жиноят ишлари бўйича соддалаштирилган шаклнинг ҳуқуқий зарурияти очиқ берилган ва илмий асосланган. Муаллиф, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эҳтиёжларига мос келадиган ва жиноят суд ишларини юритишга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берувчи соддалаштирилган иш юритувининг янги шаклини жорий қилишни таклиф қилган.

Калит сўзлар: ноқонуний ҳаракатлар, реабилитация, зиённи қоплаш, ҳуқуқларни тиклаш, жиноят процесси.

Дусманов Санджар Абдужалолович,
Самостоятельный соискатель
Высшей школы судей
E-mail: sandus0802@gmail.com

ПРОИЗВОДСТВО В УПРОЩЕННОМ ПОРЯДКЕ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ СТРАН СНГ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена определению материальных и процессуальных критериев дифференциации формы уголовно-процессуальных производств. Выявлена и обоснована необходимость упрощенных производств по уголовным делам. Автор предлагает внедрить новую модель упрощенного производства, которая бы отвечала потребностям правоприменительной практики и позволяла в полной мере обеспечить защиту прав и законных интересов лиц, вовлеченных в уголовное судопроизводство.

Ключевые слова: уголовно-процессуальные производства, дифференциация процессуальной формы, упрощенное производство.

Dusmanov Sandjar Abdujalolovich,
Independent Researcher at the
Higher School of Judges
E-mail: sandus0802@gmail.com

PRODUCTION IN A SIMPLIFIED MANNER IN THE CRIMINAL PROCESS OF THE CIS COUNTRIES

ANNOTATION

The article specifies the material and procedural criteria which differentiate the forms of the criminal proceedings. Revealed and substantiated the need for simplified proceedings in criminal cases. The author proposes to introduce a new model of simplified procedure, which would meet the needs of law enforcement practice and would fully ensure the protection of the rights and legitimate interests of persons involved in criminal proceedings.

Keywords: Criminal proceedings, differentiation of the procedural form, simplified proceedings

Аксарият МДХ давлатларида кўп йиллар мобайнида, айбига иқдорлик исботлаш предмети доирасини торайтириш, дастлабки тергов ва суд терговини қисқартиришга асос бўлмаслиги умумэътироф этилган эди. ЖПК 113-моддасига кўра гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим. Яъни иқдорлик ишни муҳокама қилиш предмети қисқартириш учун мезон бўлмайди. Бу албатта иқдорликни нотўғри баҳоласхавфи билан боғлиқ бўлган. Муқаддам ягона ҳуқуқий тизим ва процессуал доктринага асосланган МДХ давлатларида процессуал келишув институтини қўллаш айнан қандай шаклда татбиқ қилинганлиги ва қандай натижаларга эришилганлигини ўрганиш шубҳасиз муҳим аҳамиятга эга.

Россия Федерациясида жиноят ишлари юритувининг бир неча соддалаштирилган шакллари шу жумладан, суриштирув, соддалаштирилган суриштирув ва процессуал келишувлар, 2009 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий қилинган.

Процессуал келишувнинг асосий шакли бўлган, ЖПКнинг 40-бобида кўзда тутилган алоҳида тартибда иш юритиш айбланувчининг процессуал ҳуқуқи бўлиб, мазкур тартибни айбланувчи айбига иқдор бўлган ва судга алоҳида тартибда ишни кўриш ҳақида ариза берган ҳолларда қўллаш мумкин бўлади. Айбловга розилик, қилмишнинг фактик ҳолатлари, айб шакли, мотиви, квалификация, етказилган зарар хажми ва миқдорига розиликни англатади. Бироқ кейинчалик ЖПКда кўзда тутилмаган бўлсада РФ Олий суди томонидан вояга етмаганларга нисбатан мазкур институт қўлланмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Россия Федерациясида ишни Кодекснинг 40-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқишнинг 5 та шартини белгиланган бўлиб, объектив шартлар вояга етганлар томонидан содир этилган, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган ишларга нисбатан қўлланиши, давлат айбловчиси ва жабрланувчисининг, хусусий айблов ҳақида ишлар бўйича хусусий айбловчининг розилиги, айбланувчининг илтимоснома киритилгунга қадар ҳимоячиси билан маслаҳатлашуви, шунингдек илтимоснома киритилишида ҳимоячининг қатнашувидан, субъектив шартлар айбга ихтиёрий иқдорлик ва илтимосноманинг ихтиёрийлиги, айбланувчининг илтимоснома мазмуни ва оқибатларини англаб етишини назарда тутди. Юқоридаги барча шартлар мавжуд бўлгандаги суд ишни алоҳида тартибда кўриб чиқиши мумкин бўлиб, улардан биттаси мавжуд бўлмаганида ҳам иш умумий тартибда кўриб чиқилади.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлиб, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши суд учун мажбурий эмас. Агар суд ҳимоячидан воз кечиш ҳақида илтимосномани қаноатлантирса, иш алоҳида тартибда кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Айбланувчининг ишни алоҳида тартибда муҳокама қилиш ҳақида илтимосномаси дастлабки тергов тамомланиб, жиноят иши материаллари билан таништирилгандан сўнг ёки дастлабки муҳокама вақтида берилиши мумкин, бўлиб мазкур ҳуқуқ суриштирувчи ёки терговчи томонидан тушунтирилиши шарт. Агар суд муҳокамаси жараёнида мазкур ҳуқуқ тушунтирилмагани аниқланса иш прокурорга қайтарилади.

Суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи, давлат ёки хусусий айбловчининг иштироки шарт.

Бевосита суд тергови ўтказилмасада, судья жиноят ишидаги айбланувчининг айбини исботловчи далилларни текшириши шарт. Бироқ, суд тарафларнинг илтимосномаси ёки ўз ташаббусига кўра жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни текшириш мақсадида айбланувчининг шахсига оид маълумотларни ўрганиши мумкин.

Ишни кўришда суд терговидан ташқари одатий суд муҳокамасининг барча босқичлари (суд мажлисининг тайёрлов қисми, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи, ҳукм) ўтказилади.

Ишни кўриш илтимосномани ўқиб эшиттиришдан эмас, айблов ҳулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади. Шундан сўнг судья судланувчидан ва бошқа иштирокчилардан айбловнинг моҳияти унга тушунарли эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини, суд тергови ўтказмасдан ишни кўришга муносабатини сўрайди.

Ишни кўриш айблов ҳукми чиқариш билан якунланади. Судланувчи учун асосий имтиёз у айбланаётган моддада белгиланган энг оғир жазонинг 2/3 қисмидан оғир жазо берилмаслиги ва ундан процессуал чиқимларни ундирилмаслигида ўз ифодасини топади. Алоҳида тартибда қабул қилинган ҳукмнинг яна бир ўзига хос жиҳати, ҳукм бошқа ишлар учун преюдицион аҳамиятга эга эмас. Бошқача айтганда мазкур ҳукмдаги ҳолатлар бошқа жиноят ишлари бўйича далилий аҳамиятга эга эмас, сабаби мазкур ҳолатлар суд тергови ўтказиш йўли билан аниқланмаган.

Алоҳида тартибда қабул қилинган ҳукм устидан апелляция, кассация, назорат тартибда шикоят берилиши мумкин. Бироқ, шикоят бериш асослари табиийки, чекланган. Масалан, ҳукм устидан ишнинг фактик ҳолатлари бўйича шикоят қилиш мумкин эмас.

Алоҳида тартибда ишни кўриш натижаси юзасидан оқлов ҳукми чиқариш мумкин эмас, сабаби суд тергови ўтказилмаган ва давлат айбловчига исботлаш имкони берилмаган. Судланувчининг айби бошқа далиллар мажмуаси билан тасдиқланмаган ҳолларда умумий тартибда суд мажлиси тайинланиши, тарафларга барча процессуал имкониятлар берилиши, шундан сўнггина оқлов ҳукми чиқариш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ шу билан бирга алоҳида тартибда ишни кўриб чиқиш ишни тугатиш билан ҳам якунланиши мумкин (амнистия акти, жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетиши, давлат айбловчисининг айбловдан воз кечиши асослари бўйича). Мазкур институтни қўллаш кўрсаткичлари дастлаб у қадар катта бўлмаган бўлса, сўнгги вақтларда Россия Федерациясининг турли ҳудудларида 60%дан 85%га қадар ишлар мазкур тартибда кўриб чиқиляётгани танқидий баҳоланмоқда ва “алоҳида тартиб”нинг “умумий тартиб”га айланиши жиноят процессининг асосий принципларига зидлиги таъкидланмоқда.

Суд ишини юритишнинг шаклини жиноий таъкиб остидаги шахснинг ўзи томонидан танланиши ҳақида қоида эълон қилинганлигига қарамасдан, амалиётда РФ ЖПКнинг 40-моддасида белгиланган тартибда далилларни текширмасдан жиноят ишини кўриб чиқиш ташаббускори аксарият ҳолларда (тахминан 80%) қонун талаби бўйича айбланувчи (судланувчи)ни фош қилиш учун етарли далиллар тўплаши лозим бўлган дастлабки тергов (суриштирув)ни амалга ошираётган шахс бўлади [1].

Статистик маълумотларга кўра, Россия Федерациясида 2019 йилда жами 579 853 та иш кўриб тамомланган бўлса, шундан 431.292 та жиноят иши яъни жами кўрилган ишларнинг 74% айбланувчи эълон қилинган айбловга розилиги сабабли кўриб чиқилган. 2019 йилда судга иш юритишда ҳамкорлик ҳақида келишув тузилганлиги муносабати билан 3.319 та жиноят иши кўриб чиқилган [2].

Россия Федерациясида жиноят ишларини алоҳида тартибда кўриб чиқиш ҳақида илтимоснома билан судга келиб тушган ишларни кўришда қуйидаги муаммоларни қайд этиш мумкин:

судлар томонидан дастлабки тергов органлари томонидан йўл қўйилган жиноят-процессуал қонун нормалари жиддий бузилиши ҳолатларига кўз юмиш;

далиллар етарли бўлмаган ҳолларда айблов томони жиноят иши бўйича айбланувчиларни алоҳида тартибга оғдиришга ҳаракат қилиши;

айбланувчилар томонидан жиноят ишини алоҳида тартибда кўриб чиқиш ҳақида илтимоснома бериш сабаби кўп ҳолларда одил судловнинг адолатли эканлигига ишонч йўқлиги, бундай ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилганлар унда аниқланган ҳолатларнинг ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан унчалик ҳам қонуний бўлмаган ҳукм ўрнига бўлса ҳам қилмиши учун енгилроқ жазо олиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқади[3].

АҚШда “cooperation agreement” деб номланадиган судга қадар ҳамкорлик келишуви фақатгина прокурор ва айбланувчи ўртасида келишувни легализация қилса РФда 2009 йил 29 июндан ЖПКга 40¹-модда билан киритилган мазкур тартиб кенгроқ маънода қўлланилади.

А.С.Шаталов эътироф этганидек ҳамкорлик ҳақида келишув аввалбошдан оммавий қўлаш учун мўлжалланмаган бўлсада, жиноятчиликнинг уюшган шакллариға қарши курашда таъсирчан чора бўлишга лойиқдир[4].

Мазкур институт умумпроцессуал бўлмасдан фақат айрим тоифадаги ишлар бўйича ўта хавфли жиноятлар бўйича, исботлаш ва жиноятни очишда ёрдам бериши кўзда тутилган. Келишув, тергов билан ҳамкорлик қилган айбланувчиларға қонунда белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Яъни судга қадар ҳамкорлик келишуви суд муҳокамасини тезлаштиришға ёрдам бериш билан бирга, ўта оғир жиноятларни очиш ва исботлашда ёрдам беради.

Ушбу қонунға тушунтириш хатида қайд этилганидек буюртма қотиллик, бандитизм, наркожиноятлар, коррупция кўринишларини фoш этиш ва тергов қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларға уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма аъзолари бўлган шахсларни, уларға жиноий жазоларни жиддий қамайтириш, жабрланувчи, гувоҳлар ва жиноят суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига давлат ҳимояси чораларини татбиқ қилиш орқали ҳамкорликка жалб қилиш муҳимдир.

Ҳамкорлик ҳақида келишув мўйян тоифадаги жиноятлар ёки дастлабки терговнинг шакли(суриштирув ёки дастлабки тергов) билан чекланмаган, фақатгина жиноятнинг бир шахс эмас бир неча шахслар томонидан содир этилган бўлиши шарт қилиб қўйилган.

Шу билан бирга, мазкур тартиб, вояға етмаганларға нисбатан қўлланмайди, вояға етмаганлар жиноятни очиш, жиноий шерикларини фoш қилишда ёрдам берганлиги ишни умумий тартибда кўриш жараёнида, жазо тайинлашда инобатға олинади.

Мазкур тартибда иш юритиш айбланувчининг прокурор номиға ҳамкорлик қилиш ҳақида илтимоснома беришидан бошланади. Бунда ҳимоячининг қатнашиши шарт бўлиб, жиноят иши кўзғатилгандан дастлабки тергов якуниға қадар илтимоснома берилиши мумкин.

Бунда айбланувчининг фақат ўзига нисбатан жиноят иши эмас, бошқа жиноят ишлари ва тезкор-қидирув тадбирлари, қидирилаётган шахс, жиноий йўл билан топилган мулк, уюшган гуруҳ ва унинг раҳбарлари ҳақида маълумотлар олинishi мумкин.

Илтимоснома терговчиға берилганида у прокурорға келишув тузиш ҳақида илтимоснома кўзғатиш ёки илтимосномани рад қилиш ҳақида қарор чиқаради. Яъни бунда терговчи шахснинг манфаатидан эмас, тергов манфаатларидан келиб чиқади. (агар айбланувчи берадиган маълумотлар ҳеч қандай қимматға эға бўлмаса рад қилинади).

Прокурор 3 сутка ичида илтимосномани кўриб чиқиб қаноатлантириш ёки рад қилиш ҳақида қарор чиқаради. Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2010 йил 15 мартдаги 107-сонли “Тумон қилинувчи(айбланувчи) билан жиноят ишлари бўйича судға қадар ҳамкорлик ҳақида келишув тузишда прокурорнинг ваколатларини амалға оширишни ташкил қилиш ҳақида” буйруғига асосан прокурор илтимосномани қаноатлантирган ҳолда, терговчи,

айбланувчи ва ҳимоячи иштирокида келишув тузилади. Бунда жабрланувчи қатнашмайди ва унинг манфаатлари ҳисобга олинмайди, сабаби битим тергов манфаатларида тузилади.

Келишув тузилган ҳолда, айбланувчига нисбатан иш алоҳида иш юритувида ажратилиши мумкин. Терговчи жиноят ишини айблов ҳулосаси билан прокурорга юборади. Прокурор айбланувчи ўз мажбуриятларини бажарган деган ҳулосага келса, ишни алоҳида тартибда кўриш учун тақдимнома билан судга юборади. Агар айбланувчи ўз мажбуриятини бажармаган деган ҳулосага келса, келишув шартини ўзгартириш ёки келишувни тугатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Агар дастлабки суд муҳокамаси ўтказилса судья ишни алоҳида тартибда ёки айбланувчи ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса умумий тартибда кўриш ҳақида қарор қабул қилади.

Судга қадар ҳамкорлик ҳақида келишув бўйича ишни кўриб чиқиш айбига иқдорлик ҳақида келишувдан 3 жиҳати билан фарқ қилади.

1. Судга қадар ҳамкорлик келишуви бўйича ишни кўриш учун жабрланувчининг розилиги талаб қилинмайди.

2. Судланувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин.

3. Суд тергови ўтказилмасада, судланувчининг ҳақиқатда жиноятни очишга ёрдам берганлигини текширилади (исботлашнинг махсус предмети).

Россия Федерациясида ҳамкорлик ҳақида келишувда марказий ўринни прокурор эгаллайди ва у дискрецион ваколатлари орқали оммавий мафаатларни ҳимоя қилади, айнан у келишув шартлари бажарилганлигини судда тасдиқлаш ваколатига эга.

Суд ишни кўриш алоҳида тартибда кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1. Айблов ҳукми (жазо максимал жазонинг ярмидан, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган ҳолда 2/3 қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас, енгилроқ жазо тайинлаши ёки жазодан озод қилиши ҳам мумкин);

2. Келишув шартлари бажарилмаганлиги сабабли ишни умумий тартибда кўриш ҳақида;

3. Ишни прокурорга қайтариш ҳақида;

4. Ишни тугатиш ҳақида (амнистия, муддат ўтиши сабабли).

Айблов ҳукми преюдицион кучга эга эмас (ажратилган жиноят иши бўйича ҳукм, асосий жиноят ишига таъсир қилмайди).

Ҳукм устидан ишнинг фактик ҳолатлари бўйича шикоят берилиши мумкин эмас. Бироқ судланувчи терговни чалғитган муайян фактларни яширган бўлса, кассация, назорат ёки янги очилган ҳолатлар тартибида кўрилиши мумкин.

Судга қадар ҳамкорлик ҳақида келишуви юзасидан АҚШ ва Россия Федерацияси моделининг қиёсий таҳлили натижада қуйидаги ҳулосага келишимиз мумкин:

- АҚШда келишув тузган шахс жиноий жавобгарликдан тўлиқ озод қилиниши мумкин;

- АҚШда жабрланувчига етказилган зарарнинг қопланиши талаб қилинади, Россия Федерациясида талаб қилинмайди;

- Россия Федерациясида ҳамкорлик ҳақида келишувнинг ягона тартиби белгиланган, АҚШда турли шакллари мавжуд;

- Россия Федерациясида келишув шартларини бажариш, фақат жазони енгиллаштиради, бироқ айблов ҳажми ва квалификациясига таъсир қилмайди;

- Россия Федерациясида айблов тараф исботлаш мажбуриятидан озод қилинмайди;

- АҚШда суд фақатгина иқдорликнинг ихтиёрийлигини текширади, Россия Федерациясида суд ҳамкорликнинг характери ва чегараси, аҳамияти, унга таҳдидни ҳам ўрганади.

Қозоғистон Республикасида ҳамкорлик ҳақида келишув нафақат айбланувчи ва судланувчи, балки жазони ўтаётган маҳкум билан ҳам тузилиши мумкин, фақат айбланувчи ёки судланувчи билан вилоят даражадаги прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан

тузилиши шарт қилиб белгиланган бўлса, маҳкумлар билан келишув Бош прокурор ёки унинг ўринбосари даражасида тузилади.

Процессуал келишув нафақат енгилроқ жазо тайинланиши балки жазодан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Қозоғистон Республикасида процессуал келишув ЖПКнинг 63-боби билан тартибга солинган бўлиб, айбига иқрорлик ҳақида келишув ва ҳамкорлик ҳақида келишув шаклида тузилиши мумкин.

Айбига иқрорлик ҳақида келишув унча оғир бўлмаган, ўртача оғир ва оғир жиноятлар бўйича қўлланиши мумкин бўлса, ҳамкорлик ҳақида келишув муайян турдаги жиноят турлари билан чекланмаган яъни барча турдаги жиноятлар бўйича тузилиши мумкин.

Айбига иқрорлик ҳақида келишув тузиш учун қуйидаги шартлар белгиланган:

1) гумон қилинувчи, айбланувчининг процессуал келишув тузиш ҳақида ихтиёрий муурожаати;

2) гумон қилинувчи, айбланувчининг унга қўйилган гумон, айб, жиноят содир этганлиги ҳақида ишда мавжуд далиллар, етказилган зиённинг хусусияти ва миқдорига розилиги;

3) Процессуал келишув тузиш учун жабрланувчининг розилиги.

Процессуал келишув муомалага лаёқатсиз шахслар ёки жиноят содир этганидан сўнг рухий касалликка чалинганлар шахслар билан тузилиши мумкин эмас, бинобарин Қозоғистон Республикасида вояга етмаганлар билан процессуал келишув тузишга йўл қўйилади.

Рақамлар, Қозоғистон Республикасида мазкур процессуал институтни амалиётда босқичма-босқич қўллаш кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, 2015 йил 8 ойда жами тамомланган 77345 та жиноят ишидан 2617 таси айбига иқрорлик ҳақида процессуал келишув билан тамомланган бўлса, 2016 йилда тамомланган 95445 та жиноят ишидан 49179 таси айбига иқрорлик ҳақида процессуал келишув билан тамомланган[5].

Шу билан бирга, ишни судга қадар юритиш босқичида қийноқлар барҳам топмаган, жиноятларни фош қилиш ҳақида статистика асосида самарадорлик баҳоланадиган тизимларда айбга иқрорлик ҳақида келишув, процессуал имкониятларни суистеъмол қилиш, далиллар заиф бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда иқрорлик кўрсатмалари олиш учун айбланувчига тайзиқ ўтказилишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида асосли хавотир ҳам йўқ эмас. Айнан шу маънода, халқаро экспертлар айбга иқрорлик ҳақида келишув ишни судга қадар юритиш ноқонуний таъсир ўтказиш ва айбига иқрор бўлишга мажбурлаш билан ҳолатлари билан касалланган, ҳуқуқий ёрдамга эришиш етарли даражада қафолатланмаган жиноят процесуал тизимларда қўлланиши мумкин эмаслигини қайд қилганлар[6].

Белорус Республикаси ЖПКда келишув битими тузиш тартиби бунданда мукамалроқ тартибга солинган бўлиб, келишув тузиш ҳақида илтимосноманинг ўзида айбга иқрорлик кўрсатилган бўлиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, гумон қилинувчи(айбланувчи) дастлабки терговга ёрдам бериш мақсадида бажариши лозим бўлган ҳаракатлардан ташқари жиноятнинг бошқа иштирокчиларини фош этиш, жиноий йўл билан топилган мулкни топиш, етказилган моддий зарарни қоплаш, жиноий йўл билан топилган даромадни тўлаш ва етказилган зарарни қоплашга қаратилган бошқа ҳаракатларни содир этиши зарурлиги белгиланган.

Бир қатор давлатларда (Озарбайжон, Тожикистон, Беларус, Молдова, Қозоғистон) собиқ СССР тажрибасига асосланган соддалаштирилган иш юритиш шакли сифатида иш материалларини судга қадар тайёрлашнинг протокол шакли амал қилади. Бироқ турли давлатларда ушбу модель оғирлик даражаси турлича бўлган жиноятларга қўлланади. Озарбайжон ва Тожикистонда баённома шаклида кам аҳамиятли жиноятлар тергов қилиниб, ҳал қилинса, Молдовада ушбу тартиб ҳар қандай жиноятларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Озарбайжон ЖПКнинг 39-моддасига кўра, соддалаштирилган судгача иш юритиш, жабрланувчи ва унинг вакилининг аризаси бўлган тақдирда қўзғатилиб, 10 кунлик муддатда ўтказилади, далилларни тўплаш жабрланувчи, жиноят содир этган шахс (у гумон қилинувчи ёки айбланувчи макomini олмайди), гувоҳларни ва бошқа шахсларни сўроқ қилиш,

шунингдек зарур маълумотномаларни талаб қилиб олиш йўли билан тўпланади. Агар бу етарли бўлмаса кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари (кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, шахсни гувоҳлантириш, тергов эксперименти) ўтказилиши мумкин. ЖПК 296-моддасига мувофиқ, иш юритиш якуни бўйича якуний баённома тузилиб, прокурор томонидан тасдиқланади ва иш ҳужжатлари билан судга берилади. Суд соддалаштирилган иш юритиш жараёнида қўпол хатоликларги йўл қўйилган бўлса, соддалаштирилган тартибда иш юритишни тугатиш ва ишни прокурорга қайтаришга ҳақли[7].

Молдова Республикасида содир этилган вақтида очилган ва ижрочилари жиноят содир этилгандан сўнг дарҳол жабрланувчилар, шохидлар ва бошқа шахслар томонидан таъқиб қилинган, ёки жиноят содир этилган жойдан узоқ бўлмаган жойда жиноят қуроллари билан ушланган шахсларга нисбатан алоҳида тартибда иш юритилади (Молдова ЖПК 513–518 моддалари). Ушбу тартиб оғир даражаси турлича бўлган жиноятлар, шу жумладан оғир жиноятларга нисбатан ҳам қўлланади (войга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлардан ташқари). Содир этилган қилмиш ҳақида баённома тузилиб, 24 соат ичида прокурорга юборилади, у шахсга айблов эълон қилиб ишни судга оширади. Судда иш юритиш оддий тартибда ёки агар айбга иқрорлик ҳақида келишув тузилган бўлса соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Процессуал келишувнинг Латвияда амал қиладиган шакли, АҚШ тажрибасига жуда яқин бўлиб, ЖПК 410-моддаси ҳамкорлик ҳақида келишув тузган айбланувчини, агар у ўзи содир этган жиноятдан кўра оғирроқ жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, ўта оғир жиноятлардан ташқари барча жиноятлар бўйича жиноий таъқиб қилишни кўзда тутди.


Грузия ЖПКнинг 218-моддасида ҳам алоҳида ҳамкорлик ҳақида келишув назарда тутилган бўлиб, айбланувчининг тергов органлари билан ҳамкорлиги натижасида оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс аниқланган ҳолларда Грузия бош прокурори айбланувчини жиноий жавобгарликдан ёки тўлиқ озод қилиш ёки судланувчига тайинланган жазони қайта кўриб чиқиб ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Яъни АҚШдаги каби шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, айблов томоннинг гувоҳига айланиши ёки жазони ўташ вақтида ҳам ушбу имтиёздан фойдаланиши мумкин.

Процессуал келишувларнинг англо-саксон ва континентал ҳуқуқ тизимидаги асосий фарқловчи мезон келишувнинг амал қилиш доираси ва муросанинг рухсат берилган чегарасидан иборат.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Пиюк А.В. Теоритические основы упрощения форм разрешения уголовных дел судом в Российской Федерации: типологический аспект. дис. д-ра юрид. наук. Т., 2017. С. 23. (Piyuk A.V. Theoretical foundations for simplifying the forms of resolving criminal cases by the court in the Russian Federation: a typological aspect. dis. Dr. jurid. Sciences. T., 2017. P. 23).
2. <http://www.cdep.ru/>
3. Тиссен О.Н. Теоретические и практические проблемы института досудебного соглашения о сотрудничестве в Российском уголовном судопроизводстве: дис. д-ра юрид. наук. – О., 2017. – С. 46 (Tissen O.N. Theoretical and practical problems of the institution of a pre-trial agreement on cooperation in Russian criminal proceedings: dis. Dr. jurid. Sciences. - O., 2017. - P. 46).
4. Шаталов А.С. Заключение досудебного соглашения о сотрудничестве: правовая регламентация, достоинства и недостатки // Журн. рос. права. 2010. № 5. С. 36. (Shatalov A.S. Conclusion of a pre-trial agreement on cooperation: legal regulation, advantages and disadvantages // Zhurn. grew up rights. 2010. No. 5. P. 36).
5. <https://sud.gov.kz/rus/kategoriya/statisticheskie-dannye-sudov>
6. Expert Forum on Criminal Justice for Central Asia. Final Report, OSCE ODIHR, 17-18 June 2010, Dushanbe, Tajikistan.

7. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 г. утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 г. № 907-ІГ. (The Code of Criminal Procedure of the Republic of Azerbaijan dated July 14, 2000 was approved by the Law of the Republic of Azerbaijan dated July 14, 2000 No. 907-IG) URL: <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.
8. Hamidov, N. (2022, March). Fuqarolar qonunchilik tashabbusi huquqi subyekti ifatida: nazariy-huquqiy tahlil. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 2, No. 3). (Hamidov, N. (2022, March). Citizens as a subject of legislative initiative law: theoretical-legal analysis. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 2, No. 3))
9. Хидоятлов, Б. Б., & Утаров, К. (2022). Трансмиллий жиноятларнинг олдини олишда халқаро ҳамкорлик масалалари. Журнал правовых исследований, (SI 1). (Khidoyatov, B.B., & Utarov, K. (2022). Issues of international cooperation in the prevention of transnational crimes. Journal of Law Research, (SI 1))
10. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=bvK4GS0AAAAJ&citation_for_view=bvK4GS0AAAAJ:eQOLeE2rZwMC



Марданов Жасурбек Хусниддин ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси мустақил изланувчиси
E-mail: husniddinovichjasurbek@mail.ru

СОЛИҚ ЁКИ МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Mardanov Jasurbek Husniddin ugli. THE IMPORTANCE OF SPECIAL KNOWLEDGE IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO TAX EVASION OR OBLIGATORY PAYMENTS. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола дастлабки тергов жараёнида махсус билимлардан фойдаланишнинг исботлаш фаолиятидаги аҳамияти ёритиб берилади. Шу билан бирга, суриштирувчи ва терговчи томонидан жиноят ишига малакали мутахассис ва экспертни жалб қилиши жиноят иши учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш имкониятини ошириши, тергов жараёни муддатини қисқариши ва жиноятларни фош қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилади. Кўшимча равишда, суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишнинг мазкур тоифадаги жиноятларни тергов қилишдаги ўрни ёритилган.

Калит сўзлар: махсус билим, мутахассис, эксперт, жиноят иши, гувоҳлантириш, хулосалар бериш, жиноят изи, видео ва овоз ёзув, суд-техник экспертизаси, хатшунослик, суд-компьютер техник экспертизаси, суд-бухгалтерия, суд молиявий-иқтисодий экспертиза.

Марданов Жасурбек Хусниддин углы,
Самостоятельный соискатель Правоохранительной
академии Республики Узбекистан
E-mail: husniddinovichjasurbek@mail.ru

ВАЖНОСТЬ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ В РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С УКЛОНЕНИЕМ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ ИЛИ ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается значение использования специальных знаний в доказывательной деятельности в процессе предварительного следствия. При этом указывается, что привлечение дознавателем и следователем к уголовному делу квалифицированного специалиста и эксперта повышает возможность установления обстоятельств, имеющих значение для уголовного дела, сокращает продолжительность

следственного процесса, имеет большое значение при раскрытии преступлений. Кроме того, освещается роль судебно-бухгалтерской экспертизы в расследовании данной категории преступлений.

Ключевые слова: специальные знания, специалист, эксперт, уголовное дело, свидетельство, заключение, криминальный след, видео и аудиозапись, судебно-медицинская экспертиза, подчеркновение, судебно-компьютерная техническая экспертиза, судебно-бухгалтерская экспертиза, судебно-финансово-экономическая экспертиза.

Mardanov Jasurbek Husniddin ugli,
Independent researcher of Law Enforcement
Academy of the Republic of Uzbekistan
E-mail: husniddinovichjasurbek@mail.ru

THE IMPORTANCE OF SPECIAL KNOWLEDGE IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO TAX EVASION OR OBLIGATORY PAYMENTS

ANNOTATION

This article highlights the importance of using special knowledge in evidentiary activities in the process of preliminary investigation. At the same time, it is indicated that the involvement of a qualified specialist and expert by the inquiry officer and investigator in the criminal case increases the possibility of establishing circumstances relevant to the criminal case, reduces the duration of the investigative process, and is of great importance in solving crimes. In addition, the role of forensic accounting expertise in the investigation of this category of crimes is highlighted.

Keywords: special knowledge, specialist, expert, criminal case, testifying, giving conclusions, crime trace, video and audio recording, forensic technical expertise, correspondence, forensic computer technical expertise, forensic accounting, forensic financial and economic expertise.

Республикаимизда кейинги йилларда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Булар тизимида айниқса суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ишлар салмоқли ва алоҳида эътиборга молик. Мазкур соҳадаги ислохотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган ҳуқуқий механизми яратилмоқда. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган даврда жиноят-процессуал ҳуқуқда далилларга баҳо бериш ва далилларни баҳолаш тартибини замонавий талаблар ва амалиёт эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиёт асосларига қарши, ҳўжалик фаолияти соҳасидаги, бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши қаратилган жиноятларининг динамикаси 33,9% га ошган[1].

Мазкур ҳолат жиноятчиликка қарши курашишда комплексли ёндашув ва тизимли чоратadbирларни амалга ошириш, хусусан ушбу ёналишда махсус билимлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларда ҳам махсус билимлардан фойдаланиш эҳтиёжи юқори даражада ҳисобланади. Мазкур масалани чуқур ўрганар эканмиз, даставвал “махсус билимлар” тушунчасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юридик адабиётларда “махсус билимлар” тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Айрим процессуалист олимлар фикрига кўра: “махсус билим тушунчаси ҳозирги кунда маълум бир соҳани чуқур тушунишни ва ушбу йўналишда фаолият юритиш имкониятини берадиган билим ҳисобланади” [2]. Демак, “махсус билим” умумий билимдан фарқланиб, маълум бир йўналишда фақатгина чекланган инсонлар эга бўлган билимлар. Ушбу билимларга эга шахслар жиноят процессида мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этадилар. Ҳақиқатдан

ҳам экспертнинг ёки мутахассиснинг махсус билимларини шакллантириш ва кучайтиришда, кенгайтиришда таълим жараёнида ва иш жараёнида, малака оширганда олинган назарий билимлар ва амалиётда ишлаганлик натижасида шаклланган амалий кўникмаларнинг ўрни бекиёсдир.

Маълумки жиноят ишини юритишга масъул бўлган суриштирувчи ёки терговчида барча соҳалар бўйича етарлича билимлар бўлмаслиги мумкин. Айнан шу каби ҳолатар мавжудлигини ҳисобга олиб, миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиз мутахассислар ва экспертларни жалб этиш масалаларини эътиборга олган.

Мутахассиснинг жиноят процесси иштирокчилари тизимидаги ўрни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Жиноят процессининг бошқа иштирокчилари” деб номланган 6-бобидаги 69- ва 70-моддаларида белгиланган. Ушбу моддаларда мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми ақс этган. Ушбу нормаларга кўра тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва қайд этишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин. Бундан ташқари мутахассис ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тушунтириш бериш учун ҳам чақирилиши назарда тутилган[3].

Дастлабки тергов ёки суриштирув пайтида махсус билимлар қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

а) ашёлар ва ҳужжатларни аниқлаш, олиб қўйиш ва уларни мустаҳкамлашда, шунингдек, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда;

б) жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни олиш жараёнида алоҳида характердаги масалаларга ойдинлик киритишда;

в) жиноят иши учун муҳим бўлган хусусият ва белгиларни аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш ўтказишда;

г) мутахассисни сўроқ қилишда унинг касбий ваколатига кирадиган масалалар бўйича фикр ва кўрсатмалар беришда;

д) экспертиза ўтказиш, ҳулосалар бериш ва экспертни сўроқ қилишда.

Маълумки, мамлакатимизда ҳар қандай фаолият норматив-ҳуқуқий тартибга солиш асосида амалга оширилишини ҳисобга олиб, ушбу фаолият бўйича далилларни тўплаш ва баҳолаш жараёнида суриштирувчи ёки терговчида тадқиқ қилинадиган ва ҳал қилинадиган саволларни белгилаш бўйича мутахассисни жалб этиш ва экспертиза тайинлашда махсус билимлардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни бир биридан фарқлаш муаммоси мавжуд.

Солиқ жиноятлари бўйича экспертиза ёки мутахассис тадқиқотини ўтказишда тадқиқот объекти сифатида жиноят излари қаралади. Тор маънода жиноят излари қуйидаги учта гуруҳга классификацияланиши мумкин: 1) тавсифланувчи объектлар; 2) моддий излар; 3) предметлар [4].

Солиқ жиноятлари бўйича экспертиза ёки мутахассиснинг тадқиқотини ўтказишда тадқиқотнинг мақсади жиноят изларида ақс эттирилган жиноий воқеа ҳолатларининг ҳақиқий мазмуни ва объектив хусусиятини тиклашдир.

Солиқ жиноятлари бўйича тергов ҳаракатлари мутахассис иштирокида қуйидаги умумий процессуал қоидаларга мувофиқ амалга оширилади:

суриштирувчи ёки терговчи мутахассисни жиноят ишининг айрим материаллари билан таништиради ёки керакли масалалар билан боғлиқ ушбу материаллар тўғрисида маълумот бериши лозим;

суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракати жараёнида қандай тушунтиришлар ёки қандай саволларга жавоб олишни кутаётганини мутахассисга эътиборига етказиши лозим;

тергов ҳаракатларида бир нечта мутахассислар иштирок этганда, уларнинг ҳар бирига алоҳида саволлар қўйилиши лозим;

тергов ҳаракатларини амалга оширишда техник воситаларни қўллашда ушбу техник воситанинг номи, тури ва бошқа маълумотлари тергов ҳаракати баённомасида қайд этилиши лозим;

мутахассис томонидан қўлланиладиган техник воситасидан фойдаланиш самарадорлигини тасдиқловчи яроқлилиқ сертификати (ёки технологик назорат хизмати томонидан берилган актига) эга бўлиши керак;

тергов ҳаракати давомида суриштирувчи ёки терговчи мутахассиснинг махсус билим соҳасига тегишли маълумотлар билан боғлиқ масалалар юзасидан унга мурожаат қилиши лозим;

суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан мутахассис тергов ҳаракати иштирокчиларига унинг махсус тадқиқот объектлари бўйича саволлар билан ёки тушунтиришлар талаб қилган ҳолда мурожаат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, маълумотлар турли шаклда, кўп ҳолатларда электрон файл шаклида компьютер техник воситаларида сақланиши мумкин. Демак, мутахассиснинг иштироки уларни аниқлаш ва процессуал тартибда мустаҳкамлаш, уларни маълумот ташувчи воситалардан қўчириш ва каби ҳолатларда ҳам ифодаланади.

Солиқ жиноятини тергов қилиш жараёнида тинтув ва олиб қўйишда ушбу процессуал ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилинган мутахассис терговга қўйидагилар юзасидан ёрдам кўрсатади:

1) бирламчи бухгалтерия ҳужжатларининг белгиланган ягона (намунавий) шакллари мувофиқ, шунингдек бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ рўйхат, шакл ва таркиб бўйича бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини қидириш ва олиб қўйишда;

2) бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби номенклатурасини, махсус китобларда (журналларда), алоҳида варақлар ва карталарда, компьютер воситаларидан фойдаланиш пайтида олинган дастурлар шаклида, шунингдек компьютер техник воситаларида (ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар, шу жумладан бухгалтерия баланси, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, уларга қўшимчалар, хусусан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия балансига қўшимчалар ва бошқа ҳисоботлар, норматив ҳужжатларда назарда тутилган бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш тизимлари) текширишда;

3) бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилган мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик фаолиятининг бошқа фактларини баҳолаш операцияларини (ва улар тўғрисидаги маълумотларни) рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни қидириш ва олиб қўйишда;

4) кўриб чиқиладиган даврда амалга оширилган мол-мулкни инвентаризация қилиш тўғрисида компьютер техник воситаларида ҳужжатлар ва маълумотлар базаларини қидириш ва олиб қўйишда, уларнинг мавжудлигини, ҳолатини ва баҳоланишини тасдиқлаш, бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилигини таъминлашда;

5) бухгалтерия ҳисоботидаги айрим турдаги ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлашда (масалан тугалланмаган омонат операциялари, кўрилиш ишларининг маълум бир қисмларининг бажарилиши ҳолати юзасидан ва ҳақозолар);

6) ташкилотнинг баланси ва касса ҳужжатларида акс эттирилмаган пул маблағларини (миллий ва хорижий валютада), қимматбаҳо буюмларни (қимматбаҳо металллар ва тошлар ва бошқалар) топиш ва олиб қўйишда.

Мутахассис иштирокида суриштирувчи ёки терговчи солиқ қонунчилиги, бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа молиявий-хўжалик ҳужжатлар юзасидан тушинтиришлар олар экан, сўроқ пайтида сўроқ қилинувчи шахсларнинг олдида қўйиладиган саволлар ҳақида маълум бир фикр ва тушунчалар шаклланади. Лекин, мазкур ҳолат сўроқ давомида мутахассис маслаҳатларига мурожаат қилишни истисно қилмайди. Е.А.Зайцева ва С.М.Гарисов тўғри таъкидлаганларидек, жиноятларни тергов қилишда исботлаш фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан, суриштирувчи ва терговчи томонидан мутахассисларнинг махсус билимларидан оқилона фойдаланиш, жиноят иши учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш

учун исботлаш субъектлари томонидан махсус билимлардан фойдаланиш шаклини тўғри танлашга боғлиқ[5].

Фикримизча, солиқ жиноятларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг мутахассисни жалб қилиш шаклидан фойдаланиш, процессуал куч ва воситаларни тежаш, яъни экспертиза ва тадқиқот ўтказиш талаб қилинмайдиган ҳолларда мутахассис хулосасидан фойдаланиш имконини беради. Жиноят процесси босқичлари таҳлили шуни кўрсатадики, махсус билимлардан фойдаланиш эҳтиёжи даставвал терговга қадар текширув жараёнида юзага келади. ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкинлиги белгиланган. Бинобарин, жиноят ишини кўзғатиш босқичида иқтисодий экспертизалар шу жумладан суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланиши мумкин. Бироқ суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш учун катта ҳажмдаги материаллар ва узоқ муддат талаб қилиниши сабабли амалиётда терговга қадар текширув босқичида камдан-кам ҳолларда тайинланади. Шунингдек, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида тафтиш хулосаси ёки бухгалтер томонидан берилган маълумотномадан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин маълумотноманинг далилий аҳамияти ЖПКнинг 201-моддасида белгиланган ҳужжатга тенг бўлади. Бироқ, тафтиш хулосасидан “ҳужжат” сифатида фойдаланиш мантиққа зид бўлиб, тафтишчи тафтиш предметиға кирувчи ҳолатлар бўйича фактик назорат усуллари қўллаган ҳолда турли ҳужжатлар, мансабдор ва моддий жавобгар шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олади, тўпланган материалларни таҳлил қилиб, махсус билимларини қўллаган ҳолда хулоса беради[6].

Маълумки, терговга қадар текширув муддатлари қисқалиги туфайли солиқ жиноятлари бўйича текширувни тўлиқ ҳажмда ўтказиш имконини бермайди. Текширувлар тўлиқ ўтказилмасида таваккалчилик йўли билан жиноят ишини кўзғатиш ҳолатлари кўп учраб туради. Бунга асосий сабаблардан бири, бу – катта ҳажмли экспертизалар, шу жумладан суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишнинг имкони йўқ. Мазкур ҳолатларнинг ечими сифатида экспертиза тайинламасдан, айнан тадқиқот ўтказишни талаб қилмайдиган ҳолатлар юзасидан мутахассис хулосасини олиш деб ҳисоблаймиз. Ўйиборли жиҳати шундаки, ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув жараёнида мутахассис хулосасини олиш мумкинлигини назарда тутилмаган, бироқ амалиётда терговга қадар текширув жараёнида мутахассис хулосасини олиш қўлланилади. Бундан ташқари, тафтиш тайинланган тақдирда ҳам унга айнан мутахассислар жалб қилинади. Лекин тафтиш предмети жўда кенг бўлиб, унинг процессуал муддатлари ҳам ўзоқ бўлганлиги сабабли, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида мутахассис хулосасини олиш мумкинлигини белгилаш шарт деб ҳисоблаймиз.

Мутахассис хулосасининг экспертизадан афзал жиҳати, терговга қадар текширув босқичи ва дастлабки терговнинг илк босқичларида, жиноят ҳақида хабарни кўриб чиқиш ва гумон қилинувчини ушлаб туриш муддатлари аниқ белгиланганлиги сабабли қисқа муддатларда қарор қабул қилиш имконини беради. Бундай ҳолатларда ҳаттоки экспертизанинг маълум бир тури тайинланган тақдирда ҳам терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс ундан дастлабки (эҳтимолӣ) хулоса олишга ҳаракат қилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалийотида ҳам мутахассисларга экспертиза ўтказишни тайинлаш ҳолатлари кўп ҳолатларда учраб туради. Айрим олимлар фикрича мутахассиснинг экспертиза ўтказишида ортиқча ҳожат йўқ, чунки суд-тергов амалиётида суриштирувчи ёки терговчилар мутахассис хулосасидан тўғридан-тўғри далил сифатида фойдаланишга ҳаракат қилади[7].

Дарҳақиқат, шу каби ҳолатлар Ўзбекистон тергов амалиётида ҳам учраб туради. Лекин, мутахассиснинг махсус билимлар эгаси эканлиги тўғрисидаги бахс очиқ қолмоқда. Бу борада миллий процессуалист-олим И.Астановнинг фикрига кўра “... Махсус билим эгаси ўз фаолияти давомида махсус кўникмага эга бўлади. Агарда махсус билим ва кўникма бир инсон фаолиятида мужассамлансагина, шундагина ҳақиқий тажрибали эксперт ёки мутахассис

ҳисобланади. Чунки билим таълим олиш натижасида, кўникма эса йиллар давомида иш фаолияти билан шуғулланиш натижасида шаклланади” [8].

Албатта, мутахассиснинг маълум бир соҳадаги билимлари кенг бўлиши табиий, аммо унинг фикри, маълумотномаси далил манбаси сифатида кўрсатилмаганлиги улардан исботлаш жараёнида фақат иккиламчи ёки ҳосила далил сифатида фойдаланишига олиб келади. Жиноят-процессуал кодексига мурожаат қиладиган бўлсак, унда далилларни аниқлаш, тўплаш ва расмийлаштириш юзасидан бошқа ҳуқуқ тармоқларида мавжуд бўлмаган, ўзига хос талаблар қўйилган бўлиб, далиллар тўплашнинг процессуал таомилини бузиш, далилнинг номақбул далилга айланишига олиб келади дея белгиланган.

Мутахассис хулосаси билан эксперт хулосасини таққослайдиган бўлсак, ҳар иккаласи ҳам ЖПКнинг 94-95 моддалари талабларига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан шга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуктаи назаридан баҳоланиши лозим. Айнан мана шу 3 та босқични босиб утгандан сўнг ҳар қандай тўпланган маълумот далилий аҳамиятга эга бўлади.

Солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда экспертиза тергов ҳаракатига қараганда мутахассис иштироки кенгрок деб ҳисоблаймиз. Чунки терговга қадар текширувдан бошлаб то тергов якунигача мутахассис турли ҳил масалалар юзасидан ёрдам беради.

Бу солиқ жиноятларини тергов қилиш жараёнида махсус билимларни қўллаш солиқ тўловчилар (уларнинг вакиллари) томонидан солиқ ҳуқуқий муносабатлари доирасида мулкый манфаатларга эришиш усули (воситаси) сифатида ҳуқуқий нормаларни бузиш механизмининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги билан изоҳланади ва бу терговчи томонидан экспертиза тайинлашда унинг хулосасини далиллар қаторига қўшиб қўйиш мажбуриятини юзага келтиради.

Анъанавий равишда солиқ жиноятлари, шунингдек бошқа жиноятлар бўйича кенг тарқалган экспертизалар, бу – видео ва овоз ёзувларининг суд-техник экспертизаси, хатшунослик, суд-компьютер техник экспертизаси, суд-бухгалтерия, суд молиявий-иқтисодий экспертизаларидир.

Видео ва овоз ёзувларини текшириш одатда “овозни аниқлаш, монтажни истисно қилиш (яъни магнит лентада суҳбатни сунъий равишда яратиш), шахсга оид хусусиятларни аниқлаш, суҳбат иштирокчиларининг сони, суҳбатни саҳналаштириш белгиларининг мавжудлиги, ёзиб олинган суҳбат қайси хонада ёки жойда содир бўлиши мумкинлиги, овоз ёзишда қандай асбоб-ускуналар ишлатилганлиги” каби муаммоларни ҳал қилиш учун амалга оширилади” [9].

Гумон қилинувчи ёки айбланувчи солиқ жинояти содир этилганлигини тан олмаса ва унга тақдим этилган аудио ёзувнинг ҳақиқийлигини рад этса, унинг ушбу жиноятни содир этишда айбдорликни фош этишда фойдаланидаган видео ва овозли ёзувлар юзасидан суд экспертизасини тайинлаш мақсадга мувофиқ.

Экспертга берилган саволларда суриштирувчи ёки терговчи видео ёки овозли ёзувнинг қайси қисмларини аниқлаш кераклигини кўрсатиши керак.

Суд-бухгалтерия экспертизаси қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби усули ва ҳолатини ўрганиш;
- солиқни ҳисоблаш ва тўлаш мақсадида даромадлар ва харажатларни ва солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш қоидаларининг бузилишини аниқлаш;
- дастлабки ҳужжатлар, счёто-фактуралар, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби регистрларини шакллантириш ва юритиш қоидаларининг бузилишини аниқлаш;
- бухгалтерия ҳисобварақларида, солиқ ҳисоби регистрларида ва солиқ органига топширилган ҳўжалик операциялари, пул оқимлари, моддий бойликлар, номоддий активлар ва солиқ тўловчининг молиявий инвестициялари тўғрисидаги ҳисоботларда ўз вақтида ва нотўғри акс эттириш фактларини аниқлаш [10].

Хулоса қилиб айтганда солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов

жараёнида махсус билимларга эҳтиёж жуда ҳам юқори. Жиноят ишининг тўғри ва қонуний асосларга қўра қўзғатилиши, суриштирув ва дастлабки тергов самарадорлигини таъминлаш мақсадида тажрибали мутахассислар ва экспертлар жалб этилиши мақсадга мувофиқ.


Махсус билимлардан нафақат солиқ соҳасига оид маълумотлар юзасидан маслаҳатлар олишда, балки айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда, ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни аниқлаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Иктибослар/Сноски/References:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
2. Россинская Е. Р. Специальные познания и современные проблемы их использования в судопроизводстве // Журнал российского права. – 2001. – № 5. – С. 34 (Rossinskaya E. R. Special knowledge and modern problems of their use in legal proceedings // Journal of Russian law. - 2001. - No. 5. - P. 34).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (04.12.2019 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan (up to 04.12.2019) // <http://lex.uz> // national database of legal documents of the Republic of Uzbekistan).
4. Криминалистика: учебник/Т.В.Аверьянова, Р.С.Белкин, Ю.Г. Корухов, Е.П. Россинская. – 3-сизд., перераб. И доп. – М.: Норма: Инфра-М, 2010. – с. 195 (Criminalistics: textbook / T.V. Averyanova, R.S. Belkin, Yu.G. Korukhov, E.P. Rossinskaya. - 3rd ed., revised. And extra. – М.: Norma: Infra-M, 2010. – p. 195.).
5. Зайцева Е.А. Гарисов С.М. К вопросу о заключении специалиста. Вестник Волгоградской Академии МВД РФ. - №4 (11), 2009 (Zaitseva E.A. Garisov S.M. To the question of the conclusion of a specialist. Bulletin of the Volgograd Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation. - No. 4 (11), 2009).
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (04.12.2019 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan (up to 04.12.2019) // <http://lex.uz> // national database of legal documents of the Republic of Uzbekistan).
7. Канокowa Ляна Юрьевна Правовое положение эксперта и специалиста в уголовном судопроизводстве//Теория и практика общественного развития. 2015. №10; Рамазанов Т. Б. Заключение и показания эксперта и специалиста как доказательства в уголовном судопроизводстве // Юридический вестник Дагестанского государственного университета. 2012. №4 (Kanokova Lyana Yurievna Legal status of an expert and specialist in criminal proceedings // Theory and practice of social development. 2015. No. 10.; Ramazanov T.B. Conclusions and testimony of an expert and a specialist as evidence in criminal proceedings // Legal Bulletin of the Dagestan State University. 2012. №4).
8. Astanov, I. (2015). Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг юридик тавсифи: таҳлил ва мулоҳазалар. O‘zbekiston Qonunchiligi Tahlili, (3), 44–46 б. (Astanov, I. (2015). Legal description of the use of specialized knowledge in criminal cases: analysis and considerations. Analysis of the Legislation of Uzbekistan, (3), p. 44-46).
9. Аверкова Г.В. Применение диагностики личности по устной речи в расследовании преступлений по горячим следам. С. 3-9; Ивченко Л.И. Тактика контроля и записи переговоров и использование результатов этого следственного действия в расследовании преступлений: учебное пособие для юридических вузов. М.: Юрлитинформ, 2005. С. 78-121; Каганов А.Ш. Криминалистическая экспертиза звукозаписей и др.(Averkova G.V. The use of personality diagnostics by oral speech in the investigation of crimes in hot pursuit. pp. 3-9; Ivchenko L.I. Tactics of control and recording of negotiations and the use of the results of this investigative action in the investigation of crimes: a textbook for law schools.

М.: Yurlitinform, 2005. S. 78-121; Kaganov A.Sh. Forensic examination of sound recordings, etc.).

10. Извеков С. С. Экономическая экспертиза и ее роль при расследовании налоговых преступлений //Аудитор. – 2003. – №. 4. – С. 19-24 (Izvekov S. S. Economic expertise and its role in the investigation of tax crimes // Auditor. - 2003. - no. 4. - P. 19-24).



Низомиддинов Жамшид Нуриддин ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси,
E-mail: jamshid91b@mail.ru

КИССАВУРЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation: Nizamiddinov Jamshid Nuriddin ugli. IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND TACTICAL ASPECTS OF THE FIGHT AGAINST THE PICKPOCKETING. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада кассавурликнинг луғавий маъноси, “қарши қурашиш” тушунчасининг маъноси очиқ берилган, шунингдек, кассавурликнинг назарий асослари, статистик маълумотлар, ушбу қилмишнинг олдини олишда ички ишлар органларининг тезкор ходимлари ва кичик тезкор ходимлари томонидан соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда умумий, махсус, яққа, виктимологик профилактик чора-тадбирларни ўтказилиши, кассавурликни фoш этишда комплекс тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва тактикасининг мазмун-моҳияти ёритилиб, кассавурликка самарали қарши қурашишда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кассавурлик, қарши қурашиш, тезкор ходим, профилактик тадбирлар, тезкор-қидирув тадбирлар.

Низомиддинов Жамшид Нуриддин ўғли,
Преподаватель кафедры оперативно-розыскной
деятельности Академии Министерство внутренних
дел Республики Узбекистан
E-mail: jamshid91b@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ И ТАКТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ БОРЬБЫ С КАРМАННЫХ КРАЖ

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается значение карманных краж, значение понятия “противодействие”, а также теоретические основы карманных краж, статистические данные, проведение оперативными работниками органов внутренних дел совместно с отраслевыми службами общих, специальных, индивидуальных, виктимологических профилактических мероприятий по предупреждению данного деяния, комплекс оперативно-розыскных мероприятий при раскрытии карманных краж, освещается сущность организации и тактики поисковых

мероприятий, разрабатываются научно обоснованные предложения и рекомендации по эффективной борьбе карманных краж.

Ключевые слова: карманных краж, противодействие, оперативный сотрудник, профилактические мероприятия, оперативно-розыскные мероприятия.

Nizamiddinov Jamshid Nuriddin ugli,

Lecturer of the Department of Operational-Search Activities
of Academy of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan of the Academy
E-mail: jamshid91b@mail.ru

IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND TACTICAL ASPECTS OF THE FIGHT AGAINST THE PICKPOCKETING

ANNOTATION

The article reveals the meaning of pickpocketing, the meaning of the concept of “fighting”, as well as covers the theoretical foundations of kissavurlik, statistics, the content of complex operational-search measures and tactics in the prevention of this act by operational employees of the internal affairs bodies in cooperation with sectoral services, conducting general, special, individual aspects.

Keywords: pickpocketing, counter-fighting, fast employee, preventive activities, quick-search activities.

Киссавурликка қарши курашнинг ташкилий-тактик жиҳатлари ҳақида фикр юритишда биринчида навбатда киссавурлик ва унинг назарий асослари, “қарши курашиш” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиш муҳимдир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида киссавур [форсча - халтани, киссани кесувчи] Чўнтак ўғриси; кўча-кўй, бозор ва бошқа жойларда кишиларнинг нарсаларини ўғирловчи шахс деган маънони англатса[1], “қарши курашиш” тушунчаси кенг маъноли бўлиб, жиноятларнинг профилактикаси, олдини олиш, аниқлаш, фош этиш каби жараённи ўз ичига қамраб олади[2].

Жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан содир этилган ўғирлик (киссавурлик) республикамизнинг жиноят қонунига янги киритилган оғирлаштирувчи ҳолатдир. Киссавурликнинг ижтимоий хавфлилиги: биринчидан, унинг анча кўп тарқалганлиги билан; иккинчидан, айбдор бевосита жабрланувчининг ўзида турган мулкни тортиб олиши, бу эса жабрланувчи ўз мулкига суиқасд қилинаётганини пайқаб қол-са, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилиши хавфи туғилиши мумкинлиги билан изоҳланади [3].

Қўл юки деганда, жабрланувчи шахсан олиб ўтувчи, шакли ва тузилишидан қатъи назар, енгил олиб ўтилувчи буюм ва ашёлар тушунилади. Ушбу буюмлар, одатда, жабрланувчининг ўзида бўлади, яъни унинг қўлида, елкасида, ёнбошида ёки устида жойлашган ёхуд судраб, итариб кетаётган бўлади. Шу ўринда ушбу буюмларни жабрланувчи жисмоний куч ишлатиб бевосита ўзи олиб юришига алоҳида эътибор бериш лозим. Шунинг учун турли хил транспорт воситаларида (уларнинг миқдори ва шаклидан қатъи назар) олиб ўтиладиган буюм ва ашёлар қўл юки ашёси ҳисобланмаслиги ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзганинг мулкни ўғирлаш, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида: “Жабрланувчининг еғида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёғида бўлган сумка, чамадон ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш киссавурлик деб ҳисобланади ва ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «а» банди билан тавсифланади”[4], деб кўрсатилган.

Ҳар бир алоҳида ишда суд барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, сумка ёки бошқа қўл юкининг жабрланувчининг ёғида бўлганлиги фактини аниқлаши керак.

Қўл юки тушунчасига кирувчи буюм ва ашёлар жиноят содир этилган шахснинг тасарруфида бўлгандагина қўл юки ашёсини жабрланувчининг бевосита ўзида жойлашган деб

ҳисоблаш мумкин. Бошқача айтганда, жабрланувчи бу ашёларга нисбатан махсус техник назорат воситаларидан фойдаланмасдан, уларни кузатиш ёки бошқа усулларда субъектив назоратни амалга оширади. Қўл юки воситасининг бевосита жабрланувчи ёнидалигини қуйидаги ҳолатлар кўрсатиб туради: жабрланувчи ёнида аёллар сумкачасининг ётиши; ўғирлик содир этилганда катмоннинг шахс чўнтагида бўлиши ва бошқалар. Агар қўл юки буюм ва ашёлари жабрланувчининг субъектив назорат доирасидан (масалан, катмонни кулфланмайдиган шкафта сақлаш) ташқарида ёки қандайдир жойга яшириб қўйилган бўлса, талон-торож қилишни кассавурлик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Бундай ҳолатда айбланувчининг ҳаракатлари бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖК 169-моддасининг 1-қисми бўйича ҳуқуқий баҳоланади.

Кассавурлик содир этилаётган вақтда кийим жабрланувчининг эғнида ёки қўлида бўлиши керак. Агар айбдор гардероб ёки илгичда осиглиқ турган кийим чўнтагидан ашёни қонунга ҳилоф равишда олса, кассавурлик таркиби мавжуд бўлмасдан, ўғрилиқнинг бошқа тури бўйича ҳуқуқий оқибат келиб чиқади.

Агар сумка ёки қўл юки жабрланувчининг қўлида бўлса ёки жабрланувчининг ўзида ёхуд унинг ёнида бўлса (масалан, жомадон, сумкани жабрланувчи хордиқ чиқариш, нимадир сотиб олиш ва ҳоказо учун ёнига қўйган бўлса), яъни бу ашёлар яна йўлга тушганида унинг ўзи билан бирга бўладиган бўлса, бу ҳолда Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “а” банди бўйича жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, 2022 йилнинг 6 оyi мобайнида ўғрилиқларни 1441 таси хонадон, 1363 таси телефон, 388 таси велосипед, 411 таси ҳайвон ўғрилиқлари ҳамда 260 таси[5] кассавурликни ташкил этган.

Кассавурлик асосан жамоат жойларида шу жумладан, бозорлар, аҳоли гавжум жойлари жамоат транспорт воситаларида содир этилади.

Кассавурликнинг олдини олишда ички ишлар органларининг тезкор ходимлари ва кичик тезкор ходимлари соҳавий хизматлар билан биргаликда умумий, махсус, якка, виктимологик[6] профилактик тадбирлани амалга ошириши лозимдир.

Умумий профилактик тадбирлар аҳоли гавжум жойларда кассавурликни содир этиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича йиғилишлар тарғибот ва ташвиқот ишлари турли кўринишида амалга оширилиб, келгусида кассавурлик содир этишини камайтириш, фуқароларни хушёрлигини ошириш энг асосий мақсад бўлиб хизмат қилади.

Махсус профилактик тадбирлар кассавурлик билан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида махсус тадбирларни амалга ошириб, энг асосий мақсад уларни кассавурлик содир этиш фикридан қайтаришдан иборатдир.

Якка профилактик тадбирлар кассавурлик жиноятини содир этиши мумкин бўлган шахслар билан якка тартибда турли усулларда профилактик таъсир чораларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Виктимологик профилактик тадбирлар кассавурлик жиноятдан жабрланган ёки жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган шахслар билан махсус суҳбатлар ўтказилиб, кассавурликдан жабрланувчи бўлиб қолмаслиги учун тушунтириш ишлари олиб борилади.

Ички ишлар органлари тезкор ходимлари, кичик тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни қуйидаги механизмларда амалга ошириши лозим:

биринчидан, фуқароларни айниқса, аёллар жамоат жойларида юрганида қўл сумкасини эҳтиёт чорасини кўриши юзасидан бозорлар, аҳоли гавжум жойларида хизмат қилаётган Ички ишлар ва Миллий Гвардия ходимлари тарғибот, тушунтириш ишларини олиб бориши, масалан, оғзаки тушунтириш ишлари олиб борилиши, эслатма ва буклетларни тарқатиш;

иккинчидан, кассавурлик содир этилиши мумкин бўлган жойнинг масъулияти чекланган жамиятнинг масъул ходимлари томонидан фуқароларнинг хушёрлигини ошириш мақсадида “Ҳурматли фуқаролар, қўл сумкангиз, бошқа мулкингизни эҳтиёт қилинг! Кассавурлик жиноятининг жабрланувчиси бўлиб қолманг, шундай ҳолатларни гувоҳи

бўлсангиз, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ходимларига хабар беринг” мазмунидаги ўзбек ва рус тили матнидаги аудио-ёзувларни эшиттириш;

учинчидан, ички ишлар органлари тезкор ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда кассавурлик ҳолатлари юзасидан қизиқарли видеороликларни тайёрлаш ва аҳоли эътиборига етказиш;

тўртинчидан, кассавурлик содир этиш вақти, жойи, усулини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида мазкур қилмиш содир этилиши мумкин бўлган жойларда юқори мегапикселли видеокузатув камераларини ўрнатиш лозим.

Маълумки, амалиётда содир этилаётган кассавурлик жиноятнинг ҳаммаси ҳам фош этилмасдан қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари ушбу жиноятнинг латентлиги яъни, кассавурликдан жабрланган фуқаролар ИИБ ходимларига умуман хабар бермаслиги, бу ҳолат, кассавурлик билан шуғулланишни касб қилган шахсларга қўл келиб, жиноий фаолиятини давом эттиришига қулай шароит яратиши; ички ишлар органлари ходимларига жабрланувчи фуқаролар кассавурлик содир этилгани ҳақида ўз вақтида хабар бермаслиги, ушбу жиноятни “иссиқ изида” фош этишни анча қийинлаштириши ёки умуман фош этилмасдан қолишига олиб келиши; шунингдек, ички ишлар органларини тезкор ходимлари айрим кассавурлик ҳолати юзасидан жабрланувчини бирозгина чалғитиб ёки ўзаро келишган ҳолда ариза мазмунида мол-мулкни эҳтиётсизлик оқибатида йўқотганлиги, тушуриб қолдирганлигини баён этиб, кассавур шахсни излаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини етарли даражада ўтказилмасдан, ҳолатга юзаки баҳо бериб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси 2-банди, 330-моддасининг 2-банди талаблари асосида жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш ҳақида қарор қабул қилишлари, ушбу қарорларнинг барчаси ҳудудий прокурор томонидан ўрганилиб, керак бўлса, жабрланувчини чақириб, сўроқ қилиб, реал ҳолатга ойдинлик киритиш орқали аксарият ҳолларда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш қарорлари бекор қилиниб, кассавурлик ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилмоқда. Бу каби ташкилий камчиликлар вақтни ўтиб кетишига, кассавурликни содир этган шахсларни жавобгарлик масаласи ҳал этилмасдан, уларни такроран кассавурлик жиноятини содир этишига олиб келмоқда ёки ўн маротаба турли вақтларда ва жойларда кассавурлик жиноятини содир этган албатта, шахс қўлга олинган вазиятда фақатгина охириги қилмиши учун жавобгарликка тортилиб, қолган қилмишлари учун айбига иқрор бўлмасдан осонгина жавобгарликдан кутилиб қолаётганлиги, бу эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўлиқ таъминланмаётганлигидан далolat беради. Бундай камчиликларга асосий сабаб, жиноятчиликка оид ҳисоботларни реал ҳисобини юритилмаслиги, жиноят фактлари тўлиқ рўйхатга олинмаслиги, бунинг натижасида ички ишлар органларини тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилганидек нотўғри қарорлар қабул қилиши, бу сезган кассавур шахслар, жиноий қилмишини давом эттиришига қулай шароит яратмоқда.

Шунингдек, кассавурликка қарши курашиш билан бевосита шуғулланувчи ички ишлар органларининг кичик тезкор ходимлари дастлабки ва кейинги тезкор-қидирув тадбирларни қандай тактика ва усулларда ўтказишни билмасликлари кассавурликни фош этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кассавурликни фош этишда биринчи навбатда юқорида таъкидлаб ўтилган омилларни олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қолаверса, ИИБ ходимларини хизмат фаолиятига виждонан ёндошишини таъминлаш бўйича жойлардаги 3-сектор раҳбарлари иш фаолиятини тўғри ташкил этиши; кассавурликка қарши курашиш билан шуғулланувчи кичик тезкор ходимларнинг кассавурликни олдини олиш, фош этишда қўлланиладиган тезкор-қидирув тадбирларни қандай тактика ва усулларда амалга оширилишини ўргатиш талаб этилади.

Бугун амалиётда тезкор ходимлар ва кичик тезкор ходимлар томонидан кассавурликни фош этишда сўров; маълумотлар тўплаш; предметлар ва ҳужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; тезкор кузатув, текшириш учун харид қилиш, турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт

воситаларини текшириш; тезкор эксперимент[7] тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш лозим.

Киссавурликни фош этишда тезкор ходим қуйидаги вазиятлардан келиб чора-тадбирларни белгилаши лозим:

1-вазят: киссавурлик содир этилиши билан жабрланувчи ИИБ ходимларига дарҳол хабар берган ёки оғзаки равишда мурожаат қилган. Ушбу вазиятда тезкор ходим жабрланувчи билан сўров ва маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирини ўтказди. Зарурат бўлса, мутахассисни жалб этган ҳолда, киссавур шахсини аниқлаштириш мақсадида жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмасига асосан гумондорнинг тахминий юз тузилиши, гавдаси, эғнидаги кийими ва алоҳида белгиларини аниқлаш чорасини кўради. Киссавурлик содир этилган жойда видеокузатув камералари бўлганида, унинг эгаси ёки ташкилот масъулларидан рухсат олиб, кузатув камерасининг хотирасидаги маълумотларни текшириб кўради. Видеокузатув камерасида гумондор шахс, жиноят содир этиш вақтида тушиб қолганида, биринчи навбатда видео-ёзувдаги маълумотлар ахборот ташувчи восита(флешка)да ҳолислар иштирокида баённома билан расмийлаштирилади. ИИБнинг профилактика, эксперт-криминалистика, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари, Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда гумондорнинг шахсини аниқлаш чорасини кўради.

Жабрланувчидан ариза ва тушунтириш хати, гувоҳлардан ҳам тушунтириш хати расмийлаштирилади. Шунингдек, жабрланувчига киссавурликни содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг фотоальбоми кўрсатилади. Агарда гумондор шахс бошқа ҳудуд (вилоят)дан келиб, киссавурлик содир этганлиги аниқланса, тезкор ходим ўрнатилган тартибда хизмат сафарига бориб келиши ҳам мумкин. Гумондор шахс аниқлангандан сўнг, киссавурлик жиноятини содир этганлигини исботлаш учун далиллар тўпланади. Масалан, гумондор киссавурлик предметини ёнида, транспорт воситасида ёки бошқа жойларда сақлаётганини аниқлаб, икки нафар ҳолислар иштирокида кўздан кечириш ва олиб қўйиш тўғрисида баённома билан расмийлаштирилиши, гумондор ва ҳолислардан тушунтириш хати каби ҳужжатларни раймийлаштириш, гумондордан киссавурлик предметини сотиб олган ёки вақтинчалик сақлаш учун олиб қўйган шахсдан ҳам ҳолислар иштирокида далилий ашёлар баённома расмийлаштирилиб, ҳолислардан бу ҳақида тушунтириш хатлари олинади. Гумондор далилий ашёларни қачон ва неча маротаба олиб келгани ҳақида далилий ашёларни сотиб олган ёки вақтинчалик сақлаб келаётган шахсдан батафсил тушунтириш хати олинди, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаштириш зарур. Расмийлаштириладиган процессуал (ариза, тушунтириш хати, баённома) ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасини Жиноят-процессуал кодекс талабларига биноан далиллар мақбуллигига мос бўлиши лозим;

2-вазят: киссавурлик содир этилгандан 3-10 кун вақт оралиғида жабрланувчи ИИБ ходимларига ёзма равишда мурожаат қилган. Ушбу вазиятда тезкор ходим жабрланувчи билан сўров ва маълумотлар тўплаш, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиб, мутахассис сифатида рассомни жалб этган ҳолда гумондорни тахминий юз тузилишини чиздириб, эксперт-криминалистика хизматининг базасидан текшириб кўриб, шахсини аниқлаш чорасини кўради. Киссавурлик содир этилган жойда видеокузатув камералари бўлганида, предметларни текшириш сифатида видеокузатув камерасининг хотирасидаги маълумотлар текшириб кўрилади. Гумондор шахснинг юзи жиноят содир этиш вақтида ушбу видеокузатув камерасида тушиб қолганида, ИИБнинг профилактика, эксперт-криминалистика хизмати ходимлари билан ҳамкорликда гумондорнинг шахсини аниқлаш чорасини кўради. Видеокузатув камераси иш бермаси ёки жиноят жойида видеокузатув камераси бўлмаганда тезкор ходим ҳодиса содир бўлган жойда ва унинг яқин атрофларида ишловчи, яшовчи фуқаролар билан атрофлича сўров ва маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширади. Шунингдек, ушбу жиноятни фош этиш борасида тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахсларнинг имкониятидан мақсадли фойдаланиш ижобий самара бериб, кўмаклашувчи шахснинг меҳнати асосида киссавурлик предмети сақланаётган жойлар, гумондор шахснинг ўзи ва бошқа алоқадор шахслар ҳам аниқланиши мумкин.

Агарда гумондор шахс бошқа ҳудуд (вилоят)дан келиб, киссавурлик содир этганлиги аниқланса, ўрнатилган тартибда хизмат сафарига борилиб, гумондорни топишда, шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади. Тезкор ходим 1, 2-типик вазиятларда киссавурлик жиноятини фош этмаганида, жиноят ишини кўзғатиш қарори асосида киссавурликни фош этиш юзасидан махсус йиғмажилдини юритиб, амалга оширилган ишлари ҳақида маълумотларни жамлаб боради;

3-вазият: ишончли тезкор маълумотлар асосида киссавурлик содир этилиши мумкин бўлган жойларда пухта тайёргарлик кўриш асосида тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш орқали киссавурликни фош этиш. Ушбу вазиятда тезкор ходим тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбирини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15,16-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбар номига билдирги, махсус режа, қарор тузиб, тадбирни ўтказиш жойи ва вақти, иштирокчилар сони ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этади.

Тезкор экспериментни ўтказиш вақтида қонунийликни таъминлаш учун қуйидаги талабларга риоя этиш зарур: эксперимент чоғида ўтказиладиган жиноий режалар намоён бўлиши учун шарт-шароитлар ва объектлар гумон қилинган шахслар хатти-ҳаракатининг у ёки бу вариантни танлаши учун имкониятни таъминлаши лозим; эксперимент жараёнида, одатда, пассив кузатув, содир этиладиган ҳаракатларнинг характери, эксперимент ўтказиладиганида шахсни ғайриқонуний қилмиш содир этишга ундаш ёки мажбурлаш, ўз эҳтиёжларини қонуний усуллар билан қаноатлантиришини қийнайидиган шароитга қўйиш ман этилади[8]. Тезкор экспериментни ташкилий ва техник жиҳатдан таъминлаш учун тегишли қарор чиқарилиб, тезкор бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланганидан кейин тадбирни ўтказиш режаси тузилади[9]. Жиноят содир этишда асосли гумонланаётган шахс тадбирнинг объекти ҳисобланади. Тезкор эксперимент ўзининг ташкилий-тактик хусуси-ятига кўра комплекс ўтказиладиган тадбир бўлиб, тезкор кузатув, сўров, шахснинг айнанлигини аниқлаш, текшириш учун харид қилиш каби тезкор-қидирув тадбирларини ёки уларнинг айрим элементларини қамраб олади[10].

Киссавурни қўлга олиш учун шартли равишда жабрланувчи фуқаролар ва уларга киссавурлик предмети бўлган ашёлар, буюмлар, моддий қийматга эга бўлган нарсалар тақдим этилади. Киссавурлик фактини аниқлаш учун тезкор-қизиқиш уйғотувчи гумондор шахсга нисбатан тезкор кузатув тезкор-қидирув тадбири амалга оширилади. Ушбу шахс жиноят устида ёки бироз вақт ўтгандан сўнг қўлга олинади. Киссавурнинг қилмишини исботлаш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар, расмийлаштириладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекс талабларига биноан далиллар мақбуллигига мос бўлиши талаб этилади.

Киссавурликни самарали фош этишда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида қуйидаги ташкилий-тактик масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш лозим:

биринчидан, киссавурликни фош этишда ички ишлар органларининг тезкор ходим ва кичик тезкор ходимлари юқорида таъкидлаб ўтилган вазиятлардан келиб чиқиб, самарали чора-тадбирларни белгилаши;

иккинчидан, киссавурликка қарши курашиш билан бевосита шуғулланувчи кичик тезкор ходимларга дастлабки ва кейинги тезкор-қидирув тадбирларни кетма-кетликда амалга оширилишини таъминлашда “Ички ишлар органлари кичик тезкор ходимларининг киссавурликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш тартиби” номли ИИВнинг қўлланмасини ишлаб чиқиш, ушбу қўлланмада кичик тезкор ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, дастлабки, кейинги тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш тартибини белгилаш лозим;

учинчидан, киссавурликни фош этишда тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахсларнинг айнан мосини танлаб, уларнинг имкониятидан унумли фойдаланиш, меҳнатини инобатга олган ҳолда моддий рағбатлантириш;


тўртинчидан, киссавурликни фош этишда тезкор-техник восита (кичик ҳажмли камера, диктафон ва бошқ.)ларни қўллаш орқали киссавур шахсларни қилмишини исботлаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг талабига биноан далилларни тўплаш, текшириш ва расмийлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, киссавурликка қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирларини самарали амалга оширилиши, мазкур жиноят камайишига, жазонинг муқаррарлигини таъминлаб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатланишига эришилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. К –Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.90. (Explanatory Dictionary of the Uzbek language: more than 80.000 words and word combinations. J. P. K-orderly / editorial board: T.Mirzaev (leader)and others. Own. Res. FA language and literature in-ti. - T.: State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2006. – P.90.).
2. Бобомуродов Ф.Б. Ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмаларининг чорва моллари ўғирликларига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш: Монография // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2021.– Б.6. (Babamuradov F.B. Improving the activities of the operational-search units of the internal affairs bodies to combat pet theft: Monograph // MIA Academy of the Republic of Uzbekistan, 2021.– P.6.).
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ маҳсул қисм / М.Рустамбоев. – Тошкент: “Адолат”, 2016. Б.311-312. (Rustambayev M.X. Review of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan special part / M.Rustambayev. - Tashkent: "Justice", 2016. P.311-312.).
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон Қарори // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. мурожаат вақти: 17.11.2022. (Resolution of the plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan of April 30, 1999 No. 6 "on judicial practice in criminal cases of robbery, robbery and robbery of property of foreigners" // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time: 17.11.2022.).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисига 2022 йилнинг биринчи ярми яқунлари бўйича Ички ишлар вазири генерал-лейтенант П.Р.Бобожоновнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти // Электрон манба: <https://iiv.uz>. мурожаат вақти: 17.11.2022.
6. (Minister of internal affairs for the results of the first half of 2022 to the plenary session of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan Lieutenant General P.R. Bobojonov's information on the state of prevention and Prevention of offenses // / electronic source: <https://iiv.uz>. contact time: 17.11.2022.)
7. Ўзбекистон Республикасини 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 371-сон Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. мурожаат вақти: 17.11.2022. (Law No. 371 of the Republic of Uzbekistan "On the Prevention of offenses" of May 14, 2014 // electronic Source: <http://www.lex.uz>. contact time: 17.11.2022.)
8. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. мурожаат вақти:

- 17.11.2022. (Law of the Republic of Uzbekistan dated December 25, 2012 No. 344 "On operational-search activities"//electronic source: <http://www.lex.uz>. contact time: 17.11.2022.).
9. Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.97-99. (Khamdamov A.A., Saitbaev T.R., Gordeev S.N., Rashitkhadjayev R.T. Review of the law of the Republic of Uzbekistan "on operational-search activities" / responsible editor Sh.T. Ikramov. - T.: MIA Academy of the Republic of Uzbekistan, 2015. – P.97-99.).
10. Каримов Ваҳобжон, Тезкор-қидирув фаолияти: дарслик / В.Каримов - Тошкент, Lesson press, 2021. – Б.281-284. (Karimov Vahobjon, operational-search activities: textbook / V.Karimov-Tashkent, Lesson press, 2021. – P.281-284.)
11. Каримов Ваҳобжон Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ / В.Каримов: Масъул муҳаррирлар: Э.Т. Юлдашев, Е.В.Коленко.-Тошкент 2021. – Б.153.(Karimov Vahobjon scientific-practical review of the law of the Republic of Uzbekistan "on operational-search activities" / V.Karimov: responsible editors: E.T. Yuldashev, E.V.Kolenka.- Tashkent 2021. – P.153.)



Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич,
Токент давлат юридик университети
Ихтисослаштирилган филиали Жиноят-ҳуқуқий
фанлар кафедраси ўқитувчиси,
E-mail: jahongirbuxoro@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

For citation: Shukurov Jakhongir Rabbanaevich. UZBEKISTAN THE INSTITUTE OF PROBLEMS OF RECONCILIATION IN SOME KENGASHTIRISHDAGI APPLICATION RANGE. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ярашувнинг жорий этилганидан буён қўллаш доирасининг кенгайиб борётганлиги, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар замирида ярашувга эҳтиёжнинг криминаллашувни камайтиришда ечим сифатида ортаётганлиги, у билан боғлиқ қонунчиликни янада ривожлантириш либераллаштириш, истикболда ярашув институтини кенг қўллаш, шунингдек, уни қўллашда, тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш жараёнларидаги муаммолар ва юзага келтирувчи омиллар, уларнинг борлиги эса ярашув доирасини кенгайтиришга салбий таъсири, муаммоларга ечим сифатида фикрлар ва айрим таклифлар берилиб, атрофлича таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ярашув, суд-ҳуқуқ, институт, ислохот, криминаллашув, муаммо, омил, фикр, таклиф, қонунчилик, стратегия, қонун, жазо, статистика, апелляция ва кассация, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, инстанция.

Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич,
Преподаватель кафедры уголовно-правовых наук
специализированного филиала Токентского
государственного юридического университета
E-mail: jahongirbuxoro@gmail.com

НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАСШИРЕНИЯ СФЕРЫ ИНСТИТУТА ПРИМИРЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье расширяется сфера применения примирения с момента его введения, возрастает потребность в примирении как решении проблемы снижения криминализации в условиях реформ в судебной системе, дальнейшего развития и либерализации смежного законодательства, широкого использования института примирения в будущем, а также его

применение, расследование и обсуждение в суде проблемы и факторы в процессе, их наличие и негативное влияние на расширение сферы примирения, мнения и некоторые предложения в качестве решения проблемы даны и тщательно проанализированы.

Ключевые слова: примирение, судебная система, институт, реформа, криминализация, проблема, фактор, мнение, предложение, законодательство, стратегия, закон, наказание, статистика, апелляционная и кассационная жалоба, доследственная проверка, дознание, следствие, инстанция.

Shukurov Jakhongir Rabbanaevich,

Teacher of the Department of Criminal and Legal Sciences
of the Specialized Branch of Tokent State University of Law

E-mail: jahongirbuxoro@gmail.com

UZBEKISTAN THE INSTITUTE OF PROBLEMS OF RECONCILIATION IN SOME KENGASHTIRISHDAGI APPLICATION RANGE

ANNOTATION

In this article, the scope of application of conciliation has been expanding since its introduction, the need for conciliation is increasing as a solution to reduce criminalization in the context of reforms in the judicial system, the further development and liberalization of related legislation, the wide use of the institution of conciliation in the future, as well as its application, investigation and discussion in court. problems and factors in the process, their presence and negative impact on the expansion of the scope of reconciliation, opinions and some suggestions as a solution to the problems are given and thoroughly analyzed.

Keywords: conciliation, judiciary, institution, reform, criminalization, problem, factor, opinion, suggestion, legislation, strategy, law, punishment, statistics, appeal and cassation, pre-investigation, inquiry, investigation, instance.

Мамлакатимизда истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ суд ҳокимиятини фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирга қадар ўтган даврда жиноят ҳуқуқий, жиноят-процессуал ҳамда фуқаролик-процессуал қонунчилиги бир неча маротаба ислох қилиниб, суд-ҳуқуқ тизими ижро этувчи ҳокимият органлари таъсиридан чиқарилди ва ҳақиқий мустақил суд ҳокимияти тизимининг амалга оширилишига эришилди.

Айнан шу йўналишда, аввало, жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, уни инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштиришга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари олий даражага қўйилишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиздир.

Ислохотлар натижасидан маълумки, 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига асосан юртимизда ярашув институти ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида суд амалиёти билан боғлиқ тизим ислохотларида муҳим босқични бошлаб берди.

Мазкур институт жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури ҳисобланиб, жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади [1].

Ярашув институти қўллаш дирасининг кенгайиб бориши эса ўтган давр мобайнида жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилинишига, тушиниб-тушунмасдан жиноят содир этган шахсларга жазодан озод этилиб, тузалиш йўлига киришига, судланганлик ҳолатининг сезиларли камайишига, жиноий жавобгарликдан озод қилиш соҳасининг кенгроқ қўлланишига замин яратди.

Суриштирув, тергов ва судда ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда тарафлар ўртасидаги низола қисқа муддатда бартараф этилишига эришилиб, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши, унга етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилиб, судланувчи эса жиноий жавобгарликдан озод қилинаётгани бу соҳадаги ижобий натижадир.

Бундан ташқари, ярашув институти жорий этилганидан бугунги кунга қадар мамлакатимизда айнан шу соҳани ривожлантириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида яна бир қатор Президент Фармонлари, Олий суд пленуми қарорлари қабул қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланиб, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш борасида туб ислохотлар амалга оширилди[2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантиқий давоми десак муболаға бўлмайди[4].

Бундан ташқари, Суд амалиётида мазкур ҳуқуқий институтнинг бир хилда қўлланилиши ва қонун талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 25.10.2002 йилдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли Қарори қабул қилиниши, амалиётда ярашувни тўғри қўллашда тавфсиявий аҳамият касб этди[5].

Ушбу янги қонун ва бошқа ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад жиноят ишларини ҳал қилиш самарадорликни ошириш, криминоген ҳолатлар кўпайиб боришини олдини олиш учун ярашув институтини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантиқий давоми сифатида жиноят ишларини суриштирув, дастлабки тергов ва суд процессларида юритишни янада либераллаштиришдан, қолаверса бугунги ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, ярашувни терговга қадар текширув бошқичида ҳам амалиётга жорий қилишдан иборат. Аниқроқ айтганда, ярашганлиги билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан жуда катта самара бериб келмоқда. У жамиятда кишилар ўртасида ўзаро ишонч, тотувлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳини мустаҳкамлади, минглаб инсонлар тақдирида ижобий мазмун касб этиб, уларга жамиятдан, оиладан ажралмаган ҳолда тузалишига, ахлоқан покланишига имкон берди.

Ўтган давр мобайнида, ярашув институти сезиларли даражада ўз самарасини бериб келаётганлиги сабабли уни қўлланилиши доирасини янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Маълумотлар таҳлилига кўра, суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишларнинг, ярашув институтининг кенг қўламда қўлланилиши қанчалик самарали эканлигини жараённинг ўзи кўрсатмоқда.

2001 йилда Жиноят кодексидаги 26 та моддада назарда тутилган ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан ушбу институтни қўллаш назарда тутилган бўлса, бугунги

кунда Жиноят кодексининг 44 та моддасида назарда тутилган 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш мумкин[6].

Бу институт жиноят қонунчилигига критилганидан то 2016 йилнинг 1 январига қадар республика бўйича 177 минг 492 нафар шахсга нисбатан 163 минг 759 та жиноят иши бўйича тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган[7].

Шунингдек, суд статистикасининг сўнги 5 йиллик маълумотларига кўра, ярашув тамойили 2018 йилда 8 949 та жиноят иши бўйича 9486 нафар шахсга, 2019 йилда эса 6980 та жиноят иши бўйича 7329 нафар шахсга, 2020 йилда эса 7791 та жиноят иши бўйича 8266 нафар шахсга, 2021 йилда эса 12788 та жиноят иши бўйича 13624 нафар шахсга, 2022 йилнинг 3-чораги якунида эса 10427 та жиноят иши бўйича 11090 нафар шахсга нисбатан қўлланилган ва мазкур институт қўлланиб 2018 йилдан то 2022 йилнинг учинчи чораги якунига 49795 нафар шахс ярашилганлиги муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод этилган[8].

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, жинойи жазоларни либераллаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, айнан ярашув институтини қўллашда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ярашув билан боғлиқ ишларни Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш жараёнида бир қатор номутаносибликлар ва муаммолар юзага келмоқда.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодекси(ЖПК)нинг 583-моддаси 5-қисмида «Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт» дейилган бўлса, ярашувни тасдиқлаш ҳақидаги суд ажримига бағишланган 586-модданинг 5-қисмида эса «Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин»лиги кўрсатилган[9]. Бу ҳаракатларнинг амалиётда қўллашда биринчисига иккинчиси зид деган тушунчанинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 25.10.2002 йилдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли Қарорининг 9 бандида “Ярашилганлиги сабабли ишни тугатиш ҳақидаги суд қарори биринчи инстанция суди томонидан ажрим шаклида чиқарилади. Суд ажрим чиқаришда Жиноят-процессуал кодексининг 586-моддасида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этиши шарт”лиги айtilган[10].

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмида ярашувга эришилгандан кейин, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши ярашувни ўз кучида сақлаш, тарафларнинг ярашувдан воз кечишини, бекор бўлиб кетмаслигининг олдини олишини тушунишимиз мумкин.

Амалдаги жиноят-процессуал кодекси ёки Олий суд Пленум қарорида суд ярашувни тасдиқлаб ажрим чиқарганидан кейин суд ажримига нисбатан процесс иштирокчиларининг шикояти ёки хусусий протести айнан қандай ҳолатлар бўйича келтирилиши, суд ажрими билан тасдиқланган ярашувни бекор қилиш инobatга олинмоқдами ёки йўқлиги аниқ кўрсатилмаган.

Жиноят процессуал кодексининг 583-моддасига кўра, иш бўйича қатнашаётган тараф ярашув тўғрисидаги аризани дастлабки тергов жараёнида бошланиб, суд муҳокамасининг исталган босқичида, энг кечи билан суд маслаҳатхонага киришидан олдин бериши кераклиги айtilган. Бу эса, биринчи инстанцияда суд маслаҳатхонага кирганидан кейин, ярашувни судловнинг кейинги босқичларида амалга ошириш имконини йўққа чиқаради. Ярашувни судловнинг апелляция ва кассация инстанцияларида ҳам қўллаш мумкинлиги эса қонунда белгиланмаган.

Амалиётда гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчи ёки уларнинг вакиллари бепарволик ва бошқа омиллар сабабли жабрланувчи билан келишмасдан биринчи инстанция судида иш қўрилиб, жазо тайинланганидан сўнг ишнинг моҳиятини англаб етиб, апелляция ёки кассация инстанциясида ишни қўриш вақтида етказилган зарарларни тўлиқ қоплашга ҳамда жабрланувчи билан ярашишга тайёрлигини маълум қилиб апелляция ёки кассация тартибда шикоят беради.

Лекин, қонунчилигимизда апелляция ёки кассация инстанцияларида ишни қўриш вақтида жабрланувчининг ярашув тўғрисида ариза бериши, бу босқичларда ярашувни қўллашнинг мавжуд эмаслиги тарафлар ярашган бўлишига қарамасдан иш умумий тартибда қўрилиб, жазо тайинланишига, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланмасдан қолишига, шунингдек, шахснинг судланганлик ҳолати юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманида яшовчи Р.М. Юқоричирчиқ туман деҳқон бозори олдида К.О.нинг ишончига кириб, 5 минг АҚШ доллари эвазига 14 дона эшик ясаб беришни ваъда қилган. Бироқ у ваъдасида турмай пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Дастлабки тергов органи томонидан у айбланувчи сифатида жиноят ишига жалб қилинган. Биринчи инстанция суди мажлисида Р.М. етказилган зарарни қоплаб бермаганлиги оқибатида иккаласи келиша олмасдан ярашмаганлиги сабабли суд ишни умумий тартибда тугатиб, Р.М.га нисбатан жазо тайинлади. Р.М. ўзига тайинланган жазонинг оқибатларини англаб, агар етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, жабрланувчи билан ярашган тақдирида жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлигини тушунди ва 10 кун ичида апелляция тартибда шикоят қилди. Иш апелляция тартибда қўрилаётган вақтида К.О. судланувчи унга нисбатан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани ва у билан ярашганлиги, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув ихтиёрий равишда бўлганлигини кўрсатиб судга ариза билан мурожаат этди. Лекин суд апелляция ёки кассация инстанцияда ярашувни қўллаш имкони йўқлиги сабабли аризани инобатга олмасдан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўз кучида қолдирди.

Қатор ҳуқуқшунос олимлар ярашув институти бу суд-ҳуқуқ тизимидаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, инсонлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш ва ижтимоий барқарорликни ўрнатишга қаратилган жараён эканлигини ҳам ўзларининг олиб борган тадқиқотларида очиб беришган.

Жумладан, маҳаллий олимлардан Д.Камалходжаевнинг илмий ишида ярашувни ҳам дастлабки тергов ҳам суд муҳокамаси даврида қўллаш мумкинлиги, тарафларнинг бир бирига нисбатан карама-қаршилик (душманлик) ҳолатини тезкорлик билан юмшатиш мумкинлиги, суднинг энг асосий функцияси бўлмиш -ижтимоий келишув ва муросани амалга ошириш воситаси эканлиги, айбланувчи (судланувчи)нинг аризасида жиноят содир этганлигига тўла иқроқ бўлиб, унинг жамиятга тузалган ҳолда қайтиб келиши учун ниҳоятда қисқа вақт талаб этилишини, айбланувчи (судланувчи) га нисбатан таъсир чораларни тез ва муқаррар равишда қўлланилишига кўмак бериши, дастлабки тергов органларини янги далилларни излашдан халос қилиб, мураккаброқ бўлган жиноят ишларининг қўрилиши учун қулай шароитлар яратилиши ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборининг оғир жиноятларни фош этишга қаратилишида етарлича имкониятлар юзага келишини асослаб берилган[11,Б.57].

Бундан ташқари, С.М.Саҳаддиновнинг тадқиқоти давомида суд муҳокамасида ярашув институтини самарали қўлланиши, суд жараёнида йўл қўйилаётган хатоларнинг олдини олиш масалалари, жиноят процессида ярашув институтининг тушунчаси, ярашув институтига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг таснифи ва ярашувни янада такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган. Шунингдек, бу масала буйича хорижий тажриба ўрганилган, ярашув институтининг хусусий айблов институти билан боғлиқ экани ва уларнинг ўзаро таъсирини келажакдаги жиноят-процессуал қонунида қай тарзда ифодаланиши таҳлил этилган ҳамда хусусий айбловга ҳам ярашув тўғрисида ариза тақдим этиш ҳуқуқи берилиши масаласи диссертацияда асослаб берилган[12].

Экспертлар фикрига кўра, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун судланганлик ҳолати мавжуд шахслар томонидан, шунингдек жазони ўтамай туриб ёки

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб ёхуд жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахслар томонидан жазонинг ўталмаган қисми мобайнида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилганда уларга нисбатан жазо тайинлаш бўйича суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, Жиноят кодексининг айрим нормаларидаги мавжуд чекловлар, шахс эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган бўлсада, бироқ у ўз айбига иқдор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ҳамда етказилган зарарни бартараф этган тақдирда ҳам судлар томонидан бундай шахсларга нисбатан ярашув институтини қўллаш имконини чекламоқда[13].

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасининг иккинчи қисмида, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди деб кўрсатилган. Суд амалиётида оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун судланганлик ҳолати мавжуд шахслар томонидан эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилган бўлиб, судланувчи ўз айбига иқдор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ҳамда етказилган зарарни бартараф этган тақдирда ҳам судлар ЖК 66¹-моддасининг иккинчи қисмидаги чекловни инобатга олиб, судланувчиларга нисбатан 66¹-моддасини қўлламасдан, ҳукм чиқариб, турли хил жазолар тайинланмоқда[14].

Мисол учун, Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2012 йил 8 ноябрдаги ҳукмига кўра, судланган “К” шахс ЖК 25, 223-моддасининг 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Судланган “К” шахс жазони тўлиқ ўтагандан сўнг, судланганлик ҳолати тугалланмай, 2015 йил 21 ноябрь куни автотранспорт воситасини бошқариб кетаётганида йўл транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада “К” шахс дастлабки тергов томонидан ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган ва жиноят иши судга юборилган.

Мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судида кўриб чиқилган бўлиб, суд муҳокамасида судланувчи “К” шахс айбига тўлиқ иқдор бўлиб, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб берганини таъкидлаб, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраган. Шунингдек, суд муҳокамасида жабрланувчи “Т” шахс ҳам судланувчи унинг ҳолидан хабар олиб тургани, даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатгани, шу сабабли “К” шахсга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини таъкидлаб, суддан судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берган.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2016 йил 9 январдаги ҳукмига асосан судланувчи “К” шахс ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари, яъни 1.184.000 сўм жарима жазоси, ЖК 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо тайинланган.

Шунингдек, ЖК 60-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. ЖК 72-моддасининг саккизинчи қисмида, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга 60-моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди деб кўрсатилган. Бунинг натижасида суд амалиётида маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб жазонинг ўталмаган қисми мобайнида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ва ўз айбига иқдор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни бартараф этган тақдирда ҳам судлар томонидан бундай шахсларга нисбатан ЖК 60-моддасининг биринчи қисми ва 72-моддасининг саккизинчи қисмидаги нормалар талабидан келиб чиқиб, бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинланмоқда[15].

Умуман олганда, Ўзбекистонда ярашувни қўллашда, ишларни тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш жараёнларида айрим муаммолар мавжуд. Айниқса, бундай омилларнинг сақланиб қолиши ярашувни қўллаш доирасини кенгайтиришга ўз салбий таъсир кўрсатмасдан

қолмайди. Бу эса жамиятда криминал вазиятга жиддий таъсир кўрсатади. Келгусида, ушбу муаммоларнинг бартараф этилмаслиги терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида ярашувни кенгрок қўллашдаги муаммоларнинг янада кўпайишига ҳамда криминал вазиятнинг ёмонлашишига олиб келади[16].

Ярашувни қўллашдаги юқорида келтирилган муаммоларни бартараф қилиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмининг мазмунига 586-модданинг 5-қисми зид бўлганлиги сабабли 586-модданинг 5-қисмига қўшимча киритиб, қайси ҳоларда хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкинлигига аниқлик киритиш;

ЖПКнинг 583-моддаси биринчи қисмидаги «аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин» деган жумлани чиқариб ташлаш зарур. Дастлабки тергов жараёнида айблов қарори билан иш судга юборилиб, биринчи инстанция судида ярашувга келинмасдан иш тугатилган тақдирда, суднинг кейинги босқичларида, апелляция ва кассация инстанцияларида ҳам ярашувни қўллаш имкониятини ЖПКнинг 583-моддаси 1-қисмига киритиш лозим;


Бугунги кун суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида ярашув институтини доирасини янада кенгайтиришни тақозо этади. Шундай экан Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятлар қамровини янада кенгайтириш, шу қисмдаги айрим жиноятлар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар томонидан содир этилган тақдирда ҳам уларнинг ярашганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 66¹-моддаси 2-қисмида кўрсатилган чекловларни қўлламаслик тўғрисида ушбу моддага ва Пленум қарорига қўшимча киритиш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Чутбаев, М. Р. (2022). Дастлабки терговда жиноят ишини тугатишнинг моҳияти ва асослари. Conference, 53-58. (Chutbaev, M. R. (2022). The nature and grounds of termination of the criminal case in the preliminary investigation. Conference, 53-58)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги, ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон. (Decree No. PF-4947 dated February 7, 2017 of the President of the Republic of Uzbekistan "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan", Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70, No. 20, Article 354, No. 23, Article 448, No. 37, Article 982; National database of legal documents, 31.07.2018, No. 06/18/5483/1594; 11.12.2019, No. 06/19/5892/4134; 03/17/2021, No. 06/21/6188/0216, 05/01/2021, No. 06/21/6217/0409).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 августдаги, ПФ-6041-сонли Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further strengthen the guarantees of protection of the rights and freedoms of the individual in judicial and investigative activities" of August 10, 2020, No. PF-6041, National database of legislative information, 30.11.2021, No. 06/21/26/1111).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги, ПФ-60-сонли

- Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026" dated January 28, 2022, No. PF-60, National database of legislative information, 01/29/2022, No. 06/22/60/0082, 03/18/2022, No. 06/22/89/0227, 04/21/2022, 06/22/113/0330 - hip).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли Қарори. – Тошкент, 2002 й. 25 октябрь. (The 27th edition of the Plenum of the Supreme Court of Uzbekistan "On the practice of court on the work in the adhesion knot". - Tashkent, 2002. October 25.)
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон. (The first part of Article 661 of the Criminal Code of Uzbekiston as amended by the Law of the Republic of Uzbekistan No. O'RQ-683 of april 21, 2021 — National database of legislative information, 04/21/2021, No. 03/21/683/0375).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суднинг 2001-2016 йилгача бўлган маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (The author is the author of the database of the from Supreme Court of Uzbekistan 2001 to 2016.).
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Суднинг <https://stat.sud.uz/> сайтидаги “Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2021 йиллар ҳамда 2022 йил биринчи чорагидаги фаолият якунларининг асосий кўрсаткичлари асосида муаллиф ишланмаси. <https://stat.sud.uz/file/2022/12-04/B9.pdf> ("The main indicators of the results of the activities of criminal courts in the years 2018-2021 and the first quarter of 2022" on the website of the Supreme Court of Uzbekistan <https://stat.sud.uz/> is the author's study. <https://stat.sud.uz/file/2022/12-04/B9.pdf>).
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 583-моддаси бешинчи қисми, 586-моддаси бешинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонунига мувофиқ киритилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда. (The fifth part of Article 583, the fifth part of Article 586 of the Criminal Procedure Code of Uzbekistan, Introduced in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan No. 254-II dated August 29, 2001 — Bulletin of the Oliy Majlis, 2001, No. 9-10, Article 165).
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли Қарори. 9-банд. – Тошкент, 2002 й. 25 октябрь. <https://lex.uz/docs/1453539> (The 27th edition of the Plenum of the Supreme Court of Uzbekistan "On the practice of court on the work in the adhesion knot". - Tashkent, 2002. October 25. <https://lex.uz/docs/1453539>)
11. Камалходжаев Д. “Понятие и сущность примирительной формы разбирательства уголовных дел” // Ҳуқуқ-Право-Law, 2001, №4, с. 57 (56-58). (Kamalkhodjaev D. Ponyatie i sushchnost primiritelnoy formy razbiratelstvaugolovnyx del // Huquq-Pravo-Law, 2001, №4, p. 57 (56-58)).
12. Сахаддинов С.М. “Суд муҳокамаида жиноят процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари”:- дисс. автореф. ю. ф. н.-Т.: - 2005. (Sakhaddinov S.M. “Problems of improving criminal procedural reconciliation in court proceedings”:- diss. autoref. yu. f. n.-T.: - 2005.)
13. ЖР Шукуров, ГЗ Тулаганова, ДБ Базарова. Ўзбекистон Республикасида Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш. Ўқув-қўлланма.-Т: ТДЮУ нашрети, 2022.(JR Shukurov, GZ Tulaganova, DB Bazarova. Proceedings of reconciliation cases in the Republic of Uzbekistan. Study guide.-T: TDYuU publishing house, 2022).

14. Шукуров, Ж. (2022). Ўзбекистонда иқтисодий жиноятчиликка қарши курашишнинг назарий таҳлили. (Shukurov, J. (2022). A comparative analysis of economic crime prevention in Uzbekistan).
15. Maxmudovich, B. M., & temur Rovshan o'g'li, A. (2022). Problems of Realization of the Sovereignty of the Institute " Habeas Corpus Act" in the Criminal Procedure. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 11, 46-50.
16. Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич. (2022). Ярашув институтининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies, 1(2), 184–189. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icmsss/article/view/388> (Shukurov Jakhongir Rabbanaevich. (2022). Occurrence and maturation of adhesion. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies, 1(2), 184–189. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icmsss/article/view/388>).



Султанходжаев Равшан Иркинович,
Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси
бошлиғи ўринбосари, полковник
E-mail: akkauntclash 171@ gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ТЕЗКОР-КИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАНБАИ СИФАТИДА

For citation: Sultankhodjaev Ravshan Irkinovich. THE LAW OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON “ACCELERATED ACTIVITY” IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS AND LAW-MAKING AS A MAIN SOURCE FOR ENSURING COMPLIANCE WITH LEGISLATION IMPROVEMENT Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги” қонунининг қабули қилиниши асослари, қонунинг мақсади, вазифалари, қонунга асосан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш давомида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан боғлиқлиги, тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шакллариининг ҳамда уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларининг мустаҳкамланиши масалалари бўйича олимларнинг фикрлари, илмий қарашлари ёритилган.

Калит сўзлар: қонун, резолюция, тезкор-қидирув фаолияти, қидирув, тезкор-қидирув тадбирлари, қонун ҳужжатлари, маълумот, ахборот, хавфсизлик, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, терговчи, суриштирувчи, прокурор, суд, ҳамкорлик, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, ҳуқуқ.

Султанходжаев Равшан Иркинович,
Заместитель начальника Главного управления
внутренних дел города Ташкента, полковник
E-mail: akkauntclash 171@ gmail.com

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН "ОБ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ" КАК ИСТОЧНИК СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОБЛАСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СВОБОД ГРАЖДАН

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются мнения и научные взгляды ученых на основании принятия закона "Об оперативно-розыскной деятельности" в Узбекистане, цель, задачи закона, обеспечение защиты прав, свобод и законных интересов человека при проведении оперативно-розыскной деятельности в соответствии с законом, развитие правового регулирования оперативно-розыскной деятельности.

Ключевые слова: закон, резолюция, оперативно-розыскная деятельность, розыск, оперативно-розыскные мероприятия, законодательство, информация, сведения, безопасность, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, следователь, дознаватель, прокурор, суд, сотрудничество, результаты оперативно-розыскной деятельности, право.

Sultankhodjaev Ravshan Irkinovich,
Deputy Head of the Main Department of Internal
Affairs of the city of Tashkent, Colonel
E-mail: akkauntclash 171@ gmail.com

THE LAW OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON “ACCELERATED ACTIVITY” IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS AND LAW-MAKING AS A MAIN SOURCE FOR ENSURING COMPLIANCE WITH LEGISLATION IMPROVEMENT

ANNOTATION

The article discusses the opinions of scientists on the basis of the adoption of the law “on operational-search activities” in Uzbekistan, the purpose, objectives of the law, ensuring the protection of human rights, freedoms and legitimate interests during the conduction of operational-search activities in accordance with the law, the development of legal regulation of operational-search activities in connection with the adoption of, scientific views are covered.

Keywords: law, resolution, search, operational-search activities, legislation, Information, security, suspect, defendant, investigator, inquiry officer, prosecutor, Court, cooperation, results of operational-search activities.

Янгилаётган Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда [1].

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик ривожланиш йўлига назар ташлайдиган бўлсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши тадрижий асосларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганидан сўнг, тизимлилик ва тадрижийлик асосида собиқ тузумдан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида мохият-этибори билан бутунлай янги — ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан борди [2].

Бизнинг мустақил давлатимиз ўзининг мустақиллика эришиш жараёнида халқаро ҳамжамият ва демократия чуқурроқ илдиз отган мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиб келди. Инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг эркинликларини энг юксак қадрият сифатида эътироф этиш билан бир қаторда қонун устуворлиги талабларига жавоб берувчи ҳуқуқий тизим барпо этилиши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро нормалар устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилишига олиб келди.

Қонунчилик ривожланишига халқаро ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар орасида “юмшоқ ҳуқуқ”, деб номланган тизим элементлари, хусусан сиёсий қарорлар ва шартлашувлар, халқаро ташкилотларнинг резолюциялари ва тавсиялари ҳамда қонун моделлари тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг резолюция, тавсия ва қонун моделларининг ҳуқуқий тизимга таъсири юридик техниканинг алоҳида концептуал қоидаларидан бошлаб токи тавсияларнинг айрим қоидаларини қонун ҳужжатлари матнига тўлиқ киритишгача бўлган турли шаклларда мавжуд бўлади [3].

Америка Қўшма Штатларида 2001 йил 11 сентябрда уюштирилган катта хажмдаги террористик акт натижасида тезкор-қидирув фаолиятида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш нақадар муҳимлигини кўрсатиб берди. Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 28 сентябрда қабул қилинган Резолюциясида барча давлатларни террористларни ҳаракатлари, ҳаракат йўналишлари, тармоқлари; сохта ёки қалбаки ҳаракатланиш ҳужжатлари, қурол, ўқ-дори савдоси, портловчи воситалар, коммуникация технологияларидан фойдаланиши юзасидан тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ва янада тезлаштириш талаб этилган [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6041-сонли Фармони билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш ва бошқа бир қатор тартиблар белгиланди [5].

Ҳозирги кунда тезкор-қидирув фаолияти фақат жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмай, балки асосий мақсади сифатида инсон ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фожия этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек, таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш, чет давлатларнинг, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг, гуруҳларнинг ҳамда айрим шахсларнинг давлат манфаатларига ва хавфсизлигига зарар етказётган ёки зарар етказишга қодир бўлган разведка, диверсия, кўпоровчилик ва бошқа бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ҳамда унга барҳам бериш, чет давлатларнинг махсус хизматлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва айрим шахслар келтириб чиқарадиган, давлат манфаатларига дахл қиладиган, реал хавфхатарлар ҳамда таҳдидларни акс эттирадиган ахборотни қўлга киритишга ва унга ишлов беришга, шунингдек давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда давлат манфаатларини илгари суришга доир чоратадбирлар амалга ошириш, ҳарбий, экологик, иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ва давлат бошқарувининг бошқа муаммоларини ҳал қилишни бошқа муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади [6, 6-9].

Ички ишлар органлари тезкор ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши учун, аввало, ноқонуний хатти-ҳаракат ҳақида маълумот (ахборот)

олишлари керак. Ахборотни олиш бевосита (масалан, тезкор ходим шахс билан юзма-юз мулоқот жараёнида маълумотни олиши) ва билвосита (масалан, ёзма аризалар, почта орқали қабул қилинган хабарлар ва бошқалар) бўлиши мумкин. Кўриб чиқиладиган асоснинг мазмунини ташкил қилувчи маълумотлар процессуал шаклда (масалан, жиноят ҳақидаги ариза, тушунтириш хати, сўроқ баённомаси ва бошқалар) ёки непроцессуал шаклда (масалан, тезкор йўллар билан олинган хабарлар) бўлиши мумкин [7].

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг демократик, ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиши йўлидаги тўсиқлардан бири жиноятчиликдир. Мамлакатимиздаги ўтиш даврида бу ижтимоий хавfli ҳодиса кучли ривожлана бошлаган эди. Жиноятчиликнинг миқдорий кўрсаткичлари, шунингдек сифат борасидаги ўзгаришларига (уюшганлик, умумжиноий, иктисодий ва сиёсий элементлар уйғунлашуви, фаоллик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларига қаршилиқ жадаллашуви, давлатчиликнинг негизларига нисбатан экстремистик ва террорчилик йўналишлари ва ҳ.к.) таянган ҳолда у томондан миллий хавфсизликка таҳдид пайдо бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Бундай шароитда анъанавий жиноят-процессуал шакллар ва кураш усуллари самарасиз бўлиб қолади. Шунингдек, давлатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида фаолият тури сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тартиби бир қатор қонун ҳужжатларида, жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган бўлса-да, мазкур фаолият 2012 йилга қадар алоҳида ҳуқуқий тизим шаклида ёки алоҳида қонун орқали тартибга солинмаган эди.

Шу нуктаи назардан, алоҳида ягона қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шакллариининг ҳамда уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларининг мустаҳкамланиши, ушбу фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солишчи бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган нормаларни тизимлаштириш имконини яратади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга яқиндан ёрдам беради [8].

Ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг ушбу шаклига хос бўлган конспиративлик, ошкора ҳамда ноошкора куч ва воситалар уйғунлиги сабабли тезкор-қидирув фаолияти жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, йўл қўймаслик ва очишда юксак натижаларга эришиш имконини беради.

Ҳозирги кунда оғир ва ўта оғир жиноятларнинг аксарияти фақат тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланган ҳолда фош этилмоқда. Бир қанча жиноятлар бўйича жиноят ишлари, қоида тариқасида, уларни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилганидан кейингина қўзғатилаяпти. Масалан, гиёҳвандик воситаларининг ноқонуний айланиши соҳасидаги жиноятлар текшириш учун харид қилиш ва назорат остида етказиб бериш тадбирларини амалга ошириш орқали, коррупция йўналишидаги жиноятлар эса, тезкор экспериментлар ўтказиш натижасида аниқланмоқда. Биз сўз юритаётган муаммолар кесимида тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, биринчидан у ёпиқ тусда бўлади. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига қадар бизнинг давлатда тезкор-қидирув фаолияти қонун даражасида умуман тартибга солинмаган эди. Бу борадаги биринчи махсус қонун – “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фақат 2012 йилга келиб қабул қилинди. Шу вақтга қадар жиноятчиликка қарши курашишнинг ўта муҳим шакли СССР ИИБ ва ДХХнинг ёпиқ идоравий норматив ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганди.

Ҳозирги кунда тезкор-қидирув фаолияти унинг ўзига хос хусусиятлари сабабли асосан шундай фаолиятни амалга ошириш ваколати қонунда белгиланган ИИБ, ДХХ, ДБК ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва махсус хизматларининг шу каби норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган. Лекин шу нарсаниунутмаслик керак-ки бу идоравий ҳужжатлардаги қоидалар ҳозир амалда бўлган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (кейинги ўринларда – “ТҚФ тўғрисидаги қонун”) зид бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, ТҚФ тезкор изланув хусусиятига эга бўлгани сабабли уни амалга ошириш инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасига кириш билан узвий боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Фуқароларнинг ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар сири, уй-жой дахлсизлиги борасидаги ва бошқа конституцион ҳуқуқлари тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш доирасида ноошкора тарзда чекланади. Аммо бу тадбирларнинг амалга оширилишини қонунийлиги қонунга асосан прокурор томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади.

Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг предмети қўйидагилардан иборат [9.6-44]:

- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишлиги; - тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиби;

- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги;

- тезкор-қидирув фаолияти натижаларида аниқланган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни процессуал қонунчилиги асосида қайта текшириш ва расмийлаштиришнинг қонунийлиги.

Юқорида айтиб ўтилган ўзига хос хусусиятлар сабабли ТҚФ бир томондан жиноятчиликка қарши кураш манфаатлари, иккинчи томондан шахснинг манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари орасида доимий равишда мувозанат сақлаб туришига тўғри келади.

1997 йил 6 декабрда МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг ўнинчи ялпи мажлисида 10-12-сон қарор билан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги модель қонун қабул қилинган. Аксарият тадқиқотчилар модель ҳужжатларни тавсия тусидаги ҳужжатларнинг бир тури, деб ҳисоблайдилар ва халқаро шартномалар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларини улар қаторига қўшмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, модель қонунлар ва тавсия тусидаги ҳужжатлар давлатлар зиммасига юридик мажбуриятларни юкламасдан, балки уларнинг ички ҳуқуқ соҳасига таъсир кўрсатишнинг энгил механизмларидан фойдаланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни қабул қилиш билан қонунчилигимизнинг айрим ҳужжатларига қўшимча ўзгартиришлар киритилди. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексимиз 1994 йилда қабул қилинганлиги сабабли Қонунни қабул қилишда қатнашган қонун чиқарувчилар ва мутахассислар ахборотни жўнатиш, ушлаб олиш ва қайд этиш борасидаги техник имкониятлар, алоқа турлари ва усуллари бу қадар жадал ривожланиб кетишини ўша вақтда олдиндан билишнинг имконияти бўлмаган. Натижада улар ўша вақтда мавжуд бўлган техник ривожланиш даражасига, алоқа ва қайд этишнинг шу пайтда маълум бўлган даражасига таянганлар.

Агар Жиноят-процессуал кодекснинг ўзига ҳамда 1998 йил 25 декабрда 721-И сон билан қабул қилинган “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган ўзгартишларнинг ўзи батафсилроқ кўриб чиқилса, уларга илмий-техник тараққиёт талаблари ҳисобга олинган ҳолда муҳим ўзгартиришлар киритилгани аён бўлади. Чунончи, агар илгари “телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш” ибораси қўлланилган бўлса, энди у замонавий тенденцияларни кенгроқ қамраб олувчи “телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш” иборасига алмаштирилган [11].

Бундан ташқари, ЖПКга киритилган ўзгартишлар бу фаолият тури билан шуғулланувчи субъектга ҳам тааллуқли бўлди. Агар илгари ЖПКда эшитиб туриш

тўғрисидаги қарорларни ижро этувчи ягона орган сифатида Давлат хавфсизлиги органлари кўрсатилган бўлса, энди бу орган янги тахрирда “махсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилади”, деб кўрсатилди.

Ҳаммага маълумки, муқаддам сўзлашувлар магнит тасмаларда ёзиб борилган, ҳозиргикунга келиб, ахборот технологияларининг ривожланиб боришини билан мазкур тасмаларнинг ўрнини янада сифатлироқ ва замонавий рақамли ёзиб олиш воситалари эгаллади.

Шу муносабат билан, ЖПКнинг сўзлашувларни қайд этиш қисмидан “сўзлашувлар фонограммалари ёзилган магнит тасма” сўзлари олиб ташланди ва унинг ўрнига, келажакда юз бериши мумкин бўлган катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, “қайд этилган ахборот” ёки “сўзлашувлар ёзуви” сўзлари киритилди.

Шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга уй-жой дахлсизлиги, ёзишмалар сири, телефондаги ва бошқа сўзлашувлар сири, почта ва курьер орқали жўнатмалар ҳамда алоқа каналлари орқали юбориладиган телеграф хабарлари билан боғлиқ ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув тадбирларидан прокурор санкцияси асосида фойдаланиш имконияти берилиши ҳам ЖПКга киритилган муҳим ўзгариш бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344 сонли Қонунига ҳам шу қонуннинг ўзи билан муҳим ўзгаришлар киритилган. Хусусан, тезкор-қидирув тадбирларининг (кейинги ўринларда – ТҚТ) 2 тури, яъни “телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш” ва “алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш” битта ТҚТ га бирлаштирилди.

Шунингдек, ТҚТнинг янги тури – абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш қўшилган бўлиб, мазкур тадбир абонентларнинг уланиш санаси, вақти, давомийлиги ҳақида ва бошқа маълумотларни олишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади.

Парламент юқори палатасининг ўн олтинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди. Таъкидланишича, Қонундан кўзланган мақсад Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи Ўзбекистон миллий тизимини баҳолашининг иккинчи босқичи муваффақиятли ўтказилишига тайёргарлик кўриш доирасида ФАТФ тавсияларини қонунчиликка киритишдан иборат бўлган. Бу Қонун орқали амалдаги 2 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Биринчидан, жиноий йўл билан топилган даромадларни аниқлаш, хатлаш ва мусодара қилиш мақсадида “Банк сири тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш киритиш йўли билан банк сири ҳисобланувчи маълумотларни прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органларга тақдим этиш тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, “Банк сири тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишларда дастлабки тергов ва жиноят иши доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот базасидан банклардаги ҳисобварақлар тўғрисида маълумот олиниши кўзда тутилган. Шу билан бирга, прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органлар, шунингдек хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан банк сири ҳисобланувчи маълумотларни алмашиш тартиби белгиланган.

Иккинчидан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартишларда прокурор санкцияси орқали ТҚТни амалга оширувчи органларига банк сири ҳисобланувчи маълумотларни бериш тартиби кўзда тутилган.

Хусусан, банк сири ҳисобланувчи маълумотлар прокурор санкцияси асосида қуйидагиларга берилиши белгилаб қўйилган:

биринчидан, прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органларига – иш учун аҳамиятли тафсилотларни аниқлаш, етказилган зарарни ундириш ёки мулкни ҳибсга олиш

мақсадида, уларнинг иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича, терговчи ёки суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра;

иккинчидан, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органларга – ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида, уларнинг иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи орган раҳбари тасдиқлаган асослантирилган қарорга кўра.

Қонунга киритилган бу ўзгаришлар куйидагиларда ёрдам беради:

- БМТ конвенцияларининг талаблари ва ФАТФ тавсиялари миллий қонунчиликка киритилиши;

- Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи Ўзбекистон миллий тизимини баҳолашининг иккинчи босқичи муваффақиятли ўтишини таъминлаш;

- республиканинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва унинг халқаро рейтинглардаги позицияларини яхшилаш.


Кўриб турганимиздек, киритилган ўзгаришлар таҳлили бизга аслида давлат ва жамият ривожланишига ҳамда замон талабларига мувофиқ тарзда ўзига хос ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш имконини беради. Бу эса, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш учун зарур табиий қадамдир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қонунийликка риоя этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга хизмат қилади. Мазкур қонун юртимиз суд ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада либераллаштиришга кенг замин яратади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнь, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6012-сон Фармони (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan dated June 22, 2020 No. 6012 PF "on approval of the national strategy of the Republic of Uzbekistan on human rights".);
2. Жўраев Қ.Тезкор-қидирув фаолиятида фуқаролар ҳимояси. <https://parliament.gov.uz/upload/iblock/6e8/hfnlnceqkbbby-kzkuwgazfgml.pdf> (Zhuraev G. Protection of citizens in operational-search activities.);
3. Бризкун К.А. “О видах рекомендательных актов международных организаций и формах их влияния на национальное законодательство” // Журн. рос. права. — 2010. — № 8 (Brizkun K.A. “On the types of advisory acts of international organizations and the forms of their influence on national legislation” // Journal of Russian Law. — 2010. — № 8);
4. Расулев З., Тезкор-қидирув фаолиятига замонавий ёндашувлар, амалдаги муаммолар. 2021. <http://hudud24.uz/tezkor-%D2%9Bidiruv-faoliyatiga-zamonaviy-yondashuvlar-amaldagi-muammolar> (Rasulev Z., Modern approaches to operational-search activities, current problems. 2021.);
5. Тошев О, Нурматов Р, Қонун устуворлигини таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохатлар. Zamin.uz 2020. <https://vk.com/@zaminuz-rss-1728873584-61050907> (мурожаат санаси 27.11.2022й.) (Toshev o, Nurmatov R, reforms carried out in the judicial and legal system in order to ensure the rule of law.);
6. Пўлатов А.С. Тезкор-қидирув фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари. Монография. –Т.: Ўзбекистон, 2021.Б-9. (A. Pulatova.S. Accelerator-kadyruv activity and uning law on the basis of. Monograph. - Т.: Uzbekistan, 2021.Б-9.);

7. Рахимхўжаев Р.Н., Ички ишлар органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари. C:/Users/user/Downloads/2777-Текст%20статьи-5598-1-10-20210828.pdf (мурожаат санаси 27.11.2022й) (Rakhimkho'jaev R.N., Some aspects of the legal regulation of the conduct of operational-search activities by the internal affairs bodies);
8. Жўраев Қ.Тезкор-қидирув фаолиятида фуқаролар ҳимояси. <https://parliament.gov.uz/upload/iblock/6e8/hfnlnceqkbbby-kzkuwgazfgml.pdf> ;
9. Пўлатов Б., Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2017 №7. Б-44. <https://journals.uz/wp-content/uploads/2017/11/2-tezkor-idiruv-faoliyati-uning-natizhalarini-dalil-sifatida-fojhdalanishning-onunijligi-ustidan-prokuror-nazorati.pdf> (Polatov B., Prosecutor's control over the legality of operational-search activities, the use of its results as evidence. Journal of legal research. 2017 №7. B-44.);
10. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-651 сонли Қонуни (The law of the Republic of Uzbekistan dated November 30, 2020 No. 651 "on amendments and additions to certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of legislative acts aimed at protecting the personal rights and freedoms of citizens");
11. Ниязов М. Тезкор-қидирув фаолиятидаги ўзгаришлар тўғрисида. Янги Ўзбекистон. 2020. <https://yuz.uz/ru/news/ob-izmeneniyah-v-operativno-rozsknoy-deyatelnosti>. (Niyazov M. On changes in operational-search activities. New Uzbekistan. 2020.);
12. <https://uzdaily.uz/ru/post/61858>.



Таштемиров Анвар Аликулович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН ФИРИБГАРЛИКНИ ФОШ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

For citation: Tashtemirov Anvar Alikulovich. ISSUES RELATED TO THE DETECTION OF FRAUD COMMITTED USING INFORMATION TECHNOLOGY. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятларининг тушунчаси, турлари, содир этилиш усули ҳамда унинг замонавий кўринишларига оид маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи етакчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари асосида ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятларини фош этиш билан боғлиқ масалалар илмий-назарий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хулоса сифатида, ушбу турдаги жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш бўйича криминалистика ва тезкор-кидирув фаолияти йўналишига оид таклифлар ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик, кибержиноят, киберфирибгарлик, ижтимоий тармоқ, ахборот макони, банк пластик картаси, электрон манзил.

Таштемиров Анвар Аликулович,
Старший преподаватель кафедры административного права
Академии Министерство внутренних дел Республики Узбекистан
E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com

ВОПРОСЫ, СВЯЗАННЫЕ С ВЫЯВЛЕНИЕМ МОШЕННИЧЕСТВА, СОВЕРШЕННОГО С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о понятии, видах, способах и современных проявлениях мошенничества, совершаемого с использованием информационных технологий. Кроме того, с научной, теоретической и правовой точек зрения проанализированы вопросы, связанные с раскрытием мошеннических преступлений, совершенных с использованием информационных технологий на основе мнений и суждений ведущих ученых, раскрывающих

особые признаки данного вида преступлений. В заключение разработаны предложения и рекомендации по криминалистической и оперативно-розыскной деятельности для своевременного выявления и раскрытия данного вида преступлений.

Ключевые слова. Мошенничество, совершенное с использованием информационных технологий, киберпреступление, кибермошенничество, социальная сеть, информационное пространство, банковская пластиковая карта, электронный адрес.

Tashtemirov Anvar Alikulovich,

Senior Lecturer of the Administrative Law Department of
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com

ISSUES RELATED TO THE DETECTION OF FRAUD COMMITTED USING INFORMATION TECHNOLOGY

ANNOTATION

The article provides information on the concept, types, methods and modern forms of fraud committed through the use of information technology. Additionally, from a scientific, theoretical and legal point of views, issues related to the detection of fraud committed with the use of information technology are analysed based on the opinions and considerations of leading scientists, identifying the particular attributes of certain types of crimes. To conclude, suggestions and recommendations on forensic and operative search activities directed at the early detection and disclosure of such crimes have been prepared.

Keywords. Fraud committed with the use of information technology, cybercrime, cyberfraud, social network, information space, bank plastic card, electronic address.

Дунёда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этиш натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш, мазкур турдаги жиноятларни тезкор-кидирув фаолиятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро самарали ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. БМТнинг ушбу йўналишда назоратни амалга оширувчи бирлашган гуруҳларининг ҳисоботида кўра, глобал иқтисодиётга улкан зарар етказилаётганлиги туфайли киберфирибгарликка қарши чораларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, фирибгарликдан етказилаётган зарар миқдори хусусий ва давлат секторларидаги тушумлар ҳажмининг умумий улушидан 1%дан 5%гача қисмини, ушбу кўрсаткич БМТ тизимида 0,03% ташкил этишини кўрсатган. Фирибгарлик жиноятини тергов қилувчи халқаро сертификатланган экспертлар уюшмаси ACFE 2022 йилда 125 мамлакатда содир этилган фирибгарликнинг 2504 ҳолатини ўрганиш натижасида тузилган глобал ҳисоботида кўра бутун дунё бўйлаб фирибгарликдан етказилган умумий зарар 3,6 миллиард долларни ташкил этган.

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган шахсни жавобгарликка тортиш, жиноий тажовузлар натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни қоплаш бўйича кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг етти устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-кидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш”[1] каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликка қарши курашиш фаолиятини тартибга солиш қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ёки интернет фирибгарлиги деб ном олган жиноятлар кўлами кенгайиб бормоқда. Уларга қарши курашишда бугунги кунда кадрлар салоҳияти, уларнинг билим ва кўникмалари даражасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда жиноят ҳукуки назариясида киберфирибгарлик тушунчаси тўғрисида турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, В.К.Барчуковнинг фикрича, киберфирибгарлик компьютер фирибгарлиги бўлиб, у ички маълумотлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкига тажовуз қилишдир[2]. Д.А.Зикованинг фикрича, киберфирибгарлик жинояти компьютер технологиялари ёрдамида фирибгарлик, ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзга шахснинг пул маблағларини ўзлаштириш, унинг мулкига зарар келтириш ва ушбу мулкка эга бўлиш ҳисобланади[3]. М.А.Ефремова эса, «киберфирибгарлик» тушунчасини «компьютер маълумоти орқали фирибгарлик қилиш» тушунчаси билан бир хил эканлигини ва уларнинг синоним сўзлар ҳисобланишини таъкидлайди[4].

Юқоридаги олимларнинг фикрлари тўғри, ҳақиқатан ҳам киберфирибгарлик ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади ва ўзга шахснинг мулкига, ушбу шахсларнинг ишончига кириш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан эга бўлишга қаратилади. Бироқ, миллий қонунчилигимизда ахборот технологиялари тизими билан боғлиқ тушунчалар ва унинг амалга оширилиш механизми тўлиқ белгилаб берилмаган, фақатгина компьютер тизими билан боғлиқ айрим қоидалар мавжуд эканлиги билан ифодаланади. Шунингдек, мазкур тушунча тор доирада, яъни ахборот технологиялари ва коммуникациялари негизда кўрсатиб ўтилган.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этиш методикасини такомиллаштириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишнинг объектив хусусияти билишнинг ўзига хос объекти (аниқроғи объектлари) ҳисобланади. Бир томондан – қонун чиқарувчи томонидан бировнинг мулкани талон-торож қилиш ёки бировнинг мулкига бўлган ҳуқуқини сотиб олиш деб белгилаган фирибгарлик, бошқа томондан – ушбу жиноий фаолият ахборот технологиялар орқали маълумотларни киритиш, ўчириш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки бошқа аралашув орқали амалга ошириладиган виртуал муҳитдир. Ахборот технологиялари орқали амалга ошириладиган маълумотларни ахборот ва телекоммуникация тармоқларида сақлаш, қайта ишлаш ёки узатиш каби фаолиятларда номоён бўладиган ва шу орқали жиноятга оид аниқ далилий маълумотлар шаклида акс эттирилган жараёндир. Айнан шу шаклда тадқиқот объекти ушбу турдаги жиноятлар тўғрисида криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликлар бошқа турдаги фирибгарликлардан содир этилиш усули билан кескин фарқ қилади. Жабрланувчилар фирибгарлар билан муайян вақт (3-4 кун, 10-20 кун) давомида, баъзи вақтларда узокроқ муддат (3 ой ва ундан кўп вақт) давомида ўзаро виртуал муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар жиноят содир этилгандан кейин фирибгарнинг муомиласи, гапириш оҳанги, мулоқотга киришиш усули, айрим ҳолларда ташқи кўриниш белгилари тўғрисида тўлароқ маълумот беришлари мумкин;

иккинчидан, ахборот технологиялари орқали фирибгарлик содир этувчи жиноятчилар ўзларининг ИТ соҳасида чуқур билимга эгаллиги, бугунги кундаги замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланиш кўникмасининг юқорилиги, ақл-фаросати, дунёқараши, фикрлаш доираси ва хулқ-атвори билан бошқа турдаги жиноятларни содир этувчи (ўғри, талончи, безори) шахслардан кескин фарқ қилади. Улар жиноятни содир этишда ўзларининг билими ва маҳорати, айёрлиги ва чапдастлиги каби қобилиятларини ишлатиб одамларни ўзига жалб этадилар, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва кизиқиш уйғотадилар;

учинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ўз ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очик кўнгиллик билдирадилар ва шу орқали ўзларининг алданиб қолганлигини сезмай қоладилар[5].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, нафақат ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликларда балки, бошқа турдаги жиноятларда ҳам жиноятчининг шахси асосий роль ўйнайди. Бу борада биз кўриб чиқаётган соҳадаги фирибгарлар эса ўз “соҳаси”нинг билимдони сифатида анча кенг имкониятларга эга шахслар ҳисобланади. Одатда, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликлар асосан гуруҳ таркибида амалга оширилади. Шундай экан, гуруҳдаги ҳар бир иштирокчига унинг имкониятидан келиб чиқиб, тегишли вазифалар белгиланади. Бунда энг катта “иш”ни ижтимоий тармоқ орқали (телефон, Telegram, Instagram, Whats App ва ҳ.к.) жабрланувчи билан мулоқотга киришувчи амалга оширади, шу боис фирибгарликка хос индивидуал хусусиятлар айнан гуруҳнинг ушбу иштирокчиларида намоён бўлишини кузатиш мумкин. Бошқалар эса вазифалар тақсмотини амалга ошириб уни назорат қилиб турувчи раҳбарлик, маълумотлар алмашинувини таъминловчи воситачилик, ахборот технологиялари орқали маълумотларга ишлов бериш вазифасини амалга оширувчи техник мутахассислик каби фаолият турлари билан шуғулланишлари белгиланади.

Шу ўринда, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятларида жиноятчи ва жабрланувчи бир бирини кўриши шарт эмаслиги, яъни билвосита мулоқотга киришиш орқали ҳам жиноятчилар ўз мақсадларини осонгина эришадиганлиги бугунги кундаги ушбу соҳадаги энг катта муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бундай турдаги жиноятларнинг мураккабликларида яна бири, нафақат жиноятчи ва жабрланувчи, балки гуруҳ иштирокчилари ҳам кўпгина ҳолларда ўзаро бир бирини кўрмасдан, билмасдан, танимасдан фақатгина гуруҳ етакчисининг кўрсатмалари орқали ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришиши натижасида уларнинг шахсини аниқлашга бўлган уринишларни имконсиз даражага тушириб қўймоқда. Албатта, бу жараёнда мулоқотни таъминлаб берувчи ижтимоий тармоқларнинг ўрни ва аҳамияти қанчалик катта эканлигини ҳис этиш мумкин.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг жамият учун хавфи сўнги вақтларда янада ортиб бормоқда. Чунки, ижтимоий тармоқлар дастлаб одамлар орасида асосан мулоқот қилиш, маълумот алмашиш воситаси сифатида хизмат қилган бўлса, ҳозирда оддий бир инсоннинг оилавий ёки кундалик харажатлари учун амалга оширадиган тўлов воситаси бўлиш билан бирга халқаро даражадаги мисли кўрилмаган миқдордаги молиявий муносабатларни амалга оширишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам фирибгарларнинг айёрлиги, удабуронлиги бевосита фирибгарлик жиноятини фош этишни қийинлаштиради. Шу боис тезкор суриштирувчи амалга оширувчи ходимлар фирибгарларга оид ўзига хос таърифномаларни билишлари лозим. Бунда муайян гумонланаётган шахс ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларни атрофлича ўрганиш талаб қилинади[6].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг криминалистик тавсифи элементлари қуйидагилардан иборат: жиноят содир қилиш тўғрисидаги дастлабки ахборотлар; фирибгар шахси; жиноятнинг содир этилишидаги шарт-шароитлар; фирибгарликнинг содир этилиш йўли, уни яшириш усуллари ва ўзига хос оқибатлари; жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликдан жабрланган шахслар ёки уларнинг қариндошлари берган аризаларда, айрим ҳолларда эса давлат, жамоат, корхона ва муассасалардан келиб тушган мурожаатларда жиноят содир этган шахс тўғрисида етарлича маълумотлар қайд этилмайди. Шу билан бирга, жиноят ҳодисаси, унинг содир этилиш механизми, эпизодлари ва бошқа иш учун муҳим ҳолатлар тўғрисида етарлича маълумотлар бўлмайди.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликлар бўйича дастлабки маълумотларнинг таснифини аниқлаш терговчига жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишини рад қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишга, содир бўлган воқеанинг таърифи, жиноятни содир қилиш йўли ва уни яшириш усуллари, жиноятчининг шахси тўғрисидаги асосли гумонларни ишлаб чиқишга ёрдам беради ва натижада содир этилган жиноятни фош

этиш бўйича вазифаларни тўғри баҳолаш, унинг йўналишини белгилаш ва фирибгарни кидириш ҳамда у томонидан қонуний ўзлаштирилган мулкни топишда ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг содир этилиши кўпроқ объектив омиллар билан белгиланади[7]. Уларга тажовуз қилинаётган предмет хусусияти, унинг вақти, жойи ва жиноят содир этишнинг бошқа объектив шарт-шароитларини киритиш мумкин. Ахборот технологиялари кенг қўлланилаётган ҳамда молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларда масофавий хизмат кўрсатиш каналлари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда ишонувчан ҳамда молиявий саводхонлик даражаси етарли бўлмаган фуқароларга нисбатан фирибгарлик ҳаракатлари кузатилмоқда.

Бу каби фирибгарлик ҳолатлари банк картаси эгасининг хабарисиз унинг карта ҳисобварағидан пул маблағини ечиб олиш, пароль ва ПИН-кодларни ўғирлаш ва бошқа ноқонуний фаолият турлари билан боғлиқ[8].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ўйлаш учун вақт қолдирмай, турли гаплар билан чалғитиб, карта маълумотларингизни айёрлик билан қўлга киритади ёки ёлғонларига ишонтириб, пул маблағларини уларга ўз хоҳишингиз билан ўтказиб беришга ундайди.

Шу сабабли, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарларнинг турли баҳоналар билан банк картадаги маълумотларини (карта рақами, ПИН-код, шунингдек, СМС-код ва бошқа шахсий маълумотлар) билиб олишга уринишларига жавоб бермаслик керак.

Агарда шахсга ўзини банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ёки бирон савдо ташкилоти ходими деб таништирган нотаниш фуқаролардан қўнғироқ бўлганда, уларнинг сўзларига ёки кўрсатмаларига амал қилишга шошилиш керак эмас ва шахсий маълумотларини ошкор қилмаслик керак.

Ҳар қандай шароитда ҳам банк карта тўғрисидаги маълумотларни (карта рақами, ПИН-код, банк картасининг олд қисми расмлари) ҳамда ўз шахсий маълумотларини бегона фуқароларга ошкор қилиш ва юбориш мумкин эмас.

Жиноятни содир қилиш йўлини аниқлаш учун жиноятчининг тегишли малакалари даражасини белгилаш, яъни жиноятни содир этишда қўлланилган усул, тажовуз қилинаётган мулк ва унинг эгасини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Жумладан, бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ўзгалар мулкни талон-тарож қилишнинг нисбатан кўп тарқалган тури бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда фирибгарликнинг умумий динамикаси, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Ундан ташқари, ҳаёт кечириш учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, фуқароларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ўсиш динамикаси фирибгарликка қарши курашишнинг замонавий усуллари жорий этишни тақозо қилади.

Айни пайтда мамлакатимиз бутун дунёда авж олган жиддий иқтисодий рақобат шароитида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантириш йўлидан бормоқда. Замонавий ахборот-телекоммуникация тизимлари ва молия-банк секторини такомиллаштиришсиз иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас, бу эса, ўз навбатида, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва банк хизматларининг жозибадорлиги, самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш воситаларини излашни тақозо этади[9]. Шубҳасиз, бундай воситалардан бири банк пластик картаси бўлиб, у ўзига хос, кўп функцияли банк маҳсулотидир.

Замонавий тараққиёт билан бирга ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ҳам тобора замонавийлашиб, энг сўнгги ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) воситаларини қўллаган ҳолда содир этилмоқда.

Дунёда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда рақамли иқтисодиёт ривожланиши, хусусан, мулкӣй характердаги битимларни онлайн интернет платформалари орқали расмийлаштиришини оммалаштириш билан мулкӣй ҳуқуқлар дахлсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё иқтисодий тизимидаги жадал ўзгаришлар замирида фирибгарлик содир этиш анча осонлашди ва у дунёда латентлиги юқори бўлган жиноятлардан бирига айланди. Жумладан, РwС халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан 2020 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра сўнгги 2 йил ичида дунёнинг етакчи компаниялари иқтисодий жиноятчилик натижасида кўрган зарарининг 47 фоизи фирибгарликка тўғри келиши, жорий йилда эса ушбу компанияларга 42 млрд доллар миқдоридаги зарар етказилганлиги сўнгги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган[10].

Банк карталари, турли хил молиявий “пирамидалар” ва бошқа янгича шаклдаги фирибгарлик жиноятлари унинг умумий жиноятчиликдаги салмоғини тобора ошириб бормоқда.

Мисол учун, молиявий пирамида тузишда айбдор оғзаки ёки ёзма битим тузиб, ушбу битим шартларига амал қилади, битим шартлари бўйича белгиланган фоизлар ўз вақтида тўлаб борилади, битимда назарда тутилган вақт келганида пуллар тўлиқ қайтарилади. Бу билан айбдор кўпроқ фуқароларни ўзининг жинойий “молиявий пирамида”сига жалб қилади. Бунда айбдор янгидан пул киритаётган фуқароларнинг пуллари эвазига муқаддам олинган мажбуриятларини бажариб боради. Айбдор қабул қилиб олган пуллари учун банклар ва бошқа кредит ташкилотларига нисбатан юқори фоиз тўлаб, пулларни қайтарилишидаги қатъий интизоми эвазига ўзининг “мижозлари”ни сонини кўпайишига эришади. Бунда фуқаролар томонидан ушбу “молиявий пирамида”га кириталётган пуллар ҳеч нима билан кафолатланмаган бўлиб, пул тушуми тўхтаб қолса, моддий қимматликлар киритган барча фуқаролар ўзларини моддий қимматликларини тиклай олмайдилар, яъни мазкур фаолиятнинг охири кўплаб фуқароларни касодга учратиш билан тугайди[11].

Шунингдек, хизмат кўрсатиш, электрон савдо соҳаларида шу жумладан, интернет орқали авиачипталар, маиший техника ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш жараёнида интернет фирибгарликни содир этиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда.

Фирибгарлар томонидан АКТ воситаларининг замонавий турларидан фойдаланиб жиноят содир этилган ҳолатларда қилмишни квалификация қилишда фирибгар томонидан қўлланилган замонавий воситаларни “компьютер техникаси воситаси” сифатида малакалашда вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш учун айнан норманинг шу қисмини қайта таҳрирдан ўтказиш лозим.

Фуқароларнинг фирибгарлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари йилдан йилга кўпаймоқда. Айрим шахсларнинг фирибгарликни касб этиб олиши, кўплаб инсонларни алданиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Фирибгарликка қарши курашда энг аввало, уни олдини олиш ва барвақт аниқлаш масалалари долзарб масалалардан бири саналади.

Маълумот учун: Ички ишлар вазирлиги ахборот хизматининг маълумотларига кўра, 2020 йилда Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ ҳолатлар қайд этилган, натижада 17 мингдан ортиқ одам алданиш фирибгарлик жинояти қурбонига айланган. Таҳлилларга кўра, барча жабрланганларнинг 58,8% эркаклар ташкил қилган.

Бундан ташқари, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлигини кузатиш мумкин.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик содир бўлиш жараёнида жабрланувчиларнинг ўзлари кўпинча ўз ҳаракатлари билан жиноят содир этилишига сабабчи бўлиб қоладилар. Фирибгарликнинг келиб чиқишига кўпинча айрим фуқароларнинг бахиллик, очкўзлик, пулга ҳирс қўйиш, тез бойиб кетишга ва бунинг учун ноқонуний равишда маълум имтиёзларни ёки қимматбаҳо нарсаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилишлари сабаб бўлади. Бундан «жабрланувчилар» фирибгарлик тўғрисида ички иш-лар органларига хабар бера олмайдилар, фирибгарлар ҳам ушбу ҳолатни ҳисобга оладилар ва бу уларга қўл келади.


Жабрланувчининг шахсини ўрганишда ва жиноят содир бўлишида, унинг роли қандай эканлигини ёдда тутиш керак, чунки у томони-дан ҳам жиноят содир этиш ёки унга суиқасд қилиш имконияти бор.

Шундай қилиб, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда исботланиши лозим ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга жиноятни содир этиш усули, жиноят содир этилишида жабрланувчининг роли, фирибгарлик жиноятининг содир этилишига имконият яратган шароитлар киради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон. (Decree No. PF-60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026". National Database of Legislative Information, 01/29/2022, No. 22/06/60/0082).
2. Барчуков В.К. Терминология мошенничества в сфере компьютерной информации. - М.: Пробелы в российском законодательстве. № 4. 2017 г. - С. 163-165. (Barchukov V.K. Terminology of fraud in the field of computer information. - M.: Gaps in Russian legislation. No. 4. 2017 - P. 163-165).
3. Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества. дис. ... канд. юрид. наук. Владимир, 2002. - 211 с. (Zykov D.A. Victimological aspects of computer fraud prevention. dissertation candidate of legal sciences. Vladimir, 2002. - 211 p.).
4. Ефремова М.А. Мошенничество с использованием электронной информации // Информационное право. 2013. № 4. - С. 19-21. (Efremova M.A. Fraud using electronic information // Information law. 2013. No.4. - P. 19-21).
5. Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2003. – 25 с. (Abdullakhodzhaev G.T. Theft and fraud prevention: victimological aspects: Abstract of the thesis. dissertation candidate of legal sciences. - T., 2003. - 25 p.).
6. Алтиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2020. – 54 б. (Altiev R.S. Criminal Law and Criminological Aspects of Fraud: Doctor of Philosophy. (PhD). dissertation abstract - T., 2020. - 54 p.).
7. Матчанов А.А. Криминалистическая методика расследования мошенничества совершаемого с использованием информационных технологий. Монография – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 140 с. (Matchanov A.A. Forensic methodology for investigating fraud committed using information technology. Monograph - T. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2018. - 140 p.).
8. Тлиш А. Д. Проблемы методики расследования преступлений в сфере экономической деятельности, совершаемых с использованием компьютерных технологий и пластиковых карт: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2002. – 29 с. (Tlish A.D. Problems of the methodology for investigating crimes in the sphere of economic activity

- committed with the use of computer technology and plastic cards: Abstract of the dissertation candidate of legal sciences. - Krasnodar, 2002. - 29 p.).
9. Атаманов Р.С. Основы методики расследования мошенничества в сети Интернет: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Москва. 2012. – 28 с. (Atamanov R.S. Fundamentals of the methodology for investigating fraud on the Internet: Abstract of the dissertation... candidate of legal sciences. - Moscow. 2012. - 28 p.).
10. Коломинов В.В. Расследование мошенничества в сфере компьютерной информации: научно-теоретическая основа и прикладные аспекты первоначального этапа: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Краснодар. 2017. – 25 с. (Kolominov V.V. Investigation of fraud in the field of computer information: scientific and theoretical basis and applied aspects of the initial stage: Abstract of the dissertation... candidate of legal sciences. - Krasnodar. 2017. - 25 p.)
11. Комаров А. А. Криминологические аспекты мошенничества в глобальной сети Интернет: дис. ... канд. юрид. наук. - Пятигорск, 2011. - 262 с. Медведев С. С. Мошенничество в сфере высоких технологий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2008. – 21 с. Мишина И. М. Расследование мошенничества, совершенного с использованием банковских карт: криминалистические и уголовно-процессуальные аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2009. – 26 с. Филиппов М.Н. Расследование краж и мошенничеств, совершенных с использованием банковских карт и их реквизитов: автореф. дис... канд. юрид. наук. – Москва, 2012. – 30 с. (Komarov A. A. Criminological aspects of fraud in the global Internet: dissertatio candidate of legal sciences. - Pyatigorsk, 2011. - 262 p. Medvedev S. S. Fraud in the sphere of high technologies: Abstract of the dissertation ... candidate of legal sciences. - Krasnodar, 2008. - 21 p. Mishina I. M. Investigation of fraud committed using bank cards: forensic and criminal procedural aspects: Abstract of the dissertation ... candidate of legal sciences. - Moscow, 2009. - 26 p. Filippov M.N. Investigation of thefts and frauds committed with the use of bank cards and their details: author. dissertation... candidate of legal sciences. - Moscow, 2012. - 30 p.).



12.00.10-МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО

Акилов Саидакромхон Акмалович,

Докторант Университета мировой экономики и дипломатии

E-mail: akrom9961@gmail.com

ОСНОВНЫЕ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ПРИНЦИПЫ В СФЕРЕ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ИНФОРМАЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРОСТРАНСТВЕ

For citation: Akilov Saidakromhon Akamlovich. THE MAIN INTERNATIONAL LEGAL PRINCIPLES IN THE FIELD OF LEGAL REGULATION OF THE DISSEMINATION OF INFORMATION IN THE INTERNATIONAL SPACE. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются исторические вопросы формирования международно-правового регулирования международных отношений в сфере международного информационного обмена и развитие формирования международных принципов в области обеспечения информационной безопасности. Целью данной статьи является определение ряда принципов распространения информации в международном пространстве на основе особенностей и юридических свойств информации, изложенных в международных договорах в сфере обеспечения информационной безопасности. Учитывая совокупность сформированных международно-правовых норм в сфере международного информационного обмена, обозначаются основные принципы, регулирующие международное информационное право с учетом целей и задач функционирования информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова: международное право, международное информационное право, принципы международного права, глобальная сеть Интернет, ИКТ, информационная безопасность.

Акилов Саидакромхон Акмалович,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети докторанти

E-mail: akrom9961@gmail.com

ХАЛҚАРО МАКОНДА АХБОРОТ ТАРҚАТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқаро ахборот алмашинуви соҳасидаги халқаро муносабатларни халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг шаклланиши ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги

ҳалқаро тамойилларнинг шаклланишини ривожлантиришнинг тарихий масалалари кўриб чиқилган. Ушбу модданинг мақсади ахборот хавфсизлиги соҳасидаги халқаро шартномаларда белгиланган маълумотларнинг хусусиятлари ва ҳуқуқий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда халқаро маконда ахборот тарқатишнинг бир қатор принципларини аниқлашдан иборат. Халқаро ахборот алмашинуви соҳасида шаклланган халқаро ҳуқуқий нормалар тўпламини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ахборот ҳуқуқини тартибга солувчи асосий принциплар баён етилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳуқуқ, халқаро ахборот ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ тамойилари, глобал тармоғ Интернет, АКТ, ахборот хавфсизлиги.

Akilov Saidakromhon Akamlovich,

Doctoral student of University of World Economy and Diplomacy,

E-mail: akrom9961@gmail.com

THE MAIN INTERNATIONAL LEGAL PRINCIPLES IN THE FIELD OF LEGAL REGULATION OF THE DISSEMINATION OF INFORMATION IN THE INTERNATIONAL SPACE

ANNOTATION

This article examines the historical issues of the formation of international legal regulation of international relations in the field of international information exchange and the development of the formation of international principles in the field of information security. The purpose of this article is to define a number of principles for the dissemination of information in the international space based on the features and legal properties of information set out in international treaties in the field of information security. Taking into account the set of formed international legal norms in the field of international information exchange, the basic principles governing international information law are outlined, taking into account the goals and objectives of the functioning of information and communication technologies.

Keywords: international law, international information law, international law principles, global net Internet, ICT, information security.

Динамичное и глобальное развитие информационно-коммуникационных технологий и компьютерных сетей сопровождается формированием совершенно новых, ранее не известных человеку, обществу, государству и международному сообществу различных проблем, связанных с расширением числа пользователей компьютерных сетей, технологического развития информационных сетей, необходимостью сбалансированного функционирования глобальных информационных процессов, включая обеспечение баланса безопасности и прав человека. Немаловажное значение в решении таких проблем имеют вопросы связанные с обеспечением информационной безопасности на национальном и международном уровне.

В современном мире произошёл значительный рост международной информационной преступности, и одним из основных проблем является возможность использования информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в преступной и террористической деятельности. Но основной угрозой международной информационной безопасности (МИБ) является использование ИКТ в военно-политических целях, которая приводит к гонке вооружений в глобальном информационном пространстве. Естественно, это ставит под угрозу существующую систему международных отношений, а в целом стратегическую стабильность на мировом уровне. Поэтому одним из приоритетных направлений мирового сообщества является формирование международного режима обеспечения информационной безопасности.

На современном этапе развития человечества цифровые технологии последовательно становятся важным стратегическим инструментом для военного преобладания и высоких экономических достижений. В Окинавской хартии глобального информационного общества,

от 22 июля 2000 г., отмечено, что «информационно-коммуникационные технологии являются одним из наиболее важных факторов, влияющих на формирование общества XXI века». В таких условиях становление международного режима информационной безопасности естественно становится одним из самых приоритетных направлений дальнейшего глобального развития.

10. Денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро трибунал

Шунингдек, ҳозирги кунда қуйидаги арбитраж муассасалари фаолият юритмоқда (рўйхат тўлиқ эмас):


1. Стокгольм Савдо палатаси арбитраж суди
2. Халқаро тижорат арбитраж суди
3. Америка Арбитраж Ассоциацияси
4. Француз арбитраж ассоциацияси
5. Австралия халқаро тижорат арбитражи маркази
6. Пекин арбитраж комиссияси
7. Қоҳира халқаро тижорат арбитражи минтақавий маркази
8. Мексика Арбитраж маркази
9. Милан миллий ва халқаро арбитраж палатаси – "Милан арбитраж палатаси"
10. Хитой халқаро савдо-иқтисодий арбитраж комиссияси
11. Умумий суд ва арбитраж
12. Польша савдо палатаси арбитраж суди
13. Руминия савдо-саноат палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитраж суди
14. Дубай халқаро арбитраж маркази
15. Гонконг халқаро арбитраж маркази
16. Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича халқаро марказ
17. Лондон халқаро арбитраж маркази
18. Доимий арбитраж суди
19. Сингапур халқаро арбитраж маркази
20. Швейцария палатаси арбитраж муассасаси
21. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси
22. Вена халқаро арбитраж маркази
23. Интеллектуал мулк бўйича Бутунжаҳон ташкилоти Арбитраж ва Воситачилик маркази
24. Қозоғистон халқаро арбитраж суди
25. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошидаги Тошкент халқаро арбитраж маркази.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида шуни кўриш мумкин-ки, деярли барча муносабатларни тартибга солувчи халқаро судлар шаклланган. Бироқ, бир дин вакилларининг бошқа дин вакиллари ҳуқуқларини бузишига қарши курашувчи халқаро суд мавжуд эмас. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, бизнингча, айнан шундай йўналишдаги инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш билан шуғулланувчи махсус халқаро судлар ташкил этилиши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Устава ООН (UN Charter) - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>
2. Малкольн Шоу (The Malcolm Show)
3. R. Y. Jennings, 'Presentation', in Increasing the Effectiveness of the International Court of Justice (ed. C. Peck and R. S. Lee), The Hague, 1997, p. 79
4. Max Planck Encyclopedias of International Law - <https://opil.ouplaw.com/view/10.1093/law:epil/9780199231690/law-9780199231690-e35>
5. <https://www.justice.gov/jmd/lis/international-courts#international>
6. <https://www.icj-cij.org/en/history>

7. <https://www.un.org/en/about-us/history-of-the-un/predecessor>
8. <https://www.icj-cij.org/en/history>
9. <https://www.un.org/ru/icj>
10. <https://www.itlos.org/en/main/latest-news>
11. Малкольн Шоу. Международное право. Учебник./Cambridge University Press. 2017 г – p 863 (Malcoln Shaw. International law. Textbook./Cambridge University Press. 2017 - p 863)
12. [https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute\(r\).pdf](https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute(r).pdf) – 5-модда
13. <https://www.icty.org>
14. <https://www.icty.org/en/about>
15. https://www.echr.coe.int/documents/convention_rus.pdf
16. https://www.echr.coe.int/Documents/Court_in_brief_ENG.pdf
17. <http://sudsng.org>
18. <http://www.memo.ru/prawo/hum/zhen1925.htm>
19. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/icc-international-court-arbitration>
20. <https://icsid.worldbank.org>
21. <https://sccinstitute.com/ru>
22. <https://www.hkiac.org/>
23. <https://www.lcia.org>
24. <https://www.siac.org.sg>



Эгамбердиев Дилшод Алишерович,

Тошкент давлат юридик университети

Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари

кафедраси катта ўқитувчиси

ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0002-1645-044X>

E-mail: d.egamberdiyev@tsul.uz

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ – ҚЎШМА ТЕРГОВЛАРИНИ ТУЗИШНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Egamberdiev Dilshod Alisherovich. LEGAL ASSISTANCE IN CRIMINAL CASES IS AN INTERNATIONAL AND NATIONAL LEGAL BASIS FOR THE CREATION OF JOINT INVESTIGATION TEAMS. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда халқаро ҳамжамият жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни тартибга солишчи қатор халқаро шартномаларни ишлаб чиқди ва имзолаш учун очди. Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам каби анъанавий ҳуқуқий институтларни ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, ушбу ҳужжатлар бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари учун халқаро-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Улардан бири тезкор-тергов гуруҳлари ёки халқаро тергов гуруҳларидир. Бундай тергов гуруҳларининг ташкил этилиши ва давлатларнинг биргаликдаги фаолияти жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилиш соҳасида терговчилар, суриштирув органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шунингдек бошқа давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг самарали шаклларида биридик. Қўшма тергов, тезкор тергов гуруҳларини тузиш институти жиноят-процессуал соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишларидан бири бўлиб, у батафсил тадқиқотларни талаб қилади. Бундай тергов гуруҳларининг тузилиши жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам сўраш тартибини соддалаштиради, далилларни тўплаш ва баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради ва ҳоказо. Ушбу мақолада муаллиф халқаро ҳуқуқда қўшма тергов, тезкор-тергов гуруҳлари, халқаро тергов гуруҳларининг самарали фаолияти ва ижобий натижаларини илмий асослаб ёритиб берган. Шунингдек ушбу фаолиятни янада ривожлантириш билан боғлиқ фикр мулоҳазалар юритган.

Калит сўзлар: халқаро тергов гуруҳи, тезкор-тергов гуруҳи, қўшма тергов гуруҳи, Европол, конвенция, жиноят, ҳуқуқий ёрдам, тергов, гуруҳ, шартнома, прокурор.

Эгамбердиев Дилшод Алишерович,
Старший преподаватель кафедры
Международного права и прав человека
Ташкентского государственного

юридического университета

ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0002-1645-044X>

E-mail: d.egamberdiyev@tsul.uz

ПРАВОВАЯ ПОМОЩЬ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ-МЕЖДУНАРОДНО-НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРАВОВАЯ ОСНОВА СОЗДАНИЯ СОВМЕСТНЫХ СЛЕДСТВЕННЫХ ГРУПП

АННОТАЦИЯ

В последние годы международное сообщество разработало и открыло для подписания ряд международных соглашений, регулирующих международное сотрудничество в борьбе с преступностью. Наряду с правовым регулированием традиционных правовых институтов, таких как взаимная правовая помощь по уголовным делам, эти документы обеспечивают международно-правовую основу для новых направлений сотрудничества в этой области. Одна из них - оперативно-следственная группа или международная следственная группа. Организация подобных видов расследований и совместных мероприятий государств является одной из наиболее эффективных форм взаимодействия следователей, следственных органов и правоохранительных органов, а также других государственных органов в области предупреждения преступлений и расследования. Институт совместных расследований и совместные следственные группы - одно из новых направлений международного сотрудничества в области уголовного правосудия, которое требует детального исследования. Структура таких следственных групп упрощает процедуру обращения за юридической помощью по уголовным делам, помогает устранить проблемы со сбором и оценкой доказательств и так далее. В данной статье автор научно обосновал эффективность и положительные результаты деятельности оперативно-розыскных групп, международных следственных групп в соответствии с международным правом. Были также высказаны замечания по дальнейшему развитию этой деятельности.

Ключевые слова: международная следственная группа, совместные следственные группы, совместное расследование, Конвенция, Европол, преступление, юридическая помощь, расследование, группа, контракт, прокурор.

Egamberdiev Dilshod Alisherovich,

Senior Lecturer of the Department of International Law
and Human Rights of Tashkent State Law University

ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0002-1645-044X>

E-mail: d.egamberdiyev@tsul.uz

LEGAL ASSISTANCE IN CRIMINAL CASES IS AN INTERNATIONAL AND NATIONAL LEGAL BASIS FOR THE CREATION OF JOINT INVESTIGATION TEAMS

ANNOTATION

In recent years, the international community has developed and opened for signature a number of international agreements regulating international cooperation in the fight against crime. Along with the legal regulation of traditional legal institutions, such as mutual legal assistance in criminal matters, these instruments provide an international legal framework for new areas of cooperation in this field. One of them is the operational-investigative group or the international investigation team. The organization of such types of investigations and joint activities of States is one of the most effective forms of interaction between investigators, investigative bodies and law enforcement agencies, as well as other state bodies in the field of crime prevention and investigation. The Institute of joint investigations and joint investigation teams is one of the new directions of international cooperation in the field of criminal justice, which requires detailed research. The structure of such investigative teams simplifies the procedure for seeking legal assistance in criminal cases, helps to eliminate problems with the collection and evaluation of evidence, and so on. In this article, the author has

scientifically justified the effectiveness and positive results of the activities of operational search groups, international investigative groups under international law. Comments were also made on the further development of this activity.

Keywords: international investigation group, joint investigation teams, joint investigation, Convention, Europol, crime, legal aid, investigation, group, contract, prosecutor.

Замонавий дунёдаги қийинчиликлар ва таҳдидларнинг пайдо бўлиши яъни, жинойтчиликнинг байналмилаллашуви, турли ноқонуний ҳаракатларнинг ҳудудий кенгайиши ва турли давлатлар фуқароларининг жинойий уюшмаларга (жинойий схемалар) жалб этилиши бу албатта турли кўнгилсиз воқеаларнинг ривожланишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида уларга қарши курашиш учун давлатлараро самарали механизмлар жорий қилишни талаб қилмоқда. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини кўрқитиб турган халқаро терроризм, гиёҳванд моддалари ва қурол яроғ-савдоси, аёллар ва болаларни жинсий эксплуатация қилиш, шунингдек ижтимоий омиллар - қашшоқлик каби янги авлод муаммолари халқаро жинойтчиликка қарши курашишнинг хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Трансмиллий жинойтларнинг кўлами ва тузилиши мунтазам ўсиб бораётганлиги ягона мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари билан халқаро характердаги жинойий ҳодисаларга қарши курашда сезиларли натижа бермаганлигига яққол намоён бўлмоқда. Маълумки халқаро характердаги жинойтларга қарши курашишда бир мамлакатнинг ўзида далилларни тўплаш, жинойтни олдини олиш чораларини қўллаш каби ҳаракатларни амалга оширишда ўзига яраша тўсиқларни мавжудлиги сабабли ҳам, ягона давлатнинг ўзи халқаро характердаги жинойтларга қарши курашишда сезиларли натижа бермай келмоқда. Трансмиллий жинойтчиликка қарши курашишда ҳар томонлама турли давлатлар ўртасида яқин ҳамкорлик жуда муҳим аҳамията эгадир. Бугунги кунда давлатлар ўртасида жинойт ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда “тезкор-қидирув гуруҳи”, “тезкор-тергов гуруҳи”, “халқаро-тергов гуруҳи” ва “қўшма тергов гуруҳи” тузиш каби халқаро ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўлди[1]. Қўшма тергов гуруҳлари уюшган трансмиллий жинойтчиликка қарши курашда кучли замонавий воситалардан бири деб тахмин қилинмоқда. Қўшма тергов гуруҳлари – икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ваколатли органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг чекланган муддага ва аниқ мақсадларни кўзлаб (иштирокчи давлатларнинг ҳудудларида содир этилган жинойтлар ва уюшган жинойтларни тергов қилиш) тузилган халқаро ҳамкорликнинг бир воситасидир. 1985 йил 29 ноябрда БМТ Бош ассамблеяси 40/32 қарори билан БМТнинг VII Конгресси томонидан жинойтчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муомала бўйича тасдиқланган Милан ҳаракат режасини тасдиқлади[2]. Ушбу қарор билан тасдиқланган Милан ҳаракат режаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойий адолат соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг фойдали ва самарали воситаси сифатида қайд этилади. Ҳаракатлар режасида одил судловни амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича бир қатор тавсиялар илгари сурилган, жинойт ишларини тергов қилишда ҳамкорлик қилиш усуллари ва усуллари такомиллаштириш, бундай ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Каракас декларациясида[3] ва Милан ҳаракат режасида келтирилган ғоялар, фикримизча, жинойт ишлари бўйича ҳамкорликнинг бошланғич нуктаси бўлиб хизмат қилди ва улардан бири жинойий суд ишлари соҳасида халқаро ҳамкорликнинг бир қатор янги йўналишларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий тартибга солиш учун асос яратди, улардан бири қўшма тергов институтидир. Жинойтчиликка қарши курашишдаги ҳамкорликнинг анъанавий шаклига нисбатан, қўшма тергов гуруҳларида маълумотлар ва далиллар эркин айланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида анъанавий ҳамкорликка қараганда камроқ расмийлаштирилган талаб этади ва жинойтларни тергов қилиш ўз вақтида амалга оширилади. Шу сабабларга кўра, қўшма терговларини тузиш ҳамкорлик учун жуда самарали восита бўлиб, у бир неча давлатларда параллел равишда ўтказилган тергов ва жинойий ишларни мувофиқлаштиришни осонлаштиради.

Илмий адабиётларда[4] амалиётчиларнинг ҳисоботларида[5], жиноятчиликка қарши курашувчи халқаро ташкилотларининг ҳисоботларида[6], уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш учун қўшма тергов ва тезкор гуруҳлар (яъни турли давлатлар вакилларида иборат гуруҳлар) тузиш ва фаолият кўрсатиши зарурлиги қайд этиб келинмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, жиноятчиликка қарши кураш тарихида ҳам махсус халқаро тергов комиссиялари тузилган ҳолатлар бўлган, аммо уларни тергов қилиш мавзуси айнан бир ҳудудда содир этилган халқаро жиноятлар ва халқаро характердаги жиноятлар бўлган (Югославия бўйича комиссия 1993, Руанда 1994, Сомали 1993, Бурунди 1995 й). Ушбу комиссияларнинг бирон бирининг фаолияти кутилган натижаларга олиб келмади, ҳеч бўлмаганда халқаро гуманитар ҳуқуқни бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш соҳасида, чунки тергов муваффақиятли ўтган бўлса ҳам, кейинги тергов жараёнида бундай тергов натижаларидан фойдаланиш масаласи ҳал қилинмаган эди[7]. Юқорида қайд этиб ўтилган халқаро тергов комиссияларидан фарқли ўлароқ, қўшма тергов гуруҳларини яратиш, биринчи навбатда, трансмиллий характерга эга бўлган уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларни таъкиб қилишни мақсад қилади.

“Қўшма тергов гуруҳи”ларини тузишдан мақсад халқаро трансмиллий жиноятларни очиш ва тергов қилишда, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва лозим бўлган далилларни тақдим қилишда ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборатдир[8]. Мазкур туркумдаги гуруҳларни “халқаро тергов гуруҳлари” деб номлаш ҳам мумкин. Бу ерда асосан, содир этилган жиноят трансчегаравий хусусиятга эга бўлиши, далилларни тўплашда ёки топишда тезкор ахборот алмашилиши ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳаракат қилиши орқали амалга оширилади. Мазкур тадбирлар давлатлараро махсус келишувлар билан расмийлаштирилади[1]. Мазкур гуруҳларни тузиш ва ишлаш муайян ишнинг аниқ ҳолатларига қараб кўпгина ўзига хос афзалликларига эгадир. Коннй Рейкен (Conny Rijken) ушбу гуруҳларни тузишнинг қуйидаги афзалликларни санаб ўтган:

- қўшма тергов ҳаракатларини ва операцияларини бир киши томонидан бошқарилиши;
- иштирокчи аъзо давлатларнинг ваколатли органларидан терговга оид маълумотларни қўшма тергов гуруҳига юборилган аъзоси томонидан расмий сўровларсиз тўғридан-тўғри сўрашлари мумкинлиги ва ушбу тергов фаолиятидан қатнашувчи аъзо давлатлардан олинган маълумотларни тузилган гуруҳ томонидан тўғридан-тўғри ишлатилиши мумкинлиги;
- гуруҳга аъзо давлатлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имконияти[10].

Шунингдек, Conny Rijkenнинг фикрини инобатга олиб қўшма тергов гуруҳларини тузишнинг яна бир нечта афзалликларини санаб ўтмоқчиман.

Улар қуйидагилар:

- ташкилий характердаги тезкор қарорлар қабул қилиш;
- терговчилар ва тезкор қидирув ходимларининг кучлари ва ресурсларидан комплекс фойдаланиш;
- гуруҳни келишув асосида тузган давлатларнинг юрисдициясида гуруҳ аъзоларининг тергов ҳаракатларини амалга оширишда бевосита иштирок этиш имконияти.
- амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, шунингдек, махсус билимларни норасмий алмашиш имконияти.
- турли юрисдикциялар ва иш амалиётида амалиётчилар ўртасида ўзаро ишончни яратиш ва мустаҳкамлаш қобилияти.
- қўшма тергов гуруҳида иштирок этиш бошқарувчанлик қобилиятини оширишда ва халқаро майдонда текширувларни ўтказиш кўникмасини яхшилашда катта хисса қўшади.

“Қўшма тергов гуруҳи” атмаси билан ифодаланган жуда кўп тур хил назарий ва амалий тушунча ва таърифларни кўришимиз мумкин. Халқаро майдонда тузиладиган тергов гуруҳларига берилган таърифларни жуда кам учратамиз. Лекин, шундай бўлсада ҳуқуқшунос олимларнинг давлат ичида тузиладиган тергов гуруҳларига берган таърифларини

кузутишимиз мумкин. А.Я.Дубинский ва Ю.И.Шостак тергов-тезкор гуруҳининг моҳиятини унинг характерли хусусиятларини аниқлаш орқали очиб беришди[11]. Л.М.Карнееванинг фикрича бу – “ҳар қандай жиноятни тергов қилишда мақбул бўлган ва иш юритишнинг ҳар бир босқичида жуда самарали бўлган ҳамкорликнинг универсал ташкилий шаклидир[12]. Қўшма-тергов гуруҳига биринчилардан бўлиб таърифни шакллантирган бу С.В.Бажановдир. Унинг фикрича қўшма тергов гуруҳлари бу – ишни процессга қабул қилган терговчи раҳбарлиги остида ўта хавфли жиноятлар бўйича мураккаб ва катта ҳажмдаги жиноий ишларни бирганликда очилишини ва тергов қилинишини таъминлайдиган, мақсади, жойи ва вақти аниқ бўлган ички ишлар органлари терговчилари ва тезкор гуруҳ ходимларининг ташкилий ва процессуал тузилмасидир[13]. Муаллиф берган таъриф кўриниб турибдики жуда оддий, бугунги замонавий қўшма тергов гуруҳларига муаллифнинг таърифи тўғри келмайди. Чунки, замонавий тергов гуруҳларида фақат ички ишлар органлари терговчилари ва тезкор кидирув ходимлари эмас балки, ҳар бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари терговчилари ҳам бевосита гуруҳ аъзоси сифатида иштирок этиши мумкин. Фикримизча, юқорида берилган таклиф ўз навбатида қўшма тергов гуруҳлари тергов қилиши мумкин бўлган жиноятлар доирасини асосиз равишда қисқатади.

Одатда халқаро тергов гуруҳлари турли давлатларнинг манфаатларига таъсир этувчи жиноятларни тез, ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш ва тергов қилиш мақсадида тузилади. П.А.Литвишконинг фикрига кўра халқаро тергов гуруҳи “икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудида жиноят ишлари бўйича далилларни тўплашни оптималлаштиришда; далилларни тўплаш ва юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилишнинг узок ва мураккаб тартибидан ташқари амалга оширишда; олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлашда” муҳим рол ўйнайди[14]. Ушбу фикр халқаро ҳуқуқ доирасида тузиладиган тезкор тергов гуруҳларининг мақсад вазифаларини қисқа бўлсада очиб беришга ҳаракат қилади. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек ушбу гуруҳларни тузишдан асосий мақсад жиноятларни ўз вақтида тергов қилиш, далилларни йўқ бўлиб кетиш олдини олиш ва оқилина жиноий жавобгарликни қўллашга хизмат қилишдир.

А.Ю.Цветков, П.А.Литвишконинг фикрига қарши чиқиб шундай фикрни илгари суради яъни “ҳалқаро қўшма гуруҳларини тузиш институти иккита муҳим чекловни ўз ичига олади. Улардан бири, бундай гуруҳларни тузиш катта сарф ҳаражат талаб этиши, фақатгина жиноий ҳаракатларнинг катта ҳажми бошқа давлат ҳудудида амалга оширилган тақдирдагина ва далилларнинг асосий қисми шу давлат ҳудудида мавжуд бўлса бу гуруҳни тузиш ўзини оқлаши мумкин. Иккинчидан, халқаро қўшма тергов гуруҳлари фаолияти давлат суверенитети бузилиши сифатида қабул қилиниши мумкин[15].” Муаллифнинг фикрига эътироз билдирган ҳолда, бирон бир жиноят эътибордан четда қолмаслигини ва жиноят содир этган ҳар бир шахс жазоланиши шарт деб ҳисоблаймиз. Халқаро тергов гуруҳларини тузиш жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг мақбул шакли бўлиб, ўз навбатида жиноий ишларда юридик ёрдам кўрсатишда юзага келадиган кўплаб қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Шунингдек, жиноятлар тергов гуруҳи томонидан тергов қилиш жараёнида бевосита келишилган ҳолда маълумотлар алмашилади ва бу маълумотлар алмашишини соддалаштиради. Бу эса, давлат суверенитетига дахл қилмайди. Юқоридаги таърифлардан кўринадики қўшма тергов гуруҳлари учун таърифлар барчаси илмий назарий таърифлардир. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимида қўшма тергов гуруҳлари тушунчасига таъриф берилмаган, фикримизча давлатлар ўртасида тузиладиган қўшма тергов гуруҳлари (ҳалқаро тергов гуруҳлари, тезкор тергов гуруҳлари) тушунчасини ишлаб чиқиш керак. “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ҳудудида қўшма тезкор тергов гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида[16]”ги Битимнинг 1-моддасига кўра “қўшма тергов гуруҳи – Томонларнинг икки ёки ундан ортиқ миллий тергов ва тезкор-тергов гуруҳларидан иборат, томонларнинг марказий ваколатли органларининг келишувига мувофиқ тузилган гуруҳ” деб таъриф берилган. Юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб халқаро тергов гуруҳларига қуйидагича таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Қўшма тергов гуруҳи – бу давлат аҳамиятига молик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳамиятга эга бўлган оғир ёки ўта оғир

жиноятларни очиш, уларни тергов қилишда кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатларни, тезкор қидирув тадбирларини амалга оширувчи икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг тергов органлари марказий аппаратининг ўзаро келишуви асосида тузилган тергов, тезкор-қидирув ходимлари ва бошқа мутахассислардан ташкил топган гуруҳдир. Уларнинг фаолияти халқаро ҳужжатлар ва давлатларнинг миллий қонунчилиги, шунингдек, ваколати тергов органларининг ўзаро келишув асосида тузилган битим (шартнома) билан тартибга солинади.”

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш, давлатлар ўртасида ўзаро юридик ёрдам, халқаро тергов гуруҳларини тузиш каби соҳалардаги энг муҳим халқаро шартномалар сифатида: 2000 йил 15 сентябрда 55/25 резолюцияси билан БМТ Бош ассамблеясининг 55-сессиясининг 62-ялпи мажлисида қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенцияси, 2003 йил 31 октябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессияси 51-ялпи йиғилишида 58/4-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши” Конвенцияси, 2000 йил 29 майдаги Европа Иттифоқига Аъзо давлатлар ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ёрдам тўғрисидаги Европа Конвенцияси, Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Конвенция (Кишинёв, 10/7/2002), МДХга аъзо давлатлари ҳудудида ўзаро тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тартиби ва фаолияти тўғрисида”ги Битим (2015 йил 16 октябрь), Терроризм, сепаратизм ва экстримизмга қарши кураш тўғрисидаги (2001 йил 15 июнь) Шанхай конвенцияси.

Ушбу халқаро нормаларда бевосита давлатлар ўртасида тезкор тергов гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида нормалар кўрсатиб ўтилгандир. БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясининг 19-моддасида жиноят иши бўйича манфаатдор давлатлар кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар ва келишувлар асосида ҳамкорликда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва тергов органларини ташкил этишлари мумкинлиги ҳақида қоида мустаҳкамланган[17].

БМТнинг “Коррупцияга қарши” Конвенцияси 49-моддаси “Конвенция ушбу конвенцияда қамраб олинган трансмиллий жиноятларни тергов қилиш учун давлатлар кўшма тергов гуруҳларини тузиш учун икки ёки кўп томонлама баитимлар тузишни таъминлайди[18]” деб белгиланган. Шу билан бир қаторда, Конвенция давлатлар ўртасида тузилган тергов гуруҳида иштирок этаётган мамлакатларнинг суверенитетини таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аммо, Конвенцияда тергов гуруҳини ташкил этиш тартиби ва унинг фаолияти ҳақида ҳеч қандай қоидалар мажуд эмас.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг “Терроризмга қарши конвенцияси”нинг 18-моддасида Конвенция доирасидаги жиноий қилмишларни содир этган шахслар, гумонланувчилар, айбланувчиларга нисбатан жиноят иши юритаётган томонлар, ушбу шахслар бошқа давлат ҳудудида эканлигини аниқлагач, ўша давлатнинг ваколатли органларининг розилигини олганларидан сўнг ўз ходимларини ўша давлат ҳудудида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида иштирок этишлари учун юборишлари мумкин[19].

2000 йил май ойида Европа Иттифоқи Кенгаши “Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг жиноий ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Конвенциясини қабул қилди[20]. Конвенциянинг 13-модда 1 қисмига мувофиқ “Ушбу, конвенцияга аъзо томонларнинг ваколатли органлари ўзаро келишув асосида бир ёки бир нечта Иттифокка аъзо давлатлар ҳудудида жиноятларни тергов қилиш учун кўшма тергов гуруҳларини тузишлари мумкин” деб белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Конвенция бундай гуруҳлар томонидан олиб борилиши мумкин бўлган терговларни чекламайди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органларни ҳар бир ҳолатда биргаликда ҳаракат қилиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2009 йил 6 апрелдаги “Европа полиция агентлиги (Europol) ташкил этиш тўғрисида”ги қарорнинг 5-моддасига мувофиқ, унинг вазифаларидан бири, аъзо давлатларнинг ваколатли органларини терговни бошлаш, ўтказиш ва мувофиқлаштириш ва муайян ҳолларда кўшма тергов гуруҳларини ташкил этишни таклиф

қилишни талаб қилиши мумкин. Бундай тергов гуруҳлари бевосита раҳбар, гуруҳ аъзолари ва қўшма тергов гуруҳига бириктирилган аъзоларидан ташкил топгандир[21].

2001 йил 8 ноябрда тасдиқланган “Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Европа Конвенциясига Иккинчи протоколнинг[22] 20, 21, 22 моддалари бевосита далаатлар ўртасида қўшма тезкор тергов гуруҳларини тузишга қаратилган. Бу протокол жиноий ҳуқуқбузарликлар қийин тергов текширувларини ўтказишни талаб қилса ёки жиноятнинг катта қисми бошқа давлат ҳудудида содир этилиб тергов қилинаётган бўлса давлатлар ўртасида келишув асосида қўшма тергов гуруҳини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Протоколнинг 20-моддасида “Ўзаро келишувга кўра, икки ёки ундан ортиқ томонларнинг ваколатли органлари муайян мақсад ва чекланган вақт давомида қўшма тергов гуруҳларини тузиши мумкин, улар ўзаро келишувга кўра, гуруҳни ташкил этган томонларнинг бирида ёки бир нечтасида жиноий текширувлар ўтказиши мумкин. Гуруҳ таркиби шартномада белгилаб қўйилади.” деб белгилаб қўйилган.

Тергов гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолияти умумий одатий фаолият эмас. Лекин, давлатларнинг манфаатларига қарши жиноятлар содир этилганида тергов гуруҳларининг фаолияти жуда самаралидир. Масалан 2002 йил октябр ойида Италия полицияси ва Europol томонидан одамларни ноқонуний ташишга қарши курашиш бўйича "Кунгабоқар-2" қўшма операцияси ўтказилди, унинг давомида Европа Иттифоқи мамлакатларидан мингдан зиёд полициячилар, шунингдек уларнинг Россия, Украина ва Белоруссиядаги ҳамкасблари жалб қилинди. Полиция маълумотларига кўра, Европа тарихидаги энг йирик полиция операцияси, китъанинг шарқий қисмидан аёлларни Ғарбий Европага ноқонуний равишда олиб борадиган ва аслида уларни жинсий қулликка сотадиган жиноий гуруҳлар билан алоқадорликда айбланиб, 80 киши ҳибсга олинган. [23]. Шунингдек, айрим МДҲ давлатлари ҳам ўз ҳудудларида чет эл процессуал органлари томонидан текширув ўтказишга рухсат берган ҳолатларни ҳам учратишимиз мумкин. Муваффақиятли ҳамкорликнинг мисоли сифатида 1996 йил 2 октябрда бўлиб ўтган йўловчи Левинни ўлдирилиши ва улар ўртасидаги жанжал натижасида Ивановга жароҳат этказиш бўйича Ашхабодга қўнишга мажбур бўлган ИЛ-62 самолётида содир этилган жиноят ишидир. Бунда, Туркменистон Бош прокуратураси раҳбарияти билан келишилган ҳолда Россия Федерацияси прокуратурасининг тергов-тезкор гуруҳини Ашхабодга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди, у Туркменистон ҳудудида барча керакли тергов ҳаракатларини олиб борди ва ҳибсга олинган Иванов, Язвенко, жабрланувчи Яременко билан бирга Новосибирскга қайтиб келди [24].

Қўшма тергов гуруҳларини тузиш ва уларни тартибга солиш Европа ва Америка китъаси давлатларининг миллий қонунчилигида ҳам кузатишимиз мумкин.

Нидерландия Қироллигининг Жиноят процессуал кодекси Х қисм Халқаро ўзаро ҳуқуқий ёрдам. Биринчи “А” Боб. Халқаро қўшма тергов гуруҳларига бағишланган. Мазкур бобнинг 552-қа бўлимида “Шартномада назарда тутилган ёки Европа Иттифоқи Кенгашининг доиравий қарорини амалга ошириш мақсадида Давлат прокурори чекланган муддатга бошқа мамлакатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда тергов гуруҳини биргаликда жиноий текширувлар ўтказиш учун ташкил этиши мумкин. Давлат прокурори қўшма тергов гуруҳини тузиш учун тегишли мамлакатларнинг ваколатли органлари мансабдор шахслари билан ёзма равишда келишиб олади.[26]” деб аниқ белгиланган.

Европа китъасининг бошқа бир мамлакати Болгария Республикаси Жиноят процессуал кодекси III Жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам бўлимининг 476-моддаси 3-қисмида “Олий кассация прокуратураси Болгариянинг прокуратура ва тергов органлари иштирок этадиган бошқа давлатлар билан қўшма тергов гуруҳларини тузади. Иштирокчи давлатларнинг ваколатли органлари билан қўшма тергов гуруҳининг фаолияти, шартлари ва таркиби тўғрисида битим тузилади. Болгария Республикаси ҳудудида қўшма тергов гуруҳи халқаро шартномалар, битим шартлари ва Болгария қонунчилиги қоидаларига мос келиши керак [27]” белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, бу каби нормаларни Европа китъасининг бошқа мамлакатлари Словения Республикаси, Чехия Республикаси, Франция

Республикаси, Эстония Республикаси, Словакия Республикаси каби давлатларнинг жиноят процессуал кодексларида кўриш мумкин.

Сўнгги йиллардаги амалиёт шуни кўрсатадики, МДХга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бир нечта давлат манфаатларига таъсир этувчи жиноятларни тергов қилишда давлатлар ўртасида тузилган ўзаро тергов гуруҳларидан аста-секин фойдалана бошлади.

2002 йил 7 октябрь кунги “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинев конвенциясининг 63-моддасида ҳамкорликда тергов-тезкор гуруҳлари тузиш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби баён этилган. Унга кўра, бир ёки бир неча шахслар томонидан икки ёки ундан ортиқ аъзо давлат ҳудудларида содир этилган жиноий қилмишлари юзасидан жиноят ишлари бўйича текзор ва ҳар томонлама тергов ҳаракатларини ўтказиш учун аъзо давлатлар ҳамкорликда тергов гуруҳларини тузишлари мумкин. Бундай гуруҳнинг ташкил этилиши Конвенциянинг 60-моддасига асосан жиноий иш бўйича юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириққа мувофиқ расмийлаштирилади, бунда бу гуруҳни тузиш таклифини олган вақтдан бошлаб аниқ 15 кунлик муддатда қарор қабул қилиш белгилаб қўйилган[28]. Шунингдек, шартномага аъзо давлатлар ўртасида гуруҳ тузилгандан сўнг ўз навбатида ушбу гуруҳга кирган мансабдор шахсларнинг рўйхати тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиши ҳақида қоида мустаҳкамланган[9].

МДХ давлатлари орасида Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 578-моддасида ва Молдова Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 1² Бўлим, 540² – моддасида “Қаида икки давлатнинг ваколатли органи ўзаро розилик асосида муайян мақсад ва ўзаро розилик билан узайтирилиши мумкин бўлган чекланган муддатга, келишув бўйича бир ёки бир неча давлатда жиноий тергов ўтказиш учун қўшма тезкор тергов гуруҳлари тузиши мумкин. Қўшма тергов гуруҳи таркиби томонларнинг ўзаро розилиги билан белгиланади.[25]” деб ҳамкорликда қўшма тергов гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолиятига оид нормалар мустаҳкамланган.

Халқаро амалиёт, тергов гуруҳларини тузиш ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг самарали усулларида бири эканлигини кўрсатмоқда. Бу тажриба халқаро жиноятларни тўлиқ очиш, улар билан боғлиқ далилларни тўплаш ва тезкор ахборот алмашиши каби ҳаракатларнинг ривожланишига кенг йўл очиб бераётганлигини кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назарда, Д.Умарханова ўз илмий изланишларида **БМТ доирасида бевосита давлат ўртасида тергов ва тезкор тергов-гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро намунавий шартнома**[1] қабул қилишни таклиф бериб келмоқда. Ўйлайманки ушбу таклиф албатта трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда яхши натижа беради.

Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2019 йилдаги ЎРҚ-534-сонли Қонуни билан "2002 йил 7 октябрь кунги “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинев конвенцияси”ни ратификация қилди. Жиноят процессуал кодекси 3-моддасига кўра, "Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади." деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб Жиноят процессуал кодексида қўйидаги мазмунда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

595¹-модда. Халқаро ҳамкорлик доирасида қўшма тергов, тезкор тергов гуруҳларини тузиш.

Икки ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудида содир этилган ёки ушбу давлатларнинг қонунлари билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган тақдирда, содир этилган жиноятлар юзасидан тергов ва тезкор қидирув фаолиятини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси тергов органлари билан биргаликда ва хорижий давлатнинг ваколатли органлари билан биргаликда шартнома асосда вақтинчалик (доимий) қўшма тергов, тезкор тергов гуруҳлари тузиши мумкин.

Қўшма тергов, тезкор тергов гуруҳининг таркиби икки ёки кўп томонлама тузилган шартномада кўрсатилади. Шартнома тарафлари барча тарафларни оғохлантирган ҳолда ва тарафларнинг розилиги билан тараф томонидан кўрсатилган гуруҳ аъзосини ўзгартириши мумкин.

Ривожланиб бораётган ахборот асрида халқаро майдонда амалиётда мавжуд бўлган ва самарали фаолият олиб бораётган нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ўз навбатида мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бир кўринишидир. Яъни, бевосита халқаро ҳуқуқда ўзининг ижобий натижасини берган тезкор-тергов гуруҳларининг фаолияти бу шу заминда яшаётган миллионлаб инсонларнинг ҳуқуқлари таҳдид солиш, давлатларнинг иқтисодий салоҳиятига таҳдид қилиш каби бир қанча ноқонуний ҳаракатлар ёки халқаро жиноятларнинг олдини олишда давлатларнинг биргаликда курашишларини янада юксалтиради ва албатта яхши натижалар беради.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Umarxanova, D.Sh. (2018) "Organization of the groups of investigation and operative investigation as a form of international cooperation on criminal cases," Review of law sciences: Vol. 2 , Article 10. p. 46-50
2. <https://undocs.org/ru/A/RES/40/32>
3. https://www.unodc.org/documents/congress//Previous_Congresses/6th_Congress_1980/025_ACONF.87.14.Rev.1_Sixth_United_Nations_Congress_on_the_Prevention_of_Crime_and_the_Treatment_of_Offenders_R.pdf p.9-12
4. Биленчук П.Д., Еркенов С.Е., Кофанов А.В. Транснациональная преступность: состояние и трансформация /Под редакцией Акад. П.Д. Биленчука. – К., 1999. – С. 145 (Bilenchuk P.D., Erkenov S.E., Kofanov A.V. Transnational crime: state and transformation /Edited by Academician P.D. Bilenchuk. – K., 1999. – p. 145)
5. Божелко О.А. О проблемах совершенствования сотрудничества государств-участников Содружества Независимых Государств в борьбе с преступностью. Доклад от Координационного Совета Генеральных прокуроров государств-участников СНГ // Проблемы прокурорской и следственной практики. – 1999. – № 1-2. -С. 59 (Bozhelko O.A. On the problems of improving the cooperation of the member States of the Commonwealth of Independent States in the fight against crime. Report from the Coordinating Council of the General Prosecutors of the CIS member States // Problems of prosecutorial and investigative practice. - 1999. – No. 1-2. -p. 59)
6. 2002 EU Organised Crime Report// <http://www.europol.eu.int/index.asp?page=EUOrganisedCrimeSitRep2002#JOINT%20INVESTIGATION%20TEAMS>
7. Фисенко И.В. Система уголовного преследования за совершение международных преступлений: комиссии по расследованию и международные уголовные суды. //Белорусский журнал международного права и международных отношений. – 1998. – № 4. (Fisenko I.V. The system of criminal prosecution for international crimes: commissions of inquiry and international criminal courts. //Belarusian Journal of International Law and International Relations. – 1998. – No. 4.)
8. Soglasheniye o poryadke sozdaniya i deyatelnosti sovmestnix sledstvenno-operativnix grupp na territoriyax gosudarstv - uchastnikov Sodrujestva Nezavisimix Gosudarstv ot 16 oktyabrya 2015 goda. // www.cis.minsk.by <<http://www.cis.minsk.by>>. (Agreement on the procedure for

- the establishment and Operation of joint investigative and operational groups in the Territories of the member States of the Commonwealth of Independent States dated October 16, 2015.)
9. <https://lex.uz/docs/2107763>
10. Conny Rijken. 'Joint Investigation Teams: principles, practice, and problems Lessons learnt from the first efforts to establish a JIT' (2006) 2 (2) Utrecht Law Review 99.
11. Дубинский А. Я., Шостак Ю. И. Организация и деятельность следственно оперативной группы : учеб. пособие. Киев, 1981. С. 8–10. (Dubinsky A. Ya., Shostak Yu. I. Organization and activity of the investigative task force : studies. stipend. Kiev, 1981. pp. 8-10.)
12. Взаимодействие следователей с оперативными работниками органов внутренних дел : метод. пособие / автор. кол.: Л. М. Карнеева (руководитель) [и др.]. М. :ВНИИ МВД СССР, 1981. С. 79. (Interaction of investigators with operative employees of internal affairs bodies : method. manual / author. Col.: L. M. Karneeva (head) [et al.]. M. : Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of the USSR, 1981. p. 79.)
13. Бажанов С.В. Групповой метод расследования как способ повышения эффективности предварительного следствия : дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. М., 1990. С. 38 (Bazhanov S.V. The group method of investigation as a way to increase the effectiveness of the preliminary investigation : diss. ... cand. jurid. sciences': 12.00.09. Moscow, 1990. p. 38)
14. Литвишко П.А. Создание и деятельность совместных следственно-оперативных групп // Российские следователь. 2010. № 4. С.34-38. (Litvishko P.A. Creation and activity of joint investigative and operational groups // Russian investigator. 2010. No. 4. pp.34-38.)
15. Цветков Ю.А. Принцип равенства юридической силы доказательств в международно-правовом сотрудничестве по уголовным делам // Международное уголовное право и международная юстиция. 2013. № 2. С. 7-10 (Tsvetkov Yu.A. The principle of equality of the legal force of evidence in international legal cooperation in criminal cases // International criminal law and international justice. 2013. No. 2. pp. 7-10)
16. <http://docs.cntd.ru/document/420385655>
17. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml
18. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml
19. <https://www.lex.uz/acts/2068063>
20. <https://eurlex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:C:2000:197:0001:0023:EN:PDF>
21. <https://eulaw.edu.ru/spisok-dokumentov-po-pravu-evropejskogo-soyuza/reshenie-soveta-ot-6-aprelya-2009-g-o-sozdanii-evropejskogo-politsejskogo-vedomstva-evropol/>
22. Гурбанов Р.А. Субъекты сотрудничества судебных органов государств – членов ЕС в сфере уголовного правосудия // Право и политика. 2011. № 9. С. 1500-1508. (Gurbanov R.A. Subjects of judicial cooperation of the EU Member States in the field of criminal justice // Law and politics. 2011. No. 9. pp. 1500-1508.)
23. http://www.sobor.net/print.php?id_news=3991
24. Карасева Е.В. Процессуальные аспекты международного сотрудничества органов предварительного следствия МВД Российской Федерации. – М., 2000. – С. 66. (Karaseva E.V. Procedural aspects of international cooperation of the preliminary investigation bodies of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation. – М., 2000. – p. 66.)
25. https://www.legislationline.org/download/id/6793/file/Moldova_CPC_2003_am2016_en.pdf
26. https://www.legislationline.org/download/id/6416/file/Netherlands_CPC_am2012_en.pdf
27. https://www.legislationline.org/download/id/4152/file/PENAL_PROCEDURE_CODE_am2011_en.pdf
28. <http://www.cis.minsk.by/page/614>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6-МАҲСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-6

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000